

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**Сиёсий менеджмент модули бўйича**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**“Жаҳон сиёсати” (минтақалар бўйича)**  
таълим йўналишлари ва мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари учун

**Тошкент – 2021**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ЎзДЖТУ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,  
с.ф.д (PhD) Саидов С.Ш.

Такризчилар: соц.ф.д, проф. Н.Латипова – Ўзбекистон миллий университети, соц.ф.д. проф. Ш.Содиқова – Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ф.ф.д., проф. С.Каримов – Самарқанд давлат университети.

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3 -сонли баённомаси)*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ҲҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	8
III. НАЗАРИЙ МАНҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	14
IV. АМАЛИЙ МАНҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	100
V. ГЛОССАРИЙ .....	110
VI. АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ .....	119

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

#### **Модулнинг вазифалари:**

- Сиёсатшунослик йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- Сиёсатшунослик йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

- сиёсий бошқарув ва унинг хусусиятларини;
- сиёсий менеджмент категорияси ва унинг тарихини;
- давлат ва жамият ривожланишининг умумий тенденцияларини;
- менеджмент жараёнларида шахснинг ролини;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви ва ижтимоий тизими;
- жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизимининг мазмун-моҳиятини;
- ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва технологиялар;

истикболга мўлжалланган сиёсий прогнозларнинг моҳиятини **билиши** керак:

- сиёсий муносабатлар ва унинг хусусиятлари масалаларини таҳлил этиш;
- замонавий жаҳон тартиботи концепцияларининг моҳиятини тушунтира олиш;
- интеграцион ва замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнларни шарҳлаш;
- ҳокимият учун кураш ва сиёсий манфаатларни таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегияси ва ислохотлар моҳиятини ўрганиш;
- сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш борасидаги билимларни давомли мустақкамлаш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви ва кадрлар соҳасидаги ҳуқуқий асослари билан яқиндан танишиш ва уларнинг амалий аҳамиятини мустақкамлаш каби **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- сиёсий менеджмент ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар узвийлигини англаш;
- замонавий сиёсий жараёнлар ва технологиялар масаласини кўриб чиқиши;
- Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегияси ва унинг устувор йўналиш тарғиб этиш;
- миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг имиджини шакллантириш стратегиясини яратиш борасидаги асосий намоёндалар қарашларни ва уларнинг назарий меросини таҳлил этиш бўйича **малакаларига** эга бўлиши лозим.
- сиёсий тизим ва ижтимоий жараёнларнинг тенденциялари, бошқарув ва ҳокимият муносабатларини моҳиятини тарғиб этиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум

таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Сиёсий менежмент”, “Халқаро тизимларда Ўзбекистон манфаатлари” модули мазмуни ўқув режадаги “Жаҳон сиёсати” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя тизими ҳақида билиш ва улардан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳамда улар билан ижтимоий иш олиб бориш усулларида фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амаий машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Сиёсий менежмент фанининг йўналиши ва ижтимоий фаолият сифатида. Сиёсий менежментнинг генезиси ва бугунги ҳолати. Сиёсий менежмент назария ва амалиёт сифатида	4	2	2	
2.	Сиёсий менежментнинг турлари. Сиёсий менежментда сайлов, референдум ва сайлов тизимлари. Сиёсий менежментда ахборотнинг ўрни ва таъсири	4	2	2	
3.	Сиёсий менежментда сиёсий компания ва жараён. Сиёсий маслаҳатлашувнинг сиёсий менежментда тутган ўрни. Сиёсий қарор қабул қилишнинг сиёсий менежментдаги роли	4	2	2	
4.	Сиёсий жараёни ва сайлов компаниясининг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг сиёсий менежментда тутган ўрни	6	2	4	
5.	Сиёсий менежмент ва ОАВ. Бошқарувни моделлаштириш ва прогнозлаштириш усуллари. Сиёсий жараёнларнинг айрим давлат ёки минтақа аҳолисига таъсири ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги	4	2	2	
6.	Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. Сайлов технологиялари. Сиёсий коммуникациялар	4	2	2	
	Жами:	26	12	14	

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Сиёсий менежмент фанининг йўналиши ва ижтимоий фаолият сифатида. Сиёсий менежментнинг генезиси ва бугунги ҳолати. Сиёсий менежмент назария ва амалиёт сифатида (2 соат).**

1. Сиёсий менежмент фани ва унинг жамият ҳаётидаги роли.
2. Бошқарув асослари ва моҳияти.
3. Бошқарув модели ва унинг тадрижий ривожи.

**2-мавзу: Сиёсий менежментнинг турлари. Сиёсий менежментда сайлов, референдум ва сайлов тизимлари. Сиёсий менежментда ахборотнинг ўрни ва таъсири (2соат).**

1. Сиёсий кампания тушунчаси ва моҳияти.
2. Сайловлар - сиёсий жараённинг ажралмас таркибий қисми сифатида. Сайлов кампаниясининг таркибий қисмлари.



3. Сайлов кампанияси стратегияси ва тактикаси

**3-мавзу: Сиёсий менежментда сиёсий компания ва жараён. Сиёсий маслаҳатлашувнинг сиёсий менежментда тутган ўрни. Сиёсий қарор қабул қилишнинг сиёсий менежментдаги роли (2 соат).**

1. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш.
2. Давлат сиёсатини шакллантириш технологиялари
3. Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг босқичлари.

**4-мавзу: Сиёсий жараёни ва сайлов компаниясининг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг сиёсий менежментда тутган ўрни (2 соат).**

1. Замонавий жамиятларда сиёсий бошқарувнинг ўрни ва роли.
2. “Сиёсий элита” тушунчасининг мазмун-моҳияти. Сиёсий элитанинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар.
3. Сиёсий етакчилик. Роллар орқали бошқариш.

**5-мавзу: Сиёсий менежмент ва ОАВ. Бошқарувни моделлаштириш ва прогнозлаштириш усуллари. Сиёсий жараёнларнинг айрим давлат ёки минтақа аҳолисига таъсири ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги (2 соат).**

1. Оммавий ахборот воситалари сиёсий мулоқот канали сифатида.
2. Глобал ахборотлашув шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.
3. Давлатнинг ахборот сиёсати ва оммавий ахборот воситалари.

**6-мавзу: Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. Сайлов технологиялари. Сиёсий коммуникациялар (2 соат).**

1. Сиёсий-маъмурий бошқарув самарадорлигини баҳолаш назариялари ва амалиёти.
2. Давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини белгиловчи мезонлар.
3. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил этишда кадрларнинг ўрни ва роли.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** Сиёсий менежмент фанининг йўналиши ва ижтимоий фаолият сифатида. Сиёсий менежментнинг генезиси ва бугунги ҳолати. Сиёсий менежмент назария ва амалиёт сифатида (2 соат).

**2-амалий машғулот.** Сиёсий менежментнинг турлари. Сиёсий менежментда сайлов, референдум ва сайлов тизимлари. Сиёсий менежментда ахборотнинг ўрни ва таъсири (2 соат).

**3-амалий машғулот.** Сиёсий менежментда сиёсий компания ва жараён. Сиёсий маслаҳатлашувнинг сиёсий менежментда тутган ўрни. Сиёсий қарор қабул қилишнинг сиёсий менежментдаги роли (2 соат).

**4-амалий машғулот.** Сиёсий жараёни ва сайлов компаниясининг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг сиёсий менежментда тутган ўрни (4 соат).

**5-амалий машғулот.** Сиёсий менежмент ва ОАВ. Бошқарувни моделлаштириш ва прогнозлаштириш усуллари. Сиёсий жараёнларнинг айрим давлат ёки минтақа аҳолисига таъсири ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги (2 соат).

**6-амалий машғулот.** Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. Сайлов технологиялари. Сиёсий коммуникациялар (2 соат).

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатма материалга ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

### Намуна:

Таҳлил турларининг қиёсий таҳлили		
Тизимли таҳлил	Сюжетли таҳлил	Вазиятли таҳлил

Афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Муммони келиб чиқиш сабабли ва кечиш жараёнини алоқадорлиги жиҳатидан ўрганиш имкониятига эга	Алоҳида тайёргарликка эга бўлишни, кўп вақт ажратишни талаб этади	Ўз вақтида муносабат билдириш имкониятини беради	Муносабат бошқа бир сюжетга нисбатан қўлланишга яроқсиз	Вазият иштирокчи- ларининг (объект ва субъект) вазифаларини белгилаб олиш имконини беради	Динамик хусусиятни белгилаб олиш учун қўллаб бўлмайди

**Хулоса:** Таҳлилнинг барча турлари ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир бирдан фарқланади. Лекин, улар қаторидан педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш жорий камчиликларни бартараф этишга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишда афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради.

### “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотида, мустахкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

•

Ф

- фикрингизни баён этинг

С

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

У

- фикрингизни умумлаштиринг

•

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** *“Тизим атроф муҳитдан ажралган, у билан яхлит таъсирлашувчи, бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар мажмуаси бўлиб, тадқиқотлар объекти саналади”.*

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

#### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавобни баҳолаш мумкин.

### **III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1-мавзу. Сиёсий менежмент фанининг йўналиши ва ижтимоий фаолият сифатида. Сиёсий менежментнинг генезиси ва бугунги ҳолати. Сиёсий менежмент назария ва амалиёт сифатида**

##### **Режа**

4. *Сиёсий менежмент фани ва унинг жамият ҳаётидаги роли.*
5. *Бошқарув асослари ва моҳияти.*
6. *Бошқарув модели ва унинг тадрижий ривожси.*

#### **1. Сиёсий менежмент фани ва унинг жамият ҳаётидаги роли.**

Жамиятда кўплаб ижтимоий тизимлар - сиёсий, иқтисодий, илмий, таълимий ва бошқалар мавжуд. Уларнинг ҳар бирида бошқарув тизимининг нисбатан мустақил элементлари шаклланади. Сиёсий соҳага келсак, ушбу элементлар бошқарувнинг субъекти ва объекти, алоқа каналлари ва назорат воситаларини ўз ичига олади.

Сиёсий бошқарув тизимида унинг барча индивидуал бўғинлари, кичик тизим элементлари ажралмас жараёнга бирлаштирилиб, унинг асосий вазифаси барча иштирокчиларининг мақсадга мувофиқ, мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминлашдан иборат бўлади. Замонавий адабиётларда сиёсий тизимнинг бошқарув нуқтаи назаридан энг кенг тарқалган хусусиятларидан бири қуйидагилар киради:

- Бошқариш предмети - бошқарув элементи (сиёсий бошқарув тизимининг раҳбари ёки сиёсий органи) ижрочилар устидан назоратни амалга оширувчи, уларнинг фаолиятини ташкил этувчи, тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи, бир-бири билан ўзаро алоқаларини қамраб олади.
- Бошқариш объекти - бу ифодалайдиган бошқариладиган элемент таъсирида бошқариладиган сиёсий тузилма, ташкилот ёки уларнинг

алоҳида бўлинмалари, ташкилотнинг мансабдор шахслари.

- Алоқа каналлари (сиёсий коммуникациялар) - ўзаро таъсир йўналишлари тизимдаги бошқариш субъекти ва объектининг таъсири (тўғридан-тўғри ва тескари алоқа), бу ҳам ташқи муҳит маълумотларини қабул қилади ва уларни узатади.
- Бошқарув боситалари - бу сиёсий тизим ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам маълумот алмашиш асосида бошқарув таъсирини узатиш ва идрок этишни таъминлайдиган сиёсий технологиялар, усуллар ва процедуралар.

Ҳар қандай фаннинг объекти ва предметини очиб бериш ушбу турдаги илмий билимларнинг жамият ҳақидаги, ижтимоий ҳақиқат ҳақидаги ягона фан тизимидаги ўрнини аниқлашга имкон беради. Сиёсий менежмент бир томоннинг зўравонлик, мажбурлаш усулларини кўлламадан, бошқасига таъсир ўтказишга интилиши билан тавсифланадиган, ўзаро таъсир ўтказишнинг махсус тури сифатида ҳар қандай жамиятда ифодаланади ва сиёсий таркибий қисмнинг барқарор ривожини ташкил этади. Шу билан бирга, гуруҳ манфаатларини илгари суриш (лоббичилик), давлат арбобининг имиджини шакллантириш ёки зиддиятли томонларни яраштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам қамраб олади.

Сиёсий алоқалар тизимида ушбу ўзига хос сегментнинг мавжудлиги, турли акторлар ҳаракатларида барқарорлик ва доимий такрорланувчанлик уни мустақил тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Ушбу объектнинг ўзига хос хусусияти сиёсий менежментни жамиятда ривожланаётган барча бошқа муносабатлардан ажратиб турадиган махсус элементлар билан белгиланади.

Тадқиқот объекти сифатида сиёсий менежмент ҳақида гап кетганда, биз бошқарув муносабатларининг барча турларини назарда тутамиз, бу бошқа омиллар қаторида уларнинг аниқ иштирокчилари томонидан маълум бир мамлакатда, маълум бир даврда амалга оширилган қадамларда

намоён бўлади. Бироқ, сиёсий бошқарувни барча аниқ тарихий кўринишларида тавсифлаш шунчаки мумкин эмас. Ушбу сиёсий бошқарув муносабатларини такрор ишлаб чиқарадиган инсонлар фаолияти жуда хилма-хил, ҳаракатчан, ўзига хосдир. Уларнинг мантиғини чуқурроқ англаш имконини берадиган барқарор, такрорланадиган нарсаларни аниқлаш муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, биз сиёсий бошқарув тадқиқотининг предметини аниқ тасаввур қилишимиз лозим.

Илмий тадқиқот мавзуси ушбу объектда нимани ўрганиш кераклигини кўрсатади. Ҳар қандай ижтимоий объект, шу жумладан бизнинг сиёсий тузилма ёки унинг бир қисми ғайриоддий даражада мураккаб, кўп қиррали ва ҳар хил томондан кўриб чиқилиши мумкин бўлганлиги сабабли номувофиқликлар бўлиши ҳам мумкин.

Тадқиқот предметининг хусусиятларига иккита асосий омил таъсир қилади:

- билимнинг мақсади, унинг амалий аҳамияти (қайси мақсадда ушбу объект тўғрисида билим олишни истаймиз);
- тадқиқотчининг назарий ва услубий позицияси (қандай билим ва қандай оламиз).

Айнан шу икки омил аниқ илмий объектда менежмент муаммоларини ҳал қилишда унинг тавсифининг чуқурлигига ҳам, амалий мақсадларда фойдаланишга ҳам таъсир кўрсатадиган энг муҳим ҳисобланади. Биринчи омил тадқиқот йўналишини белгилайди, иккинчиси - концептуал аппаратни шакллантиришга, ўзаро алоқаларни таъкидлашга ва ички жараёнларни тавсифлашга имкон беради.

Сиёсий бошқарув объекти мураккаб ва кўп қиррали. Уни инсонларнинг камида учта ўзаро боғлиқ ва бир-бирига алоқадор жамоаларига, бир-бири билан умумий, махсус ва индивидуал сифатда боғлиқ бўлган ҳодисалар ва жараёнлар тизимига бўлиш мумкин.

Аввало, бу сиёсий тизимнинг элементлари сифатида ишлайдиган акторларнинг уюшган жамоалари. Бунга қуйидагилар киради:



- маълум бир мақсадларга эришиш ёки муайян муҳим вазифаларни ҳал қилиш учун жамиятнинг ижтимоий институти сифатида яратилган давлат - сиёсий ташкилот;

- ташкилотни ёки унинг таркибий элементларини бошқарадиган бошқарувчи қўйи тизим (сиёсий раҳбар, сиёсий тузилманинг маъмурий аппарати);

- бошқариладиган қўйи тизим (сиёсий жараёнлар иштирокчилари) - асосан мақсадга мувофиқ тузилмаларда бирлаштирилган сиёсий қарорни амалга оширувчи ташкилот мансабдор шахслари;

- сиёсий бошқарув функциялари - муайян хусусий функцияларнинг масъул ижрочилари (амалда сиёсий бошқарув субъектларининг қарорларини амалга оширувчи), бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнига хизмат қилувчи ёрдамчи ходимлар.

Сиёсий менежмент бошқарув жараёнининг барча иштирокчилари учун, авваламбор уларнинг сиёсий бошқарувдаги ўрни ва роли нуқтаи назаридан, шунингдек қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, касбий ўзаро таъсир жараёнларини тартибга солиш ва сиёсий ташкилотнинг профессионал гуруҳлари ва алоҳида мансабдор шахслари фаолияти самарадорлигида намоён бўлади.

Сиёсий менежмент сиёсий таъсир объектларини турли қирралардан ўрганади. Бундай объектлар, бир томондан, сиёсий бошқарув доирасида тизим сифатида пайдо бўлади. Бошқа томондан, улар сиёсий соҳага конструктив ижтимоий аҳамиятга эга йўналиш бериш учун доимий равишда сиёсий таъсирни талаб қиладиган сиёсий жараёнларнинг барча жиҳатларини қамраб олади. Ниҳоят, учинчи томондан, ижтимоий амалиёт сиёсий менежментнинг сиёсий таъсирининг объекти бўлиб қолади, бунинг учун ердаги цивилизация тарихининг барча босқичларида сиёсий таъсир белгиловчи, тизимни шакллантирувчи ва ҳукмронлик қилувчи омил ҳисобланаган.

Сиёсий менежмент объектни ташкил этувчи бошқа элементлар бу бошқарув жараёнининг субъектив ва фаолият хусусиятлари, шунингдек унинг унумдорлигини таъминлаш шартлари ва омилларидир. Ушбу фазилатлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- сиёсий ташкилот расмийлари томонидан белгиланган мақом, роль ва функцияларни бажаришда;
- шахсий, касбий ва типологик хусусиятлар сиёсий тузилма, ташкилот мансабдор шахсларининг маъмурий ва ижро этувчи фаолияти;
- сиёсий ташкилотнинг мақсадларини рўёбга чиқарадиган мансабдор шахсларнинг уюшган ва ўзаро алоқадор ўзаро таъсири;
- турли ташкилий тузилмалардаги мансабдор шахсларнинг ўзаро таъсирининг ўзига хос хусусиятлари;
- ташкилотнинг мақсадлари, белгиланган функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишда сиёсат субъектларининг сиёсий алоқалари.

Сиёсий объектни ташкил этувчи муҳим элементлар менежмент, сиёсий тизимлар ва бевосита унинг субъектлари ўртасида сиёсий бошқарув доирасида пайдо бўладиган жараёнлар ва ҳодисалар мавжуд. Улардан асосийлари:

- 1) сиёсий бошқарув таъсири, унинг келиб чиқиши, динамикаси ва натижаси;
- 2) бошқарувнинг ўзаро таъсири (ваколатлар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бериш; бошқарув жараёнида ўзаро тушуниш ва унга эришиш шартлари ва бошқалар);
- 3) ташкилот мансабдор шахслари томонидан бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида турли сиёсий тузилмалардаги сиёсат субъектларининг бошқарув билан ўзаро таъсир турлари;
- 4) сиёсий бошқарувнинг барча бўғинлари фаолияти самарадорлигини белгилайдиган сиёсий, ташкилий ва бошқа

шарт-шароитлар тизими - ташкилот мансабдор шахслари томонидан бошқарув ва ижро функцияларини амалга оширишда етакчи ва бошқариладиган қуйи тизимларга таъсири.

Шундай қилиб, сиёсий менежмент жамият ҳаётини сиёсий тартибга солиш самарадорлиги билан боғлиқ кўплаб нарсани ўрганади. Илмий интизом сифатида сиёсий менежмент сиёсат субъектларининг маъмурий фаолиятининг қонуниятлари, механизмлари, шартлари ва омилларини, умуман сиёсий жараёни, сиёсий тизимларни объектив воқелик ходисалари сифатида ўрганади. Сиёсий менежмент объектини аниқлашга асосан замонавий илмий тадқиқотчиларнинг ушбу илмий соҳадаги нуқтаи назарларига мос келади.

Турли хиллиги сиёсий менежмент бўлган сиёсий бошқарувда, бошқа сиёсий фанларда бўлгани каби, катта даражада назарий баҳслар ва мунозаралар мавжуд. Ҳозиргача унинг объекти ва мавзуси масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда. Давлат бошқаруви амалиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу замонавий илмий ёъналиш кўплаб концепциялар, назарий моделлар, услубий ёндашувлар, тоифалар ва тамойилларни ишлаб чиқди.

## **2. Бошқарув асослари ва моҳияти.**

Бошқарув – турли хусусиятга эга бўлган, турфа табиатли тизимларнинг (биологик, ижтимоий, техникавий ва б.) фаолиятини таъминлашга, тартибли тарзда қўллаб-қувватлашга уларнинг фаолияти, мақсади ва дастурларини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятининг муҳим жиҳатидир.

Бошқарувнинг умумий қонуниятлари аслида жамият, табиат ва техниканинг мураккаб тизимларини бошқаришнинг умумий тамойиллари ва услублари тўғрисидаги фан бўлмиш кибернетикадан келиб чиқиб шаклланган. Техник тизимларни бошқаришнинг махсус жиҳатлари техник фанларга оид соҳаларда (масалан, учир курилмаларини бошқариш

ҳақидаги назариялар), биологик тизимларда – биологик соҳаларни ўрганувчи фанларда (масалан, ҳайвонлар ҳаётидаги шартли рефлексларни ва бошқа шунга ўхшаш тузилмаларни ўрганувчи физиология) ўз аксини топади.

Худди шунингдек, жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий тизимларни бошқариш ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш назарияси доирасида ўрганилади. Шунингдек, махсус бошқарув назарияси ҳам мавжудки, бу фан махсус объектларни, шунингдек иқтисодиётни тартибга солишни, қолаверса давлат назарияси, минтақавий ва маҳаллий бошқарувнинг асосий жиҳатларини ўрганади.

Шу маънода давлат бошқарувига нисбатан “бошқарув” тушунчаси асосан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни англатади.

Бошқарув фани бугунги кунда бошқарув фаолиятини амалга ошириш тамойилларини тизимлаштиради ва бу соҳадаги назарий ва амалий билимларни тарқатиш имкониятини яратади.

Умуман олганда бу шундай оралиқ фанки, у иқтисод, социология, психология, кибернетика ва информатика фанларининг таркибий қисмларини ўзида уйғунлаштиради.

Бошқарув фанининг предмети – бошқарув муносабатларидан таркиб топиб, жамиятга ёки унинг таркибий қисмларига таъсир этиш ва тартибга солиш мақсадида амалга ошириладиган такомиллаштириш ва ривожлантириш асносида амал қиладиган сиёсий муносабат ва манфаатларнинг уйғун тарзда намоён бўлишини ифодалайди. Бошқарув фанининг предмети шунингдек бошқарув технологияси ва услублари, яъни амалий бошқарувнинг ривожланиш йўналишларини ҳам ўзига қамраб олади.

Бошқарувнинг ўзи феномен сифатида ҳар қандай жамият ёки унинг таркибий қисмига (ташқилот, жамоа, бўлим, шаҳар, минтақа ва б.) тегишлидир. Бошқарувга бўлган зарурият шу жиҳатдан табиат объектлари,

айниқса, одамлар жамоаси моддий ва маънавий фаолиятлари моҳиятидан келиб чиқади.

Бошқарув объекти кенг камровли бўлиб, турли соҳалар (саноат, кишлоқ хўжалиги, транспорт), кишиларнинг ҳудудий бирликлари (вилоят, район, шаҳар), шунингдек, алоҳида ишлаб чиқариш жараёнлари (ишлаб чиқариш, таъминот, жиҳозлар), иқтисодий фаолият жиҳатлари (маҳсулот сифати, таъминоти билан боғлиқ алоқалар, маркетинг), инсон фаолияти, ишлаб чиқариш хусусиятларини (самарадорлик, ишга бўлган муносабат, турмуш тарзи, бандлик даражаси) ўзида мужассам этади.

Бошқарув субъекти эса, ҳар бир бошқарув объектини тартибга солувчи киши ёки кишилар гуруҳи, яъни директор, менежер, директорлар уюшмаси, шаҳар ҳокими, бўлим бошлиғи, сифат гуруҳи, шаҳар саноат-савдо палатаси ва бошқалардир.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизимнинг бош бўғини инсон бўлганлиги сабабли айнан инсон бошқарувнинг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар қандай аъзоси унинг ривожланиши учун масъул, демак сайлов тизими, жамоат ташкилотлари фаолиятида қатнашиш орқали ўзи ҳам бошқариши мумкин. Шунингдек, муайян ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси у ёки бу даражада шу ташкилотнинг, муассасанинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишида иштирок этади. Айни пайтда фақат инсонгагина давлат бошқаруви доирасида маълум бир корхонани, ташкилотни бошқариш юклатилади. Техник тизимларни бошқаришдан фарқли жиҳати шундаки, бошқарувчи ва бошқарилаётган тизимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мустаҳкам бўлиб, одамларни бошқаришда бу ўзаро фаолият янада изчиллик касб этади. Бошқарувда инсон омили ҳақида яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бошқарув фаолиятидаги инсон умуман пассив ҳаракат қилмайди, чунки унда аввалдан шахсий хатти-ҳаракатлар, мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмалари мавжуд. Умуман, инсон ўзининг шахсий тасаввурлари ва манфаатлари, онги ва иродаси билан ҳар қандай бошқарув жараёнига

таъсир қилади. Инсон бошқарувчи топшириғига қулоқ солиши мумкин, қулоқ солмаслиги ҳам мумкин. Инсоннинг бошқарув таъсирини қабул қилиши – бутун бошқарув тизимининг самарадорлиғига боғлиқ. Шу маънода, инсонни бошқаришни, умуман шаҳарни, ташкилотни, бўлимни ёки минтақани бошқаришдан ажратиб бўлмайди.

**Бошқарув функцияларига** келсак, мақсадлилиқ, таҳлил, башорат қилиш, режалаштириш, ташкиллаштириш, мослаштириш, мотивлаштириш, ўқитиш, ҳисоб ва назорат, алоқа, қарор қабул қилиш каби тамойилларни айтиб ўтиш зарурдир. Бошқарув функциялари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. 2ар қандай ташкилотнинг фаолиятида, у тижорат, нотижорат, катта ёки кичик, расмий ёки норасмий бўладими, бундан қатъий назар, барчасида бошқарув функциялари мавжуд бўлади. Лекин, ташкилот иш самарадорлигини ошириш учун у ёки бу функцияларга алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Масалан, кўплаб нотижорат ташкилотлар мақсадни етарлича амалга оширмайдилар. Айрим хусусий ташкилотларда эса баъзан етарлича назорат бўлмайди.

Бошқарув услублари ўз навбатида юқорида кўрсатилган функцияларни амалга ошириш усуллари дир. Бошқарув услублари ўз хусусиятлари ва қўллаш қўламига қараб: а) умумий; б) барча тизимга тегишли; в) хусусий; г) тизимдаги алоҳида таркибий қисмга алоқадор бўлиши, шунингдек соҳалар бўйича - давлат бошқарувларида, бизнесда, савдода, саноатда ва шу кабиларга хос бўлиши мумкин. Одатда, бошқарув услублари мазмун жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

- маъмурий (ташкилловчи-тартибловчи);
- иқтисодий;
- ижтимоий-психологик. Бундай бўлиниш шарти шу маънодаки, ҳар бир услубни алоҳида аниқ чегаралаш мушкул. Улар бир-бирига кучли даражада киришиб кетган. Айни пайтда бошқарув объектига

таъсир қилишда фарқ мавжуд бўлиб, улар ўз ўрнида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, бозор маъмурий бошқарувдан кўра кўпроқ иқтисодий услубларга мойилдир ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий-психологик омилнинг ролини ошириб юборади. Шунингдек, давлат ва шахсий секторларда қўлланаётган услублар ўз фарқли жиҳатларини сақлаб қолмоқдалар. Давлат хизматида кўпроқ маъмурий услублар, устунликка эга бўлса, кўплаб хусусий корхоналарда иқтисодий услублар устувордир.

### 3. Бошқарув модели ва унинг тадрижий ривожи.

Менежмент амалиётининг XX аср давомидаги ўзгариш жараёни умумий тарзда 1-жадвалда берилган. XIX охири - XX аср бошларида кенг тарқалган бошқарув модели автократик модели эди: бунда бошқарув хўжайин ёки менежер ҳокимиятига, раҳбар обрўсига, унинг тўғридан-тўғри кўрсатмаларига асосланар эди.

Бунда ҳар бир ишчининг ўз бошлиғига шахсий тобелиги мавжуд бўлиб, аввало топшириқни бажаришдаги масъулият кадрларди ва бутун тизим тейлоризмга асосланган эди.

1-жадвал

#### Ташкилотни бошқариш моделлари

Буйруқлар	Иқтисодий	Янги
Ҳокимият	Иқтисодий мажбурлаш	Ижодий ёндашув
Обрў кўрсатмалар	Моддий рағбатлантириш	Коллективизм, ахлоқий стимуллар
Шахсий тобелик	Мотивация	Содиклик
Тейлоризм	Иқтисодий стимуллар	Иқтисодий ва ахлоқий стимуллар
Бажарувчанлик	Ташаббус	Ялпи ижодкорлик

XX аср ўрталарида авторитар бошқарув тизими ўрнига иқтисодий мажбурлашга асосланган иқтисодий тизим келди. У ҳар бир ишчи томонидан юклатилган вазифани бажариш, шунингдек ишчиларнинг фаол ташаббускорлигига таянар эди. Автокрatik моделдан иқтисодий бошқарувга ўтиш аввало юқори натижаларга эришган фирмаларда рўй берди.

Кескин кураш оқибатида бошқарувнинг янги модели ғалаба қилди ва ўзини оқлади. Зеро, фирма ёки жамоани иқтисодий ва маънавий рағбатлантиришни теран уйғунлаштирган, жамоавийлик ва ўз ишига содиқлик тамойилларининг мувофиқлигига асосланар эди. Бошқарувнинг бу модели учун ҳар бир кишининг ишга бўлган ижодий ёндашуви ҳам хос эди. Ташкилот фаолиятида қатнашаётган ҳар бир ишчи нафақат ўзига қарашли бўлган топшириқни бажариши, балки доимий тарзда янги технологияларни, иш услуби, хизмат кўрсатишнинг янги-янги қирраларини излаб топиши зарур эди. Бошқача айтганда, ташкилот фаолиятида унинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ақлий қобилиятини фаол сафарбар этибгина қолмай, иш услубининг яхшиланиши юзасидан янги-янги таклифлар билан ташкилот фаолиятининг сифат жиҳатдан ўсишига, унинг ривожланиши учун ўз ҳиссасини тинимсиз равишда кўшишга ҳаракат қилар эди. Бу модел XX асрнинг охирида ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг етакчи фирмаларида янада такомиллашди.

ўз ўрнида айтиб ўтиш жоизки, жадвалда кўрсатилган турли моделлар хусусияти нисбийдир. Аслида ҳар қандай ташкилот менежменти барча уч модел элементларини ўзида мужассам этади. Сўнгги ўн йилликлар тажрибаси шуни намоён қилмоқдаки, инновацион фирмаларнинг кўп жиҳатдан муваффақияти янги моделга тўғри келмоқда. Менежмент амалиётида шу туфайли аста-секинлик билан бўлсада, тижорат, нотижорат ташкилотларда янги модел ҳукмронлик қила бошлади. Шу маънода



бошқарувнинг янги модели давр талабига нисбатан реал жавоб, замонавий бозор шароитида иш юритишнинг зарурий таркибий қисми бўлиб қолди.

Нима учун менежмент XX аср мобайнида кўп ўзгарди? Бу аввало ҳаётнинг ўзи тез ўзгарганлигидандир. Аср бошларида корхоналарда, савдо фирмаларида, давлат ташкилотларида у доира тарзида, яъни бизнесда ва ҳар қандай фаолиятда бошқарувдаги мавжуд бир хил усул, йўл, қоидаларни такрорлашдан иборат эди. Бундай ҳолатда менежментнинг энг яхши самарали модели авторитар бошқарув эди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳаёт мислсиз тарзда тез ўзгарди. 2ар бир кейинги ҳаёт лаҳзаси аввалгисига ўхшамай, тез ўзгарувчан шароитларга айланди. 2ар қандай ташкилотнинг муҳим хусусияти бу даврда ҳаётини муҳим ўзгаришларга мослашиш бўлиб қолди. Бошқарувнинг янги модели теварак оламнинг шиддат билан юз бераётган ўзгаришларига тезкор жавоб бера оладиган тизим сифатида шаклланди. Буни ҳозирги пайтда ҳам фирма ёки ташкилотларнинг доимий тарзда ташқи теварак-атрофга нисбатан мумкин қадар янгиликни ҳис этиб яшаётганлигида кўриш мумкин.

Бу таъсир турфа хил тарзда, хусусан рақобатчилик, ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар ва албатта кам талофатлар орқали истеъмолчини катта самарадорлик асосида таъминловчи янги хизматлар пайдо бўлиши, валюта курси ўзгариши каби беқарор шароитларда қобилият-бардош командаларнинг фаолият кўрсатишида юз берди. Шу билан бирга, ташкилотнинг ишчанлигини, унинг самарадорлик билан фаолият кўрсатиши ва мослашишини ҳисобга олишда менежмент зарур воситалар билан таъминланиб бормоқда.

Бошқарув ғояларидаги тадрижийлик бошқарув моделларида ўз ифодасини топадики, уларни олимлар ва мутахассислар ишлаб чиқмоқдалар ва кейин эса мавжуд муаммоларни бартараф қилиш учун амалиётда фойдаланмоқдалар.

Ҳаёт олдимишга кўяётган саволларга жавоблар тамойиллар, ёндашувлар, концептуал қарашлар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар оператив, тактик ва стратегик вазифаларни ҳал қилишга қаратилган. Буларнинг барчаси бошқарув моделларининг моҳиятини белгилайди.

Аслида ҳам жамиятдаги бўлаётган ислохотларга ҳамда ўзгаришларга мувофиқ тарзда моделлар ҳам ўзгаради. Модел ҳаёт талабини адекват тарзда ифода этмаслиги мумкин ва шунда у иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни орқага тортади. Раҳбарнинг асосий вазифаси ҳам шундан иборатки, у муҳим йўналишни тўғри англаб, энг самарали бошқарув модели билан қуролланиши керак.

“Бошқарув модели” тушунчаси бошқарувнинг асосий тизимларининг мазмунини очишга ёрдам беради. Бошқарув модели моҳиятан реал объектнинг (бошқарув тизимининг) нусхасидир. Унинг реал хусусиятига эга бўлган, унинг ишлаш фаолиятини қайта ҳаракатга келтириш қобилиятидир. <sup>2</sup>ар қандай раҳбар олдида асосий ҳаёт-мамот муаммоси, яъни унга юклатилган объектни қайси бир технология усули, бошқарув стратегияси тажрибаларидан фойдаланган ҳолда бошқаришдан иборат муаммо туради. Бошқарув модели буларни амалга ошириш имконини беради.

Бошқарув моделини танлаш тайёр савдо қаторларидан керакли товарни танлаш дегани эмас, товар тайёр бўлганда унинг аниқ қилиб чизилган истеъмол хусусияти пайдо бўлади. Бу ерда худди шундай тенг ўхшашлик бор. Она болани сотиб ололмайди, у аввал оналик томондан етилиб, болани пайдо қилади, туғади, она меҳри билан кўп йиллар давомида тарбиялайди, ғамхўрлик қилади ва сўнгра авлод қилиб етиштиради. Шундан кўринадики, мана шундай метафорик мазмунда Ф.Тейлор таъкидлаганидек, бошқарув модели - бу шунчаки ихтиро эмас, балки тажрижий ривожланишдир.

Юқорида келтирилган ўхшатишни бошқача таърифлаган ҳолда айтиш мумкинки, бошқарув модели ҳам бола каби ўн йиллар ва ҳатто асрлар

давомида вужудга келтирилади, шакллантирилади. Уни импорт қилиб бўлмайди, у фақат ўзиники, асл, мувофиқ анъана, маданият ва ўз халқининг руҳига мос бўлиши керак.

Бу дегани бошқарув модели чет эл кўникмаларига берилмаслиги керак дегани эмас. Бу нарса зарур. Берилувчанлик, ўзига сингдириш, дунё билимлари билан тиллашиш малакаси ҳар қандай бошқарув тизимидаги, ҳар қандай ташкилотдаги, ҳар қандай инсондаги ҳурмат уйғотадиган, ҳавас қиладиган фазилатдир. Айни пайтда ҳар қандай ўзгариш ўзининг асл мазмунига, маълум бир шарт-шароитларга мос тарзда юз бериши, яъни:

- биринчидан, ўзгаришлар мураккаблашган бошқарув моделлари таянадиган асосларни бузмаслиги керак;
- иккинчидан, ўзгаришлар кам даражада бўлсада, ким бошқараётган ёки бошқарилаётган бўлса, уларнинг кўнглига, жонига тегиб салбий ҳолатларни кўзғатмаслиги керак.

Бизнинг иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш шуни ёрқин кўрсатмоқдаки, Ватан тарихи, ўтмишга бўлган ҳурматсизликни ҳеч ким кечирмайди. Ватан тарихидаги сабоқларни билиш ҳар доим фойдалидир.

Бошқарув моделлари тўғрисидаги масала долзарблигича қолмоқда. <sup>2</sup>ақиқатда ҳам мутлақо кўплаб бошқарувчилар ўзининг ва ўзгалар муваффақиятини маълум бир бошқарув модели билан мужассамлаштирадилар.

**2-мавзу. Сиёсий менежментнинг турлари. Сиёсий менежментда сайлов, референдум ва сайлов тизимлари. Сиёсий менежментда ахборотнинг ўрни ва таъсири.**

**Режа**

4. *Сиёсий кампания тушунчаси ва моҳияти.*
5. *Сайловлар - сиёсий жараённинг ажралмас таркибий қисми сифатида. Сайлов кампаниясининг таркибий қисмлари.*
6. *Сайлов кампанияси стратегияси ва тактикаси*

**1. Сиёсий кампания тушунчаси ва моҳияти.**

Сиёсий кампания - бу мажбурлашнинг очик шаклларида фойдаланишни истисно қиладиган усуллар ва воситалар билан муайян сиёсий мақсадларга эришиш учун сиёсий актёр томонидан бошланган бошқариш жараёни.

Ҳар қандай сиёсий кампания маълум бир сиёсий актёрнинг (сиёсатчи, ташкилот) аниқ белгиланган мақсадга эришишга қаратилган субъектив иродасига асосланади. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий кампания ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бизга сиёсий актёрнинг керакли мақсадга эришиш нияти ва бунинг учун тегишли чораларни кўришга тайёрлиги шаклида туртки керак. Ушбу тайёрлик, авваламбор, сиёсий мақсадга эришиш учун қарорни амалда татбиқ этадиган гуруҳни яратишда намоён бўлади. Ушбу гуруҳни "менежмент субъекти" атамаси билан белгилаймиз.

Сиёсий назорат субъекти томонидан бошланган ҳар бир ўзаро таъсир уни кўзланган мақсадга яқинлаштириши керак. Бироқ, амалда сиёсий кампания натижаси ҳар доим ҳам керакли мақсад бўлиб чиқавермайди. Шундай қилиб, бир мандатли сайлов округида бир нечта номзодлар сайловолди ташвиқотида иштирок этишлари мумкин, парламент депутати мандатини олишни хоҳлашади, аммо биттаси ғолиб чиқади. Сиз сиёсий

партиялар билан баъзи шартларда иттифоқ тузишни мақсад қилиб қўйишингиз мумкин, аммо амалда бу иттифоқ бошқа шартларда амалга оширилиши мумкин. Сиёсий кампания натижасида биз белгиланган мақсадга эмас, балки маълум бир натижага эришишни белгилаб олдик. Бошқариш субъекти томонидан қўйилган мақсад ва олинган натижа ўртасида номувофиқликнинг кўп сабаблари бор: нотўғри танланган ишонтириш коммуникацияси стратегияси, сиёсий кампания иштирокчилари мотивацияси хусусиятларини билмаслик, сиёсий бозорни нотўғри сегментация қилиш, ва бошқалар. Кейинги бобларда биз ушбу масалаларнинг барчасини батафсил кўриб чиқамиз.

## **2. Сайловлар - сиёсий жараённинг ажралмас таркибий қисми сифатида. Сайлов кампаниясининг таркибий қисмлари.**

Сайловлар демократик жамиятлардаги сиёсий жараёнларнинг ажралмас қисми саналади. Сайловлар кишиларга вакиллик органларига сайланиш имконини беради. Айти пайтда, сайлов даврида фуқаролар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланади. Бунда сайловчи ўз танлови нақадар аҳамиятли эканини, олий давлат идоралари таркибига таъсир кўрсата олишини ҳис этади.

Сайлов жараёнида сиёсий технологияларни қўллаш мамлакатдаги сайлов тизимига, бу жараёни тартибга соладиган қонунлар ва жамиятдаги анъаналарга боғлиқ бўлади. Номзодларга қўйиладиган талаблар, сайловларни ташкил этишга жавобгар органлар фаолиятининг асосий йўналишлари, сайловчилар ва сайлов бирлашмаларининг мақоми, сайловолди ташвиқоти қоидалари, овоз бериш тартиби ва шикоят қилиш усуллари ҳуқуқий меъёрларда ўз аксини топади.

Бу меъёрлар сайловолди курашнинг барча иштирокчиларини ягона электорал қоидаларга амал қилган ҳолда фаолият юритишга мажбур этади. Гарчи турли давлатларнинг сайловга доир қонунчилиги мамлакат

таракқиётининг тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий хусусиятларини ифода этиб, бир-биридан фарқланса-да, бу сайлов тизимларини бир неча турга ажратиш имконини берадиган умумий тамойиллар мавжуд. Одатда, уч хил сайлов тизими - **пропорционал, мажоритар** ҳамда **аралаш** сайлов тизимлари ажратилади.

**Пропорционал сайлов тизимидан** кўпмандатли сайлов округларида ташкил этилган сайловларда фойдаланилади. Бунда сайловчи вакиллик органларига кўрсатилган битта номзод учун эмас, балки сайлов бирлашмаси ёки партия съездида тасдиқланган бир неча кишилик номзодлар рўйхатига овоз беради. Натижада, тегишли органдаги ўринлар партия олган овозига қараб, пропорционал равишда тақсимланади.

Пропорционал сайлов тизими унча катта бўлмаган сайлов блоклари ва сиёсий партияларнинг вакиллик органларидан жой эгаллашига имкон беради. Амалиётнинг кўрсатишича, бу ҳолат парламентдаги сиёсий кучларнинг кичик гуруҳларга парчаланишига олиб келади. Натижада, парламент фаолияти «фалажланиб» қолиши эҳтимоли пайдо бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун вакиллик органи таркибига кириш учун ўзига хос «чегараловчи тўсиқ» ўрнатилади. Яъни, партиялар сайловчилар овозининг маълум фоизини тўплашлари талаб этилади.

Юқорида таъкидланганидек, пропорционал сайлов тизимида сайловчи бир номзодга эмас, балки партия ёки сайлов бирлашмаси томонидан таклиф этилган номзодлар рўйхатига овоз беради. Одатда, бу рўйхатда кўрсатилган номзодлар сони мандатлар сонидан ортиқ бўлади. Шу сабабли рўйхатда кўрсатилган номзодлардан ким парламент депутати бўлиши икки тамойил асосида ҳал қилинади. Биринчиси - *навбатига кўра*, яъни рўйхатнинг бошида турганлар биринчилардан бўлиб, парламент аъзолигига ўтади. Иккинчиси - *преференциаллик* тамойилига кўра, яъни сайловчига рўйхатда кўрсатилган бирор номзодни белгилаш ҳуқуқи берилади. Таъкидлаш жоизки, пропорционал сайлов тизими фақат

коллегиал органларга (масалан, парламент) ўтказиладиган сайловлардагина қўлланиши мумкин.

**Мажоритар сайлов тизимининг** (французча *majorite* - кўпчилик) асосини «кўпчилик тамойили» ташкил этади. Бундай тизим, одатда, бир мандатли округларда амал қилади ва энг кўп овоз олган номзод ғолиб ҳисобланади. Мажоритар сайлов тизимининг икки шакли мавжуд, булар: нисбатан кўпчилик ва мутлақ кўпчилик овоз олиш тизимларидир. Биринчи шаклда, номзод мандат олиш учун рақибларидан кўпроқ овоз тўплаши лозим. Иккинчи шаклда эса номзод камида эллик фоиз (50%+1) овозга эга бўлганидагина ғалаба қозонади. Агар номзодлардан бирортаси ҳам 50 фоиздан кўп овоз йи<sup>1</sup>/<sub>4</sub>олмаса, у ҳолда иккинчи тур сайлови ўтказилади. Иккинчи турда фақат энг кўп овоз олган икки номзод қатнашади, холос. Мажоритар сайлов тизими пропорционал сайлов тизимидан кўра анча универсал бўлиб, уни нафақат вакиллик органларига сайловларда, балки президент сайловларида ҳам қўллаш мумкин. Мажоритар сайлов тизимининг ягона камчилиги шундан иборатки, у унча катта бўлмаган партия ва ҳаракат вакиллариининг давлат идораларига сайланиш имкониятини торайтириб қўяди.

**Аралаш сайлов тизими** мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари нуқсонларини камайтиришни назарда тутган ҳолда, уларнинг уйғунлашувидан ҳосил бўлган. Бу уйғунлик парламентнинг бир қисми - мажоритар, бошқа қисми эса пропорционал тизим асосида сайланишида намоён бўлади.

Сайлов тизимлари сайловолди кураш иштирокчиларини сайлов қоидаларига амал қилишга ундайди, сайловолди иттифоқлар тузилишига таъсир кўрсатади. Ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловлар, одатда, кескин курашлар остида ўтади. Чунки мандатга даъвогарлар сони кўп бўлиб, улар сайловчиларнинг эътиборини қозониш мақсадида турли воситалардан фойдаланади. Сиёсат сахнасида турли воқеа-ҳодисалар содир бўлади: митинг ва йиғилишлар уюштирилади, номзодлар сайловчилар

билан учрашади, сиёсий етакчилар оммавий ахборот воситаларида танқидий нутқлар ва дастурлар билан чиқиш қилади, кўчаларда реклама плакатлари пайдо бўлади, варақалар тарқатилади ва ҳоказо.

Давлат органларига сайловлардан аввал ва сайлов вақтида ташкил қилинадиган турли тадбирлар бир сўз билан «сайлов жараёни», деб аталади. Сайлов жараёни мамлакатда сайловлар билан боғлиқ равишда кечаётган сиёсий жараёнларни камраб олади. Сайловлар турли шахслар ва гуруҳларга ўз эҳтиёжини ҳокимият орқали қондириш имкониятини беради.

Сайловолди курашда иштирок этаётган номзодлар ёки сиёсий блоклар ўз олдига қўйган вазифани бажариш учун қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилаб олади. Номзодлар, номзодга хизмат кўрсатаётган жамоа, партиялар в сайлов бирлашмаларининг ўз мақсадини амалга ошириш йўлида қилган барча хатти-ҳаракатлари йиғиндиси **сайлов кампанияси** деб аталади.

Сайлов кампанияси сиёсий бошқарувнинг ўзига хос шакли бўлиб, унда номзод бошчилигидаги гуруҳ субъект вазифасини ўтайди. Сайловчилар эса бу жараённинг объекти ҳисобланади. Номзоднинг мақсадига қараб, бошқарув вазифалари белгиланади. Амалиётнинг кўрсатишича, барча номзодлар ҳам сайловда ғалаба қозонишни мақсад қилиб қўймайди. Айримлар кишилар эътиборини жалб қилиш мақсадида, бошқалари кучли рақибга берилиши мумкин бўлган овозларни камайтириш учун сайловда ўз номзодини қўяди.

Сайлов кампанияси рақобатли жараён бўлиб, унинг иштирокчилари сиёсий иерархиянинг юқори по<sup>1</sup>/<sub>4</sub>оналаридан ўрин эгаллашга ҳаракат қилади. Бу рақобат шафқатсиз курашга, кескин зиддиятларга айланиб кетмаслиги учун сайлов жараёнини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинади. Албатта, сайловолди кураш иштирокчиларининг барча ҳаракатларини қонун орқали назорат қилиб бўлмайди. Лекин шундай бўлса-да, бу иштирокчилар учун амал қилиши шарт бўлган ўзига хос



«хуқуқий доира» яратилади. Мазкур доирадан чиққан иштирокчиларга нисбатан эса турли жазо чоралари қўлланилади.

Сайлов кампаниясини ташкил этишда қўйидагиларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим: бу жараёнда субъект сайловчиларни ўз иродасига бўйсундира олмайди; ҳеч бир номзод ёки сиёсий куч фуқароларнинг электорал феъл-атворини белгиловчи қарор чиқара олмайди; субъект сайловчиларга таъсир кўрсатишда турли жазо чораларини қўллайди; легитим куч ишлатиш имкониятига эга бўлмайди; сайловчини муайян номзодга овоз беришга мажбурлаш мумкин эмас. Демак, кишиларнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатиш орқали уларни бирор номзод ёки кучга овоз беришга ундаш, кишиларнинг эътиборини қозониш сайлов кампаниясининг бош мақсади ҳисобланади.

Кишиларнинг электорал феъл-атворига таъсир кўрсатиб, уларни бирор-бир номзодга овоз беришга ундаш мақсадида қўлланиладиган воситалар йиғиндиси **сайлов технологиялари** деб аталади. Сайлов технологияларининг асосий жиҳати шундан иборатки, бунда ижтимоий-психологик механизмларга таянган ҳолда кишиларнинг кайфияти, манфаати, қадрияти ва маслақларига мурожаат қилинади. XX асрнинг ўрталарига қадар сайлов кампаниялари партия фаоллари, номзоднинг маслақдошлари, сиёсатчиларга ёрдам беришни истаган хайрихоҳ фуқаролар ёрдамида амалга оширилар эди. Ёрдамчилар шахсий ташаббус кўрсатиб, номзодга, партиёга ёки ғояга содиқлиги туфайли кўмаклашарди. Бундай ёрдамчилар орасидан сайлов технологияларининг моҳир усталари етишиб чиқди. Лекин улар сайлов технологияларини ва кишиларнинг электорал феъл-атворини илмий ўрганмай туриб, ўзларининг тажрибаларига таянар эдилар.

Сайлов технологияларида сиёсий курашларда тўпланган амалий тажриба ва илмий билимлар уйғунлашган. Бунда синалган усулларни қўллаш билан бир қаторда муайян технологиялар туфайли қозонилган ғалаба ёки мағлубиятнинг асл сабабларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият

касб этади. Чунки жамоатчилик фикрини зарурий ўзанга йўналтириш учун кампания ташкилотчилари шароитни тўғри баҳолаб, кишилар онги ва кайфиятидаги «оғрикли нуқталар»га таъсир ўтказиши лозим. Бу ҳолат сайлов технологиялари борасида зарурий билим, тажриба ва кўникмаларга эга малакали сиёсий технолог мутахассислар ёрдамига эҳтиёж ту<sup>1</sup>/<sub>4</sub>диради.

Сайлов технологиялари кишилар эътиборини бирор номзодга тортиш, унинг нуфузини ошириш ва сайловчилар ишончини қозонишда кучли қурол бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, бу технологиялар илмий асосланган сайлов стратегияларга мос равишда комплекс тарзда қўлланганида, рақиблар хатти-ҳаракатлари ўрганилиб, жамоатчилик фикридаги ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинганида ўз самарасини беради.

Ҳар бир сайлов кампанияси ўзига хос тарзда ўтади ва маълум муддат ўтганидан сўнг у айнан такрорланиши мумкин эмас. Масалан, бир округдан иккинчи марта депутатликка номзодини кўрсатган киши беш йил илгари қўллаган шиорлари ва реклама плакатларидан фойдалана олмайди. Зеро, вақт ўтган сари кишиларнинг манфаатлари, қадриятлари, фикрлари ўзгариб боради, натижада ҳар сафар сайлов кампанияси янгитдан бошланади. Узокни кўзлаган сиёсатчилар сайлов куни эълон қилиниши ва сайловолди ташвиқотга расман рухсат берилишдан аввал ишга киришади. Улар округдаги аҳволни ўрганишдан иш бошлашади. Бу сайловолди ишларни аниқ стратегия асосида ташкил этишга замин яратади ва таваккалчиликнинг олдини олади. Шу йўл билан сайлов кампанияси таҳлилий ахборот билан таъминланади. Сайловолди тадқиқотлар йўналиши кампания ташаббускорлари томонидан белгиланади ва имкон қадар кўпроқ кишилар эътиборини жалб этишни мақсад қилиб қўяди. Масалан, бирор номзоднинг ижобий қиёфасини яратишда унинг округидаги сайловчилар қандай кишига овоз беришлари мумкинлигини ўрганиш зарур. Сайловчиларга қандай ғоялар ёқиши, уларнинг қадриятлари ва манфаатларини, жамоатчилик фикрини ўрганмай туриб, номзоднинг сайловолди дастурини тузиш мумкин эмас.

Сайловлардан аввал округдаги аҳволни ҳар томонлама ўрганиш мазкур жараённинг **биринчи босқичи** ҳисобланади. Бу вазифани бажаришга, одатда, сайловдан 3-6 ой аввал киришилади. Бу вақт ичида округ ҳақида (аҳоли сони, аҳолининг этник ва социал таркиби, асосий диний бирлашмалар, қишлоқ хўжалик ва саноат тизими, йирик корхоналар ва молиявий муассасалар, таълим муассасалари, ўрта ва кичик бизнес) ва унинг аҳолиси тў<sup>1</sup>/<sub>4</sub>рисиди (қизиқишлари, қадриятлари, манфаатлари, қандай номзодни маъқул кўриши ва ҳоказо) тегишли маълумотлар йиғилади. Тўпланган маълумотни чуқур таҳлил қилиш асосида сайловолди кампаниясининг стратегияси ишлаб чиқилади. Агар бу тадбир ўз вақтида, билимларга таянилган ҳолда амалга оширилса, сайлов кампаниясининг самарадорлиги янада ортади. Чунки унинг ташкилотчилари сайловчилар номзоддан нима кутаётганини ўрганиб, шунга қараб ҳаракат қилишади.

**Иккинчи босқич** - сайлов кампаниясини таҳлилий ахборотлар билан таъминлашдан иборат. Бошқарув субъекти ўз фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун амалга оширилаётган ишлар кишиларга қанчалик таъсир кўрсатаётгани ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим. Бу ишни янада самарали ташкил этиш имконини беради. Сайлов кампаниясини таҳлилий ахборот билан таъминлаш натижасида икки томонлама, бир томондан - номзод, иккинчи томондан - сайловчилар ўртасида ўзига хос мулоқот ўрнатилади. Бу мулоқот субъектга ҳаракат тактикасини ишлаб чиқишда, вужудга келган муаммоларни зудлик билан ҳал қилишда, рақибларнинг хуружларига тўғри жавоб қайтаришда қўл келади. Бу вазифа номзодга нисбатан жамоатчилик фикрининг ўзгариши, рақиблар ва сайловга жалб қилинган бошқа сиёсий кучларнинг ҳаракатларини кузатиш имконини берадиган мониторинг шаклида амалга оширилади.

Сайлов кампанияси ташкилотчилари учун муҳим ахборот турли усуллар билан олинishi мумкин. Округдаги иқтисодий ўсиш, аҳолининг демографик таркиби, турмуш даражаси кўрсаткичлари, аввалги сайлов

натижалари ҳақидаги маълумотлар статистик ҳужжатларни ўрганиш йўли билан; аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш орқали; фокус-гурӯҳлар<sup>1</sup> ёрдамида; рақибларнинг ҳаракатларини зимдан кузатиш ва уларнинг нутқларини контент таҳлил қилиш асосида тўпланади.

Сайлов кампаниясини таҳлилий ахборот билан таъминлаш – сермашаққат, профессионал маҳорат ва кўникмалар талаб қиладиган жараён. Чунки бу ишга юзаки ёндашиш сайловолди стратегиясини ишлаб чиқишда кўп имкониятларни бой бериб қўйишга олиб келади.

Мақсадга эришиш йўллари белгилаб қўйилган аниқ стратегияни ишлаб чиқмасдан туриб, сайлов кампаниясини бошлаб бўлмайди. Агар номзод ва унинг жамоаси аниқ стратегияга эга бўлмаса, ҳаракатлар тартибсиз, айрим ҳолларда бир-бирига тескари кечади ва охир-оқибат барча уринишлар зое кетади.

Сайлов стратегиясини ишлаб чиқиш «Қандай мавзудаги ахборотлар сайловчиларнинг электорал феъл-атворини исталган ўзанга йўналтиради?» деган саволга жавоб топишдан бошланади. Номзоднинг қиёфаси (имижи)ни яратишда, унинг нутқлари ва дастурида нималарга эътибор бериш лозим? Қандай йўл билан сайловчилар ишончини қозониб, уларнинг овозини олиш мумкин? Бу саволлар сайлов кампаниясининг асосий мавзусига айланади. Мавзу танлашнинг икки усули мавжуд: биринчиси - сайловчиларнинг фикрлари, қарашлари, қадриятларини ўрганиш асосида мавзу танлаш; иккинчиси - шахсий тажрибага таянган ҳолда мавзу танлаш. Очиғини айтиш керакки, иккинчи усул қўлланганида сайлов стратегиясини ишлаб чиқишда хатога йўл қўйиш мумкин. Чунки инсон фикри ўзгаради, бу эса фақат шахсий тажрибага таяниб иш тутиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Албатта, рақобатлашаётган кучларнинг сайловолди стратегияси бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқ номзоднинг маслағи, сиёсий таъсир

---

<sup>1</sup> Бу гурӯҳлар номзод томонидан сўлланилган шиорлар, нутелар, реклама роликлари ва номзоднинг келгуси ғаракатлари асосида баъс юритади, ўз фикрини билдиради. Бу фикрлардан хулоса чиқарилиб, фойдаланилган воситалар кенг жамоатчиликка сандай таъсир еилиши мумкинлиги аниеланади.

даражаси, ўз дастурида қандай муаммоларни кўтариб чиқиши ва аҳолининг қайси қатламига кўпроқ таянишига боʻлиқ бўлади. Турли ижтимоий қатламларнинг кадриятлари, қарашлари ва манфаатлари бири-бирдан фарқ қилгани боис турли сиёсий кучларнинг сайловолди стратегияси ҳам фарқланади.

Ҳар бир сайловчи, албатта, бирор-бир ижтимоий қатламга мансуб бўлади. Номзодга ёки бошқа сиёсий кучга муносабатига қараб электоратни қуйидаги беш гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) **фаол қўллаб-қувватловчилар** - бу гуруҳ аъзолари муайян сабаблар туфайли (масалан, кадриятлари, маслаклари, фикрларининг мос келиши туфайли) номзод ва унинг жамоаси билан фаол ҳамкорлик қилади, уларнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бу гуруҳга мансуб кишилар «ўз» номзоди ёки партиясига овоз беради ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилади;
- 2) **пассив қўллаб-қувватловчилар** - бу гуруҳдагилар ўзларини бирор номзод ёки сайлов бирлашмасига хайрихоҳ деб билади, лекин унга ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатмайди. Бу гуруҳ сайловларда «ўз номзод»ига овоз бериши мумкин. Пассив қўллаб-қувватловчиларни бу ҳаракатларга, одатда, сиёсатга алоқаси бўлмаган омиллар (масалан, номзоднинг оилавий аҳволи, иш жойи каби омиллар) ундайди;
- 3) **мўътадил позициядагилар** - бундай кишилар номзод ёки партия ҳақида кам маълумотга эга бўлишлари сабабли номзоднинг дастурий мақсадларини яхши билишмайди. Уларнинг номзодга нисбатан позициялари ҳам аниқ бўлмайди. Чунки улар ўз муаммоларига бутунлай «шўнғиб кетган» инсонлардир. Уларнинг кимга овоз беришлари у ёқда турсин, ҳатто сайловга келиш-келмасликлари ҳам аниқ бўлмайди;
- 4) **ишончсизлик кайфиятидаги кишилар** - электоратнинг бу қатлами, одатда, ҳеч бир партия ёки номзод мамлакатдаги, вилоятдаги

муаммоларни ҳал қила олишига ишонмайди. Бундай сайловчилар аввалдан танлаган номзодига овоз беради ёки атайин сайловга келмайди.

- 5) **қатъий қарши кайфиятдагилар** - бу гуруҳни рақиб партия аъзолари ва уларнинг фаол тарафдорлари ташкил қилади. Бундай кайфиятдагилар ўз номзодига овоз бериш билан бирга, бошқа номзодлар ва рақиб сиёсий кучларга душманлик кайфиятини намоён қилиб, уларнинг фаолиятига халал беради.

Сайлов кампанияси ташкилотчилари биринчи ва иккинчи гуруҳдагиларни ўз таъсир доираларида сақлаб қолишга, учинчи гуруҳни ўз томонларига оғдиришга, тўртинчи ва бешинчи гуруҳдагиларни эса «зарарсизлантириш»га ҳаракат қилишлари лозим. Одатда, бирор номзодни танламаган, мўътадил кайфиятдаги кишилар электоратнинг кўпчилигини ташкил қилади. Номзодлар айнан мана шу гуруҳнинг эътиборини қозониш учун курашади.

Бу курашда номзод ва унинг жамоаси мўътадил кайфиятдаги кишиларга ўз манфаатлари, фикрлари ва режаларига эга бўлган шахслар сифатида қарашлари керак. Демак, илгари суриладиган шиорлар, нутқ ва рекламалар уларнинг ҳар бирига турлича таъсир кўрсатишини инобатга олиш талаб этилади.

Замонавий технологияларни қўллашда ижтимоий табақаланишни ҳисобга олиш зарурлиги қатор мутахассислар томонидан таъкидланган. Ф.Гоулднинг таъкидлашича: «Биз ҳаммага ва ҳар бир кишига мурожаат қилиб, кўпинча хатога йўл қўямиз. Сиёсатда муваффақиятга эришиш учун қатъий танловни амалга ошириш лозим. Тан олишимиз керак - биз ҳаммага мурожаат қила олмаймиз, биз кимнидир (бирор гуруҳни) танлашимиз керак».

Таъсир кўрсатиш мақсадида танланган топ доирадаги ижтимоий қатламлар **адрес гуруҳлари** деб аталади. Сайлов кампанияси ташкилотчилари тегишли адрес гуруҳларини танлаши натижасида кўп

маблағлар тежаб қолинади. Чунки ҳаммага таъсир кўрсатиш мақсадида минглаб реклама маҳсулотлари ишлаб чиқарилмай, тегишли гуруҳларга сезиларли таъсир кўрсатадиган усуллардан фойдаланилади.

Ҳозирги кунда электорат демографик (ёшлар, кексалар, эркеклар, аёллар), яшаш жойи (шаҳар ва қишлоқда яшовчилар, катта ва кичик шаҳарларда яшовчилар), этник (айниқса, кўпмиллатли ҳудудда эътиборга олинади), мулкый фарқланиш (катта мулк эгалари, йўқсиллар, ўрта табақа вакиллари) ва ҳоказо омилларга қараб сегментланади. Электоратни бундай сегментлаш осон бўлиб, мавжуд статистик маълумотлар асосида ҳар бир гуруҳга қанча киши тегишли эканлигини аниқлаш мумкин. Электоратни сегментлашдан мақсад - иложи бориша кўпроқ кишиларга мурожаат қилиш, уларни қийнаётган муаммоларга жавоб бериш, реклама маҳсулотларини таъсирчан ва тушунарли тарзда етказиш ва кенгрок оммани қамраб олишдир.

Ҳар қандай сайлов кампаниясида номзод асосий ўрин эгаллайди. Гарчи сайловлар пропорционал тизим асосида ўтказилиб, сайловчилар номзодлар рўйхатиға овоз берсалар ҳам, барибир бу рўйхатнинг бошида турганлар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Сайловчиларнинг номзод ҳақидаги фикрлари ва тасаввурлари сайловда қозониладиган ғалаба ёки мағлубиятга сабаб бўлади. Шунинг учун номзоднинг сайловчилар учун мақбул қиёфасини яратиш унинг жамоаси олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Номзоднинг бундай қиёфасини қандай тамойиллар асосида шакллантириш мақсадга мувофиқ? Энг аввало, унинг имижи, яъни кишиларда таассурот уйғотадиган хусусиятлари ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Бундай қиёфани яратишда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- кишилар онгида номзод ҳақида азалдан шаклланган тасаввурлар (сайловолди кампаниясида унинг қиёфасини буткул ўзгартириб бўлмайди);

- сайловчилар номзоддан нима кутаётгани (ҳозирги вазиятда сайловчилар қандай кишига овоз беришлари мумкин);
- танланган сайловолди стратегиясининг моҳияти (номзоднинг қиёфаси бу стратегияни шиорлар, рекламалар, чақириқлар орқали ўзида ифодалаш лозим).

Номзоднинг қиёфаси танланганидан сўнг имижмейкерлар унинг имижини янада такомиллаштиришга киришади. Бу иш, аввало, номзоднинг таржимаи ҳолини яратишдан бошланади. Таржимаи ҳолда номзоднинг ҳаётида юз берган, кишилар эътиборини ўзига жалб қиладиган, уни юқори лавозимга муносиблигини кўрсатадиган воқеалар баён қилинади. Таржимаи ҳолда номзод қиёфасига мос воқеаларни ёритишга алоҳида эътибор берилади.

Сайлов штабининг барча тарғибот-ташвиқот ишлари номзод имижини очиб беришга хизмат қилади. Ёзиладиган нутқлар, кўрсатиладиган рекламалар, дастурлар номзоднинг имижига мос келиши лозим. Айни пайтда, психологлар ҳам номзод имижи устида жиддий ишлашига тўғри келади. Чунки унинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, гап-сўзлари танланган қиёфага мос келиши лозим. Кишилар номзоднинг фақат сўзларига қараб эмас, балки ўзини тутишига қараб ҳам баҳо берадилар. Унинг руҳий ҳолати, ҳис-ҳаяжонлари кишиларнинг хотирасида<sup>2</sup> ўрнашиб қолади. Номзоднинг ҳаракатлари унинг имижига мос келиши учун тажрибали психологлар кузатувида махсус психотренинглар ўтказилади. Телевидениедаги ва бошқа учрашувлардаги муҳим чиқишлар олдиндан машқ қилинади. Машқ давомида нутқнинг мазмуни, қаерда овозни баландлатиб, қаерда пастлатиш кераклиги машқ қилинади, кийим-

<sup>2</sup> Инсон бош миясининг онгости соіаси бўлиб, унда кишининг іаёти давомида кўрган-билган ахборотлари саеланади. Имижмейкерлар кўпинча худди шу онгорти соіага мурожаат еиладилар. Чунки киши еарор еабул еилишда онгорти соіадан келадиган импульслардан (масалан, номзод унга шунчаки ёёди ёки ёмади) келиб чи<sup>о</sup>ан <sup>3</sup>олда іаракат еилади.

<sup>2</sup> М.Тетчернинг сиёсий консултанти Б.Брюснинг эслашича, сайловолди кампаниясида улар телевидениеда ёритилиши мумкин бўлган Тетчер билан бојііе воееалар дастурини тузиб чиееанлар. Кампания ташкилотчилари, іаттоки, бу воееалар кечки дастурларда ёритилиши учун еачон содир бўлиши кераклигини іам назарда тутганлар. Шундай еилиб, деярли іар куни телетомошабинлар М.Тетчернинг гоі янги мосламада юрагини текширтираётганига, гоі янги тујілган бузоечани еилаётганига, гоі аёлларга кўйлак тикишни ўргатаётганлигига гувоіи



бош танланади. Бирор қиёфага кириш, кўпчилик олдида ўзини тутиб туриш машаққатли иш бўлиб, кишини руҳий толиқтиради. Номзод имижини шакллантиришда майда нарсаларга ҳам эътибор бериш лозим. Чунки йўл қўйилган кичик хатодан ҳам рақиблар усталик билан фойдаланишлари мумкин.

### **3. Сайлов кампанияси стратегияси ва тактикаси**

Сайлов кампаниясида технологик усулларни қўллаш сайловолди кураш тактикасига боғлиқ бўлади. Тактиканинг мақсади сайловчиларга зарурий ахборот етказиш йўли билан уларнинг номзодни қўллаб-қувватлашига, номзодга ижобий муносабат билдиришга ва охир-оқибат унга овоз беришларига эришишдир. Сайловолди курашнинг стратегияси «нима қилмоқ керак?» саволига жавоб берса, унинг тактикаси мақсадга эришиш учун «қандай чоралар кўрмоқ керак?» саволига жавоб бериши лозим.

Тактикани белгилаш сайлов кампанияси ташкилотчиларидан ўзишига ижодий ёндашувни талаб этади. Чунки ҳар бир сайлов кампаниясида сайловчилар овозини олиш учун янги воситалар қўллаш талаб этилади. Сайлов кампаниясини самарали ташкил этиш учун унинг **асосий йўналишларини** белгилаб олиш зарур.

**Шиорлар яратиш** ана шундай йўналишлардан бири ҳисобланади. Шиорлар сайлов кампанияси давомида барча реклама роликларида, плакатларда такрорланади, кишиларга номзодни эслатиб туради. Шиорларда қисқа ибораларнинг ишлатиши сайловчига партия ёки номзодни, унинг дастурий мақсадини эслаб қолиш имконини беради. Шу боис, бу иборалар реклама чақириқларида қайтарилади. Чунки шиорлар нафақат номзодни эслаб қолиш, балки уни бошқа номзодлардан осон ажрата олиш имконини беради. Демак, шиорда ишлатилган ибора номзод

дастуридаги асосий ғояни ифодалаш, ёдда қоладиган, қисқа ва лўнда бўлиши лозим.

Иккинчи асосий йўналиш - номзод ҳақида ахборот етказиш учун **баҳона, сабаб топишдир**. Ҳозирги вақтда жамоатчиликка ҳар куни янги ахборотлар етказилади. Янги ахборотлар оқими эски маълумотларни кишилар хотирасидан ўчириб юборади. Сайловчилар ёдидан кўтарилмаслик учун номзодлар кўп ҳаракат қилишлари, телевидение, радио, газеталарда ахборот сифатида ёритишга арзигулик амалий ишлар қилишлари керак<sup>3</sup>.

Учинчи асосий йўналиш сифатида **сиёсий реклама тайёрлаш ва уни тарқатишни** кўрсатиш мумкин. Кўпинча, кишилар сайлов кампанияси иштирокчиларининг барча ҳаракатларини сиёсий реклама деб баҳолайдилар. Бироқ фақат номзодга овоз беришни тарғиб қилувчи нашрларни, телевидение ва радиода тайёрланган маҳсулотларнигина сиёсий реклама деб аташ мумкин. Бу - видеороликлар, радиороликлар, плакатлар, интернет, газета ва журнал саҳифаларидаги рекламалардир. Сайлов кампанияси ташкилотчилари ўзлари яратаётган рекламанинг кишиларга қандай таъсир кўрсатаётганини доимо кузатиб бориши зарур. Аввало, ҳар қандай реклама номзоднинг стратегик ғоялари моҳиятини очиб бериши лозим. Реклама нафақат полиграфик жиҳатдан юқори сифатли бўлиши, балки номзод имижига ҳам мос келиши лозим. Иккинчидан, реклама эътиборни тортиши зарур. Шундагина одамлар биллбордни синчиклаб кўришлари, варақани охиригача ўқиб чиқишлари, видеороликни зерикмай томоша қилишлари мумкин. Учинчидан, реклама кишиларни бирор-бир ҳаракатга ундаши ҳам муҳим саналади. Тўртинчидан, тарқатиб қилинаётган номзод кишиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши, уларда яхши таассурот уйғотиши керак. Шундагина реклама сайловчиларнинг электорал феъл-атвориغا таъсир кўрсатиши мумкин.

---

бўлишган.

Реклама самарадорлигини оширишда унинг тайёрланишига ҳам эътибор берилади. Масалан, плакатни тайёрлашда унинг ҳажми, ранги, қоғоз сифати, ҳарфларнинг катталиги, номзод суратининг жойлаштирилиши, партия рамзининг катталигини инобатга олиш муҳим. Реклама роликларини тайёрлашда ҳаракатчанлик, орқа фон, тасвирлар ва мусиқани эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Сайловолди кампаниясининг тўртинчи асосий йўналиши **номзоднинг сайловчилар олдида нутқ сўзлаши** билан бо<sup>1</sup>/<sub>4</sub>лик. Бундай учрашувларни тўғри ташкил этиш яхши самара беради. Чунки номзод сайловчилар билан учрашганида улар билан юзма-юз кўришиб, мулоқотга киришади ва бу билан электоратнинг ишончини қозониш имкониятига эга бўлади. Аммо бундай учрашувлар нафақат номзоддан етакчилик маҳоратини талаб этади, балки унинг жамоасини ҳам тер тўкишга мажбур қилади. Улар учрашувдан аввал кишиларнинг кайфияти, муаммоларини ўрганади, қулай савол берадиган кишиларни олдиндан тайёрлаб қўяди. Бундай учрашувлар кишиларда яхши таассурот уй<sup>1</sup>/<sub>4</sub>отиши учун уларга руҳий таъсир кўрсатилади (масалан, залда нотиқнинг айрим гапларига «қойил қолиб», лутқма ташлаб, уни қўллаб-қувватлаб турувчи кишилар ўтиради). Сайловолди кампаниясини ташкил этишда қатор ишлар амалга оширилгани боис, уларни доимо тартибга солиб туриш лозим. Номзоднинг жамоаси қилинадиган вазифаларни олдиндан режалаштириб, ўзаро келишиб олиши сайловолди кампанияни пала-партишликдан сақлайди.

Замонавий жамиятда сайловолди кампаниялари кескин рақобат руҳида ўтади. Бу рақобат уч йўналишда амалга оширилади:

- номзоднинг ижобий имижини яратиш;
- рақибларни танқид қилиш ва камчиликларини фож этиш;
- номзоднинг кучсиз жиҳатларини рақиблар тажовузидан ҳимоя қилиш.

Бу уч йўналишнинг қай бирини танлаш номзод ва унинг жамоасига боғлиқ. Одатда, биринчи йўналишни амалий ишлари билан сайловчиларга

таниш бўлган номзодлар, ҳокимият тепасида турган партиялар танлайди. Иккинчи йўналиш эса кўпроқ муҳолифатдаги партия ва номзодларга хос. Агар номзод сайловолди кампаниясининг учинчи йўналишини танласа, бу унинг заифлигини кўрсатади. Учинчи йўналишни тутган номзод мағлубиятга маҳкум. Чунки кишилар тафаккурида «ўзини оқляптими, демак айбдор» қабалидаги фикр шаклланган.

Кўп ҳолларда номзодларнинг бир-бирини танқид қилиши очикдан-очик «обрўсизлантирувчи кураш»га айланиб кетади. Номзодлар рақибларига турли айблар қўяди. Бу билан уларнинг руҳий мувозанатини бузмоқчи бўлади. Натижада, рақиблар хатога йўл қўйиб, ўзини оқлай бошлайди, ҳиссиётга берилиб, охир-оқибат сайловда енгилади. Шу сабабли, сайлов кампанияси ташкилотчилари ўз хатоларини яхши билишлари, рақибини синчиклаб ўрганишлари лозим.

Афсуски, кўпинча сайловолди кампанияларида «қора технологиялар» ҳам қўлланилади. Масалан, сайлов кампанияларида рақиблар обрўсини тўкадиган ахборот тарқатилиши ҳозирги кунда янгилик эмас. Бунга аввалдан ҳозирлик кўрилиб, рақибнинг таржимаи ҳоли синчиклаб ўрганилмоқда. Унинг шубҳали кишилар билан алоқалари, йўл қўйган хато-камчиликлари аниқланиб, ошкор этилмоқда. Сайловнинг бундай “қора” технологияларини қўллаётганлар рақибга ҳамла қилишда вақтни эътиборга оладилар. Чунки айбномалар сайловдан анча илгари эълон қилинса, вақт ўтиши билан одамлар ёдидан чиқиб кетиши мумкин. Шу боис, бу каби обрўсизлантирувчи ҳаракатлар сайловга оз қолганида амалга оширилмоқда, шунда рақиб ўзини ўнглаб олгунича сайлов куни етиб келади. Таассуфки, рақибнинг обрўсини тўкишга етарли далиллар топилмаганида, у гапираётганида тутилиб қолган, дудуқланган, эснаётгани тасвирланган кадрлар топилиб, халққа кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, рақибнинг обрўсини тўкадиган далиллар тўплаб ўтирмай, унга очикдан-очик туҳмат қилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Сайловчиларни сотиб олиш, рақибнинг фамилиядошларини топиб, улар ёрдамида номзодни

обрўсизлантириш, тарғибот тақиқланган кунларда рақиб номидан варақа тарқатиш ҳам «қора технологиялар»га мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов технологиялари - сиёсий мақсадга йўналтирилган сайлов кампаниясини самарали ўтказиш усуллари йиғиндисидир. Бу кампаниянинг самарали ташкил этилиши, аввало, мавжуд вазият қанчалик чуқур ўрганилганига, иккинчидан, сайловчиларга таъсир кўрсатишнинг қандай янги усулларидан фойдаланилганига ва кишиларнинг муаммоларига қай даражада эътибор берилганига боғлиқдир.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда Президент сайловлари арафасида: «Урра-уррачилик, яшасинчилик кайфияти, бугунги сиёсатни орқа-ўнгига қарамай фақат мақташ билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди. Бирорта ҳам муаммо ечилмайди. Шунини барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, айна вақтда минбарбозлигу, митингбозлик, турли хил ҳавойи бақириқ-чақириқлар билан ҳам бирор туп дарахт кўкариб ёки бирорта иморат битиб қолмайди.

**3-мавзу. Сиёсий менежментда сиёсий компания ва жараён.  
Сиёсий маслаҳатлашувнинг сиёсий менежментда тутган ўрни.  
Сиёсий қарор қабул қилишнинг сиёсий менежментдаги роли.**

**Режа**

- 1. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш.*
- 2. Давлат сиёсатини шакллантириш технологиялари*
- 3. Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг босқичлари.*

**1. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш**

Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни сиёсат субъектларининг давлат ҳокимияти билан боғлиқ мақсадларга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари йиғиндисидан иборат. "Қарорлар қабул қилиш" атамаси илк бор XX асрнинг 30-йилларида америкалик олимлар Ч.Бернард, Э.Стин ва

бошқалар томонидан қўлланилган. Ўша пайтда улар ижтимоий ва ташкилий жараёнларни номарказлаштиришни таърифлашда бу атамадан фойдаланишган. XX асрнинг 60-йилларида эса бу назария Г.Саймон ва Д.Марч томонидан янада ривожлантирилди. Ҳозирги кунда иқтисод, социология, сиёсий фан, ижтимоий жараёнларни моделлаштириш назарияси доирасида ушбу назариянинг турли йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Ижтимоий жараёнларнинг хилма-хиллиги туфайли фанда қарорлар қабул қилишнинг универсал ва ягона алгоритми<sup>4</sup>ни ишлаб чиқиш масаласи кўтарилмаган. Буни ушбу ҳодисанинг турлича талқин қилиниши билан тушунтириш мумкин. Таърифларга кўра, сиёсий қарорлар қабул қилиш:

- 1) махсус ақлий ва ташкилий "маҳсулот" олишга қаратилган ҳаракатларнинг муайян технологик занжиридир;
- 2) конкрет субъектларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш усулидир;
- 3) мақсадга эришиш стратегияси ва тактикасини тузатишни назарда тутадиган ихтилофларини бартараф этиш усулидир ва ҳ.к.

Бугунги кунда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини тавсифловчи икки хил ёндашувни ажратиш мумкин. *Меъёрий ёндашув* намояндаларининг фикрича, қарорлар қабул қилиш жараёни - оқилона мақсадлар қўйиш ва уларга эришишнинг энг мақбул воситаларини илгари суришга хизмат қилади (Р.Абелсон, А.Леви). Бундай қарашлар инсонни ўзи учун мақбул, фойдали ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир онгли мавжудот сифатида тушунишдан келиб чиқади. Шундай қилиб, қарорлар қабул қилиш жараёни мавжуд муаммони ўрганиш, уни баҳолаш, муаммо юзасидан бирор қарорга келиш ҳамда кутилаётган ижобий натижага эришиш билан боғлиқ ҳаракатларни бир-бири билан узвий боғлаб қўяди.

---

<sup>4</sup> Алгоритм - муаммони эъл еилиш дастури бўлиб, сэйси эаракатлар сандай кетма-кетликда амалга оширилганида натижага эришиш мумкинлигини аниё белгилаб беради.

*Феъл-атвор билан боғлиқ ёндашув* намоюдаси Г.Саймон инсон олдида турган мақсадни ниҳоятда мураккаб деб билиб, уни муайян услублар ёрдамида тавсифлаб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Боз устига, муаммоларнинг ечимини берадиган усулларнинг муқобиллари шу қадар кўпки, инсон уларнинг барчаси билан танишиш, уларни англашга ожизлик қилади. Шу боис, қарорлар қабул қилиш - вазиятга боғлиқ жараён бўлиб, муайян муаммонинг ўзгаришига қараб уни ҳал қилиш воситалари ҳам ўзгаради <sup>5</sup> . Бироқ амалиётда, кўпинча, ҳар иккала моделнинг афзалликларини ўзида ифода этувчи яхлит ёндашувдан кенг фойдаланилади.

Қарорлар қабул қилишда қўлланиладиган технология ва механизмлар:

- 1) сифат жиҳатидан муайян кўриниш ва шаклга эга жараёнларга;
- 2) ушбу жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларига;
- 3) мазкур жараёнлар кечаётган соҳага;
- 4) бу жараёнларда иштирок этаётган субъектларга;
- 5) барқарор шарт-шароитларга ва бошқа омилларга бевосита боғлиқдир.

Шундан келиб чиқиб, *корпоратив секторда* (алоҳида муассасалар даражасида), *оммавий муносабатларда* (ижтимоий секторда) ва *давлат бошқарувида* қарорлар қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари фарқланади. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш ниҳоятда муҳим бўлиб, миллионлаб кишиларнинг тақдирига таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради.

Ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларда сиёсий кучлар нисбати, миллатлар ва турли ижтимоий қатламларнинг манфаатлари ўз ифодасини топади. Шу боис, давлат бошқаруви соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳам тасодифий эмас, чунки давлат мамлакатнинг сиёсий йўналишини белгилашдан тортиб, то оддий

---

<sup>5</sup> Саранг: Панкетт Л., Хейли Г. Выработка и принятие управленческих решений. -М., 1984.

фуқаронинг мурожаатига жавоб беришгача бўлган жуда кенг қамровли ишларни амалга оширади. Қарорлар қабул қилиш жараёни кўп жиҳатдан давлат бошқарувининг қонунийлигига боғлиқдир. Буни давлат томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асоси бор-йўқлигига қараб аниқлаш мумкин. Бунда давлатнинг, аввало, жамиятга хизмат қилиши ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, жамият фақат бошқарувнинг кўламини белгилаб бермайди, балки қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятларига ҳам эга бўлади. Бошқача айтганда, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида нафақат шу соҳанинг мутасаддилари, балки жамоат ташкилотлари, оммавий уюшмаларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар. Шу боис, давлат даражасида қарорлар қабул қилиш профессионаллар ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқот шаклида амалга оширилади. Яъни, бу жараёнда бошқарувчилар ҳам, бошқарилувчилар ҳам иштирок этадилар.

Давлат номидан қарор қабул қилувчи (вазифаларни белгилаб берувчи ва ҳаракатлар учун жавобгар) шахсларни аниқлайдиган бўлсак, улар:

- 1) давлат бошқарувининг маъмурий органлари вакиллари;
- 2) сиёсий элитанинг турли (ҳукмрон ва муҳолифатдаги) гуруҳлари;
- 3) маслаҳатчи ва эксперт-мутахассислар;
- 4) турли жамоат ташкилотлари (партиялар, босим гуруҳлари, ОАВлари) вакилларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

Бу субъектларнинг манфаатлари, ҳис-туйғулари ва истаклари бир-биридан фарқлангани боис, қарорлар қабул қилиш жараёнида улар тўқнашади. Баъзан қарорлар қабул қилиш жараёнига норасмий усуллар билан ҳам босим ўтказишга ҳаракат қилувчи кучлар пайдо бўлади. Натижада, қарорлар қабул қилиш жараёни манфаатларни уйғунлаштириш, ҳар бир тарафнинг мақоми ва ресурсларини тенглаштириш жараёнига айланиб кетади.



Давлат қарорларини қабул қилиш жараёнига жамиятдаги иқтисодий, информацион, молиявий ва бошқа ресурсларни бошқарувчи кучларнинг манфаатларини ўзида ифода этувчи босим гуруҳлари<sup>6</sup> сезиларли таъсир кўрсатади. Улар, одатда, мамлакатнинг сиёсий йўналишини белгилаб бермайди, бироқ ўз соҳаларига оид қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатади. Тажрибанинг кўрсатишича, деярли барча мамлакатларда босим кўрсатишнинг турли воситаларидан фойдаланилади. Бу воситаларнинг қандай бўлиши эса давлат томонидан босим гуруҳлари қанчалик бошқарилишига боғлиқ бўлади. Масалан, Францияда лоббизм тақиқланган, АҚШда эса уларнинг фаолияти қонун орқали қатъий белгилаб берилган. Россияда эса бугунги кунда давлат органларига муттасил таъсир кўрсатувчи "ёввойи лобби" шаклланганлигини кузатиш мумкин.

Давлатнинг қарорлар қабул қилувчи сиёсий марказ сифатидаги асосий вазифаси - давлат тузумини, мустақилликни ҳамда худудий яхлитликни сақлашдан иборат. Давлат максимал даражада сиёсий ҳокимиятга эга бўлса-да, қарорлар қабул қилиш жараёнида ўз ҳокимиятини бошқа сиёсий институтлар билан "бўлишиши"га тўғри келади. АҚШнинг собиқ давлат котиби Г.Кисинжернинг таъкидлашича, қарорлар қабул қилиш ақлий фаолиятдир. У Жон Кеннедининг давлат маҳслаҳатчиси лавозимида ишлаган вақтида "Қарор қабул қилиш учун киши президентнинг кабинетига кириб, ўзининг ҳақлигига уни ишонтира олса бас", деб ҳисоблар экан. Аммо вақт ўтгач, қарорларни бундай усулда қабул қилиш кенг урф бўлган бўлса-да, у мукамал эмаслигини тушуниб етади.

Умуман олганда, давлат қарорлар қабул қилувчи субъект сифатида жамият ривожининг пировард мақсадларини белгиловчи ҳамда бутун бошқарув тизимига раҳбарлик қилувчи орган сифатида намоён бўлади. Унинг бошқарувчилик имкониятларини босим кўрсатувчи кучлар,

---

<sup>6</sup> Босим гуруҳлари – лобби.

жамиятда шаклланган ахлоқий анъаналар, суд ҳокимияти, жамоатчилик фикрининг таъсири чегаралаб туради.

Таъкидлаш жоизки, давлат қарорлар қабул қилиш жараёнида *макроиқтисодий бошқарув органи* сифатида ҳам иштирок этади. Бунда ҳокимиятни сақлаб қолиш эмас, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу жараёнда ҳукумат ижтимоий-сиёсий мақсадларни қадриятлар билан ҳуқуқий жиҳатдан уйғунлаштириши ҳамда барча ресурсларни самарали хўжалик юритишга сафарбар этиши зарур. Қонунийлик, оқилоналик ҳамда иқтисодий самарадорлик - қарорлар қабул қилишдаги асосий мезонлардир. Бу босқичда давлат бошқаруви оқилона мақсад ва вазифаларни белгилашга, кам воситаларни сарфлаш эвазига максимал натижага эришишга қаратилган бўлади.

Қарорлар қабул қилиш жараёнига *маъмурий даражада* ҳам ўзига хос ҳисса қўшилади. Бу босқичда давлатнинг асосий вазифаси - иерархик алоқалар билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш ҳамда соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқа соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатишдан иборат. Шу мақсадда давлат органлари ҳукуматнинг олий даражадаги фармойишларини маъмурий ҳужжат - кўрсатмага айлантиради, ходимлар ва жамоаларни фармойишларни бажаришга сафарбар қилади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш чоғида давлат тузилмалари хизмат кўрсатмаларига амал қилади, ички кодексларига бўйсунди, профессионал билимларидан фойдаланади. Бунда давлат ўз фуқароларига давлат органларидан бирор товар ёки хизматни сотиб олаётган мижоз сифатида муносабатда бўлади. Бошқача айтганда, давлат бошқарувининг ушбу "маъмурий босқичи" муайян қарор қабул қилиш жараёнига жалб этилган қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларининг ўзаро муносабатларини, қарорлар ва лойиҳаларнинг тайёрланишини, ички идоравий муҳокамаларни ва шу соҳадаги бошқа муносабатларни ўзида ифодалайди.

Юқорида санаб ўтилган босқичлардан ташқари *ўзини ўзи бошқариш* қарорлар қабул қилиш табиатига таъсир кўрсатади. *Ўзини ўзи бошқариш* туфайли қарорлар қабул қилиш жараёнига давлат аралашувининг чекланиши, баъзи муаммоларни ҳал қилиш давлат елкасидан соқит қилиниши, бу вазифалар турли жамоат бирлашмалари зиммасига юкланиши мумкин.

Давлат бошқарувининг юқорида санаб ўтилган босқичлари шуни кўрсатадики, қарорлар қабул қилишда мақсадларни белгилаш турлича мантикка бўйсундирилади, турлича сабабларга асосланади. Давлат масъулияти доирасидаги ҳар қандай соҳада қабул қилинган қарорларда турли хил, баъзан бир-бирига зид ёндашувлар инобатга олинади. Булар давлат ва жамият ўртасида ўзига хос мувозанатни сақлашга, қабул қилинган қарорларнинг самаралилигини оширишга, бошқарув органларининг куч-қудрати ва профессионализмини намойиш этишга хизмат қилади.

## **2. Давлат сиёсатини шакллантириш технологиялари.**

Давлат сиёсати ижтимоий, иқтисодий, муҳофаа ва жамиятнинг бошқа соҳаларига оид муаммоларни ҳал қилишда, ҳокимиятни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилашда намоён бўлади. Назариётчи олим Ж.Андерсон: “Давлат сиёсий йўналишини ишлаб чиқиш жараёни – фаолиятнинг муайян кетма-кетликдаги схемасидир. Бунда энг муҳим муаммолар аниқланади, сиёсий йўналиш белгиланади, бу йўналиш тасдиқланади, уни амалга оширишга киришилади ҳамда фаолият натижалари баҳоланади<sup>7</sup>”.

Давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш технологиялари давлат бошқарувининг табиатига, давлатнинг молиявий имкониятларига ва бошқа қатор омилларга боғлиқ равишда танланади. Бундан ташқари, сиёсий қарорлар қабул қилишнинг **башорат қилиш, режалаштириш,**

---

<sup>7</sup> Anderson J.E. Publik Policymaking. Boston. Houghton Mifflin, 1990. P.35.

**дастурлаштириш** каби технологик бўғинлари ажратилади. Улар давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, манфаатлар уйғунлигига эришиш, мақсад ва воситаларни аниқлашга қаратилган бўлади.

*Сиёсий башорат* сиёсатнинг келгуси ривожини тахминий кўра билиш шакли бўлиб, унда ҳозирги пайтдаги воқеаларнинг кечишига таъсир кўрсатувчи омиллар инобатга олинади. Бошқача айтганда, башорат қилиш - келажакни акс эттиришнинг тахминий ва лойиҳавий услубларидан биридир. Келажакка бундай назар ташлаш нафақат илмий тавсияларни, муайян соҳада орттирилган тажрибаларни ўрганишни, балки лойиҳаларни амалга оширадиган кишилар ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишни талаб этади.

Башорат қилишда объектив омиллар билан (масалан, аҳолининг турмуш даражаси) субъектив омиллар (бошқарувчилар кўзлаган мақсадлар) тенг кўрилади. Бу омилларнинг уй<sup>1</sup>/<sub>4</sub>унлашуви, биринчи навбатда, муаммонинг ҳудудий жиҳатларини ҳисобга олишни талаб этади. Бунда таҳлил қилаётганлар муаммоларни ҳал қилишга давлатнинг аралашуви (ёки аралашмаслиги) шу ҳудудда яшовчи аҳоли учун қандай оқибатлар келтириб чиқаришини ўрганишлари лозим.

Башорат таркибида воқеа-ҳодисаларнинг ҳам ретроспектив (ўтмишга қаратилган), ҳам перспектив (келажакка қаратилган) баҳоларини кўриш мумкин. Ушбу таркибий қисмларнинг нисбати башорат қилишнинг *изланиш* табиатига ёки *меъёрий* табиатига қараб ўзгариши мумкин. Изланиш табиатига эга башорат қилишда тараққиётнинг эҳтимол тутилган йўналишлари аниқланади, мавжуд вазиятнинг келгусидаги ўзгариши олдиндан таҳлил қилинади. Бунда "бугундан келажакка қараб" мантиғига амал қилинади. Меъёрий башорат эса онгли равишда кўйилган мақсадларга элтувчи аниқ ҳаракатларни белгилаш билан боғлиқ. Яъни, унда мақсадга эришишнинг устувор йўналишлари белгиланади, субъектларнинг феъл-атвор усули аниқланади. Бунда "келажакдан бугунга қараб" мантиғига амал қилинади.

Башоратнинг ҳар иккала шаклида ҳам турли хил услублар қўлланилади. Бироқ энг муҳими - *воқеалар ривожининг сценарийсини* тузишдир. Моҳиятан сценариотехника воқеларнинг тахминий ривожини кадамма-қадам тавсифлаш имконини берувчи асосий технологик восита ҳисобланади. Бу услуб ҳаракатнинг муқобил вариантларини топиш, воқеалар ривожига бурилиш нуқталарини излашни ҳам ўз ичига қамраб олади. Вазифаларнинг тури, қўлами ва бажарилиш муддатига кўра сценарийлар:

- 1) воқеа-ҳодисаларга инсоний муносабатни акс эттирувчи эркин шаклдаги публицистик эссе шаклида;
- 2) воқеалар-ҳодисалар ҳақидаги асосий маълумотларни, уларнинг ривожланиш тенденцияларини қисқача изоҳловчи таҳлилий тадқиқот кўринишида;
- 3) миқдорий асосланган фикрларни умумлаштириш натижасида тайёрланган расмий ахборот шаклида тайёрланиши мумкин. Башорат қилиш - мақсадларнинг табиати ва қўламини аниқлашдан бошланиб, дастлабки тахминларни белгилашдан асосий тахминий моделни қуришгача бўлган жараённи ўз ичига қамраб олади.

Давлат сиёсатининг мақсади ва табиати башоратнинг қўламини белгилаб беради. Ушбу белгига кўра, башоратларнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

- 1) макроиктисодий даражадаги башорат;
- 2) ҳудудий даражадаги башорат;
- 3) алоҳида муассаса, ташкилот даражасидаги башорат;
- 4) алоҳида хизмат турини таклиф этишга оид башорат ва ҳ.к.

Бундан ташқари, башоратлар узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган, қисқа муддатли ҳамда оператив (тезкор) башоратларга ажратилади.

*Режалаштириши* ҳам келажакни тахминий кўра билишнинг бир кўриниши бўлиб, мақсадга эришиш йўлида муайян шароитда ва аниқ вақт давомида ҳаракат қилаётган субъектларнинг фаоллиги ва

мажбуриятларини ўзида ифода этади. Бу ўзига хос лойиҳалаш-конструкторлик фаолияти бўлиб, унинг мақсади – мақсадли истиқболни тасвирлаб бериш ҳамда бугунги кунда қабул қилинаётган қарорларнинг келгусидаги вазиятга таъсирини ҳисобга олишдан иборат.

Режалаштиришда давлат муассасаларининг ташкилий тузилишига доир таклифлар берилади, алоҳида шахслар (кадрлар)нинг фаолияти белгиланиб, фойдаланиладиган ресурслар аниқланади ва ижро устидан назорат қилиш учун меъёрлар ишлаб чиқилади. Давлат сиёсатини бундай ишлаб чиқишда башоратга хос камчилик - вазиятдаги ноаниқлик бартараф этилади. Режалаштиришда мақсад ва вазифаларни белгилашга биринчи даражали аҳамият берилади.

Режалаштириш технологиялари режалаштиришнинг стратегик ёки тактик табиатига боғлиқ бўлади. Масалан, стратегик режалаштиришда узоқ вақтга мўлжалланган ҳаракатлар белгиланади, вазиятга таъсир кўрсатувчи турли омиллар ҳисобга олинади, оқибатларни олдиндан кўра билишга урғу берилади. Бироқ тажриба давлат доирасида ўрта муддатли ва қисқа муддатли режалаштиришнинг анча самарали эканлигини кўрсатади.

Давлат сиёсатини шакллантиришнинг яна бир технологик усули *дастурлаштириш*дир. Дастурлаштириш муайян муаммони ҳал қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлиб, унда мақсадли вазифалар ва уларга эришиш йўлидаги фаолият ҳажмлари қатъий белгиланган бўлади. Дастурлаштиришда аниқ мақсадга эришиш жараёнини уюштириш, бюджетдан молиялаштириш, турли шерикларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш, жараён ҳақида ахборот бериб бориш масалаларини ҳал қилиш талаб этилади.

Дастурлаштиришда фойдаланиладиган технологиялар учун ягона услубий асосни яратиш муаммоси асосий ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ягона меъёрий негизни яратиш, жараённи институтлаштириш ва, энг асосийси, вазифаларни ҳал этиш жараёнини узлуксиз молиялаштиришни таъминлаш дастурлаштириш учун муҳим аҳамият касб

этади. Умуман олганда, давлат сиёсатини технологик таъминлашнинг бу тури учун молиялаштириш жараёни ҳамда жамоадаги ҳаракатларни уюштириш устувор аҳамиятга эга.

Давлат сиёсатини шакллантиришнинг мазкур технологиялари аниқ давлат дастурларида ўз ифодасини топади. Бу дастурлар идоралараро муаммо ва вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши, шунингдек муайян муассаса ёки идора томонидан ҳал қилинадиган муаммоларнинг ечимига қаратилган бўлиши ҳам мумкин.

Давлат сиёсатини шакллантириш технологиялари кўп жиҳатдан хавф-хатар<sup>8</sup> ларнинг олдини олишга қаратилган бўлади. Хавф-хатар ижтимоий жараёнларни бошқариш билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятга хос универсал хусусият ҳисобланади. Моҳиятан, субъектларнинг қўйилган мақсадлардан четлашиши ҳам хавф-хатар ҳисобланади. Ёхуд бошқарув тизими учун зарарли оқибатлар эҳтимолнинг ўсиши ҳам хавф-хатар саналади.

Хавф-хатарларни туғдирувчи сабаблар турли-тумандир. Кўпинча кўйидаги омиллар хавф-хатарларни келтириб чиқаради:

- 1) фаолиятнинг аниқ тахминий моделини яратиш мумкин эмаслиги;
- 2) мазкур тахминий моделларни рўёбга чиқариш оқибатларини олдиндан кўра билмаслик;
- 3) бошқарувчилар фаолиятининг ижодий табиатга эга эканлиги;
- 4) бошқарувчилар билим даражасининг чекланганлиги;
- 5) жамоатчиликнинг ҳукумат мақсадлари ва режаларини тушуниб етмаслиги;
- 6) қарорларнинг пухта ўйланмаганлиги.

Хавф-хатарларни олдиндан кўра билиш қарорлар қабул қилиш жараёнидаги алоҳида фаолият бўлиб, унда мақсадни рўёбга чиқаришга таъсир кўрсатувчи хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган технологиялар қўлланилади.

---

<sup>8</sup> Хавф-хатар – риск.

Хавф-хатардан ҳимоя қилувчи технологиялар хавф-хатарларнинг табиатига (глобал<sup>9</sup> ва локал<sup>10</sup> хавф-хатарлар) боғлиқ ҳолда танланади. Масалан, баъзи мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатарлар рейтингини тузиш амалиёти қўлланилади. Бошқа давлатларда технологик ёки экологик фожеалар келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарлар аниқланади. Бироқ давлат бошқарувида қўлланиладиган технологиялар, асосан, бошқарув тизимини хавф-хатарлардан сақлашга, қутилмаган узилишлар ва салбий ҳолатларнинг олдини олишга, бошқарувчиларнинг субъектив хатоларини олдини олишга қаратилган бўлади.

Шундай қилиб, давлат бошқарувида асосий хавф-хатарларнинг олдини олишда гуманитар ёки интеллектуал технологиялар қўлланилади. Бу технологиялар хавф-хатар омиллари ва белгиларини фарқлаш имконини берадиган тахлилий тизимдан иборат. *Хавф-хатар омиллари* – хавф-хатар даражаси, унинг ортиши ёки пасайишига бевосита таъсир кўрсатадиган ўзгарувчан миқдордир. Турмуш даражасининг иқтисодий кўрсаткичлари, ижтимоий тенгсизлик, динлараро ва миллатлараро низоларнинг кўрсаткичлари шулар жумласидандир. *Хавф-хатар белгилари* – вазиятнинг эҳтимолий ёмонлашуви аломатларидир. Хавфсизлик даражасининг пасайиши, норозилик кайфиятининг кучайиши ва беқарорликнинг авж олиши бунга мисол бўла олади.

Ушбу технологиялар муайян воқеа-ҳодисанинг кечиши ҳақида, шунингдек, содир бўлган ўзгаришлар, воқеа ривожининг йўналишлари тўғрисида батафсил ва тўлиқ ахборот олиш имконини беради. Бу технологиялар мақсадга эришиш жараёнининг заиф жиҳатларини топишга, анча хавфсизроқ муқобилларни танлашга, оғир аҳволга тушиб қолишнинг олдини олишга, хавф-хатар қийматини аниқлашга, зарарни зудлик билан қоплаш имкониятларини топишга ёрдам беради.

---

<sup>9</sup> Глобал – умумбашарий, инсониятга тааллуели.

<sup>10</sup> Локал – мааллий, маълум бир жойга хос.



Эҳтимол тутилган хавф-хатарларни баҳолаш моделларини ишлаб чиқишда турли услуб ва техникадан фойдаланилади. Сценарийлар техникаси, мустақил ва давлат экспертизаларининг турли шакллари бунга мисол бўла олади. Бу жараёнда тавсифловчи ва баҳоловчи моделлар муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда BERI, WPRF (халқаро сиёсий хавф-хатарларни башорат қилиш) усулларига алоҳида тўхталиш жоиз. Бу усуллар ёрдамида ўрганилаётган жараённинг барча муҳим кўрсаткичлари тавсифланади. Масалан, макродаражада, яъни жамият даражасидаги хавф-хатарларни баҳолаш учун қатор омиллар - сиёсий барқарорликдан тортиб, то маҳаллий ўзини ўзи бошқарув жараёнларигача ўрганилади. Мамлакатдаги хавф-хатарларни пасайтирувчи омил сифатида математик методлардан ҳам кенг фойдаланилади. А.Даунс томонидан таклиф этилган сайловларда сайловчиларнинг иштирок этиши динамикасини ҳисоб-китоб қилишни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин:

$$T = (P \times I \times B) + C - D.$$

Бунда  $T$  - сайловчиларнинг иштироки кўрсаткичи,  $P$  - сайловларга яқинлашиш даражаси,  $I$  - сайловларнинг муҳимлиги даражаси,  $B$  – номзодлар ўртасидаги фарқ даражаси,  $C$  – сайловдаги иштирокни таъминлаш учун сарфланган ҳаражатлар,  $D$  - сайловда иштирок этишга таъсир қилувчи субъектив омиллардир<sup>11</sup>.

Таҳлилий тадбирлардан ташқари қарорлар қабул қилишда социал технологиялардан ҳам кенг фойдаланилади. Бу технологиялар хавф-хатарларни камайтиришга қаратилган муайян ташкилий чоралар кўришни назарда тутди. Хавф-хатарларни баҳоловчи мутахассисларнинг ижро тузилмаларидан мустақиллигини кучайтириш, муаммони ҳал қилишдан манфаатдор кишилар доирасини кенгайтириш, муаммони баҳолашнинг ошқоралигини кучайтириш шулар жумласидандир. Бунда жамоатчилик фикрига хавф-хатарларнинг муқаррар эканлигини сингдириш, макро-бошқарувнинг катта ҳаражатлар талаб қилишини инсонларга тушунтириш

---

<sup>11</sup> Саранг: Политическая наука. Новые направления. - М., 1999. 676-бет.

ҳам муҳим ҳисобланади. Натижада, бошқарувда йўл қўйилган хатоларга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлиш эҳтимоли камайтиради. Бундан ташқари, қарорларга расмий тус бериш, уларни қонунийлаштириш, меъёр ва тамойиллар нуфузини кучайтириш ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Хавф-хатарларнинг кучайиши ва давлат учун инқирозли вазиятларнинг вужудга келиши давлат бошқарувида алоҳида технологиялардан фойдаланишни тақозо этади. Давлат органлари инқирозли вазиятларнинг олдини олишга хизмат қиладиган технологияларни шакллантириш ҳисобига инқирозлар билан курашадилар. Демак, давлат нафақат вужудга келган инқирозларга жавоб бериши, балки инқирозларни олдиндан кўра билиб, бундай жараёнларга доимо шай туриши лозим. Инқирозли вазиятларга тайёргарлик кўриш давлат бошқарувининг кадрлар захирасини, техник захирасини, ахборот захираси тизимини яратишни тақозо этади. Чунки бу захиралар асосий бошқарув марказлари ишдан чиққан вақтда қарорлар қабул қилиш вазифасини ўз зиммасига олади.

Бу ҳолат турли соҳаларда эҳтиёт чоралари кўриш зарурлигини билдиради. Бунда, аввало, сиёсий-ҳуқуқий соҳада иш олиб бориш, яъни инқирозли ва фавқулодда вазиятларда бошқарув тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилиниши зарур. Бундан ташқари, инқирозли вазиятларга тайёргарлик кўриб, фуқароларнинг ҳаётини кафолатлаш мақсадида зарур захиралар тўплаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инқирозларнинг олдини олиш технологиялари кўп жиҳатдан шахсга боғлиқ бўлиб, улар сиёсатчилар ёки бошқарувчи элита томонидан қўлланилади. Натижада, технологияларнинг қўлланиши етакчилик услубига, бошқарувчи элитанинг табиатига, унинг аъзолари фаоллигига боғлиқ бўлиб қолади.

Давлатнинг инқирозларини бартараф этишга доир фаолияти унинг партиялар, муҳолифат ва хорижлик ҳамкорлар билан муносабатларини тартибга келтиришни тақозо этади. Чунки уларнинг фаолияти давлатнинг

инқирозларни олдини олишдаги воситалари ва усуллари сезиларли даражада чеклаши мумкин. Масалан, мухолифат, одатда, давлат томонидан фавқулодда вазиятлар ҳолати ўрнатилишига доимо қарши бўлади. Чунки бу ҳолат конституцион эркинликларни чеклаши, мухолифатнинг ҳокимиятга таъсир қилиши ва уни назорат қилиш имкониятларини торайтириши мумкин. Шу боис, мухолифатнинг бундай жараёнларга таъсирини инобатга олмаслик инқирозларни янада чуқурлаштириши мумкин.

Инқирозларнинг олдини олишнинг тезкор табиатга эга технологияларини шакллантириш учун инқирознинг турини (ҳарбий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва б.) аниқлаш зарур. Таъкидлаш жоизки, инқирозлар бошқарув тизими фаолиятини рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Бошқарув тизимига ташқаридан бўладиган таҳдидлар турлича бўлиши мумкин. Бошқарув тизимидаги профессионал фаолиятда тарангликнинг кузатилиши, фаолиятни ташкил этишда харажатларнинг кўпайиб кетиши, бошқарув тизимининг яхлитлигига таҳдидлар, бошқарув тизимининг жамият билан ўзаро муносабатларининг ёмонлашиши шулар жумласидандир. Инқирозларнинг олдини олиш технологиялари вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашни ҳам тақозо этади. Бу омилларнинг табиати, йўналиши ва жаддаллиги аниқлаганидан сўнг бошқарув тизимининг амалий ҳаракатларини белгилаш мумкин бўлади. Давлатдаги инқирозлар менежменти, шунингдек, ҳаракатларни амалга ошириш муддатини қисқартириш билан боғлиқ ўзгаришлар қилишга ундайди. Масалан, вазиятга ташҳис қўйиш ҳамда ҳаракатларнинг муқобил вариантларини кўриб чиқиш муддатини қисқартириш шулар жумласидандир.

### **3. Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг босқичлари.**

Қарор қабул жараёнида давлат томонидан қўлланиладиган технологиялар мазкур жараённинг аниқ босқичлари билан боғлиқ. Бу жараёнда бошқарув фаолияти учун муҳим ҳаракатлар амалга оширилади, турли манфаатлар мувофиқлаштирилади, бошқарувчиларнинг муайян хатти-ҳаракатларига рухсат берилади, давлат бошқарувида қўлланиладиган техника ва тадбирлар кетма-кетлиги белгиланади.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» номли асарида қарор қабул қилиш жараёнининг босқичлари қуйидагича шарҳланган: «Барча сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос асаб толалари бўлган сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш жараёни бир қанча бўғинларни ўз ичига олади. Биринчи ана шундай бўғин сифатида сиёсий қарорлар қабул қилувчи муассасаларга фуқароларнинг сиёсий манфаатларини тақдим этиш босқичини кўрсатиш мумкин. Бу ерда манфаатларни бир тизимга солувчи турли хил уюшмалар, фуқаролар сиёсий иштирокининг турли шакллари намоён бўлади. Сиёсий жараённинг иккинчи босқичи қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан белгиланади. Сиёсий жараённинг учинчи босқичи қарорларни амалга ошириш ҳисобланади»<sup>12</sup>.

Одатда, қарор қабул қилиш жараёни турли босқичларга ажратилади. Ноаниқликларнинг олдини олиш мақсадида унинг **уч асосий босқичи**: тайёргарлик, мақсадларни белгилаш босқичи ҳамда уларни амалга ошириш босқичлари ажратиб кўрсатилади.

**Тайёргарлик босқичи**да муаммо аниқланади ва тавсифланади. Бунда муаммони ҳал қилиш учун зарур маълумотлар базаси шакллантирилади, ҳал қилиниши зарур муаммолар рўйхати тузилади (кун тартиби белгиланади), улар орасидан энг муҳим муаммолар ажратиб олинади ҳамда муаммони ҳал қилишда эришилган ютуқларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилади.

Мазкур босқичда қўлланиладиган технологиялар қуйидаги схемага мувофиқ амалга оширилади: вазиятни таҳлил қилиш асосида муаммо

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т., Ўзбекистон, 2000, 134-бет.

аниқланади, давлат муаммонинг мавжудлигини тан олганидан сўнг қуйидаги муқобил ҳаракатлардан бири танланади:

- 1) муаммога бетараф муносабатда бўлиш ёки унга нисбатан ўз нуқтаи назарини билдириб, бошқа ҳаракатлардан ўзини тийиш;
- 2) муаммони ҳал қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни атайин орқага суриш;
- 3) муаммони ҳал қилиш бўйича фаол ҳаракат олиб бориш. Агар давлат учинчи йўналишни танласа, қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга оширади:
  - вазиятни чуқур таҳлил қилмай туриб, муаммони ҳал этишга қарор қилади;
  - ихтилофни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ҳамда уни ҳал қилишнинг энг самарали усулларида бирини танлаш мақсадида аниқ ҳаракатлар қилиш орқага сурилади;
  - муаммони ҳал қилишни бошқа бўғинлар (жамоат ташкилотлари)га узатиш ҳамда вазиятни юмшатишнинг тезкор чоралари кўрилади.

Башорат қилиш, режалаштириш ҳамда мақсадни амалга ошириш жараёнининг узлуксизлиги туфайли бошқарув даврасининг доиравий модели юзага келади. Бу модель вазиятни таҳлил қилиш билан айна пайтда "кун тартибини" белгилашни назарда тутди. Давлатнинг таҳлилий тузилмалари томонидан вазиятнинг муаммо сифатида талқин этилиши учун, албатта, ҳуқуқий асос бўлиши керак. Бундан ташқари, вазият барча учун тушунарли талқин қилиниши, ижтимоий ихтилофларнинг сабаблари қайд қилиниши, зарарли оқибатлари аниқланган бўлиши зарур.

Тайёргарлик босқичининг пировард натижалари қуйидагилардан иборат:

- 1) муаммоли вазиятнинг мавжудлиги тан олинади;
- 2) ҳал қилиниши зарур масалаларнинг муҳимлиги нуқтаи назаридан уларнинг иерархияси белгиланади;

3) мавжуд муаммолар аниқ тавсифланади. Қисман тушунилган ҳамда нотўғри тавсифланган муаммолар давлат ва унинг фуқаролари учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

**Мақсадларни белгилаш босқичи**да фаолиятнинг аниқ мақсадларини белгилаш марказий ўрин эгаллайди. Давлат сиёсатининг мақсадини ишлаб чиқишда бошқарув органлари муаммони ҳал қилишнинг турли муқобилларини таҳлил қиладилар ва уларни бир-бирига қиёслайдилар. Натижада, ҳар бир танланган вариант бўйича воқеаларнинг кечиши моделлаштирилади. Бунда камида учта муқобил: максималистик, хавфсиз (бетараф) ва минимал муқобиллар кўриб чиқилади. Бу муқобилларнинг ҳар бири ўзининг “юқори” ва “қуйи” чегараларига эга бўлади. Айнан шу чегараларни аниқлаш мазкур босқичдаги асосий таҳлилий вазифа саналади.

Давлат бошқарувида муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал қилиш вазифаларининг асосий уч тури кузатилади. Шулардан биринчиси - *стандарт вазифалар* бўлиб, давлат вақти-вақти билан бу вазифаларни ҳал қилишга киришади (масалан, коммунал хизматларни қишки мавсумга тайёрлаш, ҳосилни йиғиб олиш ва ҳ.к.). Бунда илгари амалга оширилган шу каби ишлар туфайли тўпланган тажриба, белгиланган муддатлар, қўлланилган одатий воситалар қўл келади. Боз устига, қарорларнинг илгари қўлланилган алгоритмларидан кенг фойдаланилади. Одатда, бу турдаги вазифалар тезда мақсадга айланади.

Иккинчи тур вазифалар - *заиф тузилишга эга вазифалар* бўлиб, уларни ҳал қилиш билан боғлиқ башоратлар у қадар ишончли натижалар бермайди. Ва, ниҳоят, вазифаларнинг учинчи тури - *тузилишга эга бўлмаган вазифалар* (ноанъанавий вазифалар)дир. Бу вазифаларни объектив баҳолаш мезонлари бўлмай, улар мақсад нуқтаи назаридан ҳам, восита нуқтаи назаридан ҳам, уларни амалга ошириш суръатлари ва ресурслари нуқтаи назаридан ҳам тушунарсиз бўлади. Бунда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган таркибий қисмларни аниқ тавсифлаб бўлмайди

ва улар фақат воқеалар ривожига қараб намоён бўлади. Шу боис, бу турдаги вазифаларни ҳал қилиш инсондан ижодий ёндашувни талаб этади. Бунда барчага маълум ёндашувлар ва андозалардан воз кечиш талаб этилади. Натижада, бундай ҳолатлар билан боғлиқ равишда қабул қилинган қарорлар самарадорлиги анча паст бўлади.

Мақсадларни аниқлаш, муваффақият мезонларини ишлаб чиқиш, вазиятга миқдор ва сифат жиҳатидан тавсиф бера олиш имконини яратадиган таҳлилий услубларни қўллаш ноанъанавий вазифаларни бажаришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бунда заиф муқобил вариантларни таҳлилдан чиқариб ташлаш, томонларнинг манфаатларига монанд (уларнинг манфаатига тўла мос келмаса-да) ҳаракат вариантларини таклиф этиш мумкин.

Мақсадларни белгилаш босқичида:

- 1) турли моделларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда ҳаракатларнинг энг мақбул модели танланади;
- 2) танланган модель асосида пировард мақсадлар белгиланади;
- 3) воқеа-ҳодисанинг кечишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар аниқланади;
- 4) амалга ошириладиган ишлардан кутилаётган самара баҳоланади.

Бунда давлат органлари пировард натижага қараб ҳаракат қилишлари, шу боис ўз олдларига нафақат мақбул мақсадларни, балки эришиш мумкин бўлган мақсадларни қўйишлари, амалга ошириш мумкин бўлган дастурларга таянишлари зарур. қарор қабул қилувчи кишилар ҳаёлий тасаввурлардан воз кечишга, мавжуд ҳолатни ҳисобга олишга, чекланган ресурсларни оқилона сарфлашга, кутилмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши мумкинлигини назарда тутишга мажбурдирлар. Қарор қабул қилиш жараёнида пайдо бўладиган қўшимча муаммо ва зиддиятларни бартараф этиш - мақсадни белгилашнинг асосий мезони ҳисобланади. Бошқарувчилар шундай ҳаракат қилишлари лозимки, бирор соҳада қабул қилинган муваффақиятли қарор натижасида бошқа

соҳаларда зиддиятлар келиб чиқмаслиги ҳамда давлатнинг зиммасидаги муаммолар юки ортиб кетмаслиги зарур.

Бундай мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан қарор қабул қилиш жараёнида қўлланилган услубларга боғлиқ бўлади. Давлат бошқарувида қўлланиладиган услублар ранг-баранг бўлиб, улар ўз ичига интуитив методлардан тортиб, математик моделлар асосида қўлланиладиган расмий-рационал методларгача қамраб олади. Бу услубларни танлаш ва улардан фойдаланиш қарор қабул қилувчи кишиларга, вазиятга, стратегик йўналишга ва бошқа қатор омилларга боғлиқ бўлади. Умуман, қарор қабул қилиш жараёнида фойдаланиладиган услубларни қуйидаги олти туркумга ажратиш мумкин:

- 1) ҳиссий билишга асосланган, субъектнинг ҳиссий ва тахминий тасаввурларини ўзида акс эттирадиган услублар;
- 2) субъект томонидан илгари содир бўлган ўхшаш ҳодисаларда фойдаланилган услубларни механик қўллашни назарда тутадиган прецедент услублар;
- 3) вазиятни баҳолашда объектив фикрлаш усулларига асосланган математик, рационал, илмий услублар. Бунда "ҳаражат ва фойда", "ҳаражат ва фаолият", "илгарилаб бораётган тадқиқотлар", "бозорни ва кайфиятларни ўрганиш" каби услублар ҳақида гапириш мумкин;
- 4) вазиятнинг фундаментал жиҳатларига дахл қилмайдиган, уни сезиларли даражада ўзгартирмайдиган инкрементал услублар;
- 5) аниқ муаммоли вазиятни эмпирик тадқиқ этишда ижтимоий таҳлилнинг умумназарий ёндашувларини қўллашни назарда тутадиган аралаш услублар;
- 6) муаммоли вазиятни сунъий моделлаштиришни назарда тутадиган тажрибавий услублар.

Қуйидаги омиллар давлатнинг тўғри мақсадлар тизимини яратиш имконини камайтиради: мавжуд вазият ҳақида тўла ва ишончли ахборот танқислиги; қарор қабул қилувчи шахснинг қадриятлари, руҳияти ва



бошқа субъектив хусусиятлари; вазият билан боғлиқ шарт-шароит (қарор қабул қилиш учун вақт ва ресурсларнинг етишмаслиги, аҳволнинг яхши ўрганилмаганлиги, вазиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларнинг аниқланмаганлиги); ташкилий шарт-шароит (маъмурий қоидаларнинг камлиги, ташкилий тузилмаларнинг қарор қабул қилишга тайёр эмаслиги, аппаратнинг қўйилган мақсадларга нисбатан расмий-бюрократик муносабатда бўлиши ва ҳ. к.)

Қабул қилинган қарор - мақсадга эришиш йўлидаги имконият, холос. Шу боис, мақсадни аниқлаш учинчи босқичга – **мақсадни амалга ошириш босқичига** ўтиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу босқичнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу жараёнга бошқарилувчиларни жалб қилиш эвазига бошқарув давраси иштирокчиларининг сафи кенгаяди. Бунда қарор қабул қилган шахслар эмас, балки фуқаролар ва кўп сонли тузилмалар мазкур қарорларни амалга оширадилар (шу жумладан, мазкур қарорларга қарши бўлган кишиларга ҳам у ёки бу вазифани бажариш юклатилади).

Бу босқичда қўлланиладиган бошқарув технологиялари қуйидаги тамойилларга асосланади: директивлик (қарорларни буйруқ-тавсия шаклида етказиш); манзиллилик (яъни, аниқ гуруҳлар, тузилмалар, ташкилотларга мурожаат қилиш ва уларнинг зиммасига шунга мос масъулият юклаш); қонунийлик; қарорларни амалга оширишнинг захира тизимининг мавжудлиги; қарорларнинг амалга оширилишини назорат қилишнинг тартибга солинганлиги; талабларнинг бир-бирига зид эмаслиги; мақсадларнинг амалга оширилиши ҳақида узлуксиз ахборотнинг етказилиши ва ҳ.к.

Давлат олдида турган вазифаларнинг хилма-хиллиги мақсадларни амалга ошириш босқичини яна икки босқичга бўлишни тақозо этади. Бу босқичлар ўзига хос алоҳида технологиялар қўллашни назарда тутаяди. Булардан биринчиси - мақсадларни амалга оширишга тайёргарлик босқичидир. Бу босқич ҳаракатлар режасини таҳлил қилишни,

мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни излаб топишни ҳамда бошқа бир қатор тадбирларни ўз ичига қамраб олади. Иккинчи босқич - мақсадларни амалга оширишни тезкор бошқариш босқичидир. Бу босқич субъектларнинг мотивациясини, "иккинчи даражали" қарор қабул қилишни, ушбу жараёни йўналтириб туришни, ресурслардан қандай фойдаланилаётганлигини кузатишни ва мансабдорларнинг фаолиятини назорат қилишни назарда тутди.

Асосийси, қарорларнинг амалга оширилиши (кўзланган режаларнинг ўз вақтида бажарилиши) учун бошқарув марказини иложи борича жойларга яқинлаштириш, бошқарув тизимини номарказлаштириш ва шу билан бирга қуйи тузилмаларнинг мустақил ҳаракат қилишларини таъминлаш зарур.

#### **4-мавзу. Сиёсий жараёни ва сайлов компаниясининг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг сиёсий менежментда тутган ўрни.**

##### **Режа**

- 1. Замонавий жамиятларда сиёсий бошқарувнинг ўрни ва роли.*
- 2. "Сиёсий элита" тушунчасининг мазмун-моҳияти. Сиёсий элитанинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар.*
- 3. Сиёсий етакчилик. Роллар орқали бошқариш.*

#### **1. Сиёсий бошқарув: моҳияти, мақсад ва вазифалари.**

Бошқарув бизни қуршаб турган дунёга хос универсал ва зарурий хусусият ҳисобланади. Кенг маънодаги бошқарувни турли муносабатларда кузатиш мумкин. Инсоннинг иродасига бо<sup>1</sup>/<sub>4</sub>лик равишда физик жараёнлар (ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш), техник тизимлар (темир йўл транспорти ҳаракати), жамоа фаолияти (сиёсий партия фаолияти), алоҳида кишилар хатти-ҳаракати бошқарилиши мумкин.

Бошқарув - заруратдир. Бошқарувсиз кишилар фаолиятини мақсад сари йўналтириш, тегишли соҳаларни ривожлантириш мумкин бўлмайди. Бошқарув бўлмаган жойда тартибсизлик, бошбошдоқлик юзага келади.

Бошқарув - серқирра жараён. Оилани бошқариш техник тизимлар (транспорт, алоқа)ни бошқариш жараёнларидан тубдан фарқ қилади. Давлатни бошқариш билан ҳудудларни бошқаришни айнан бир нарса деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Сиёсий партияни бошқариш услублари диний ташкилотларни бошқариш услубларидан жиддий фарқ қилиши табиий. Турли соҳаларни бошқариш масалаларига чуқур тўхталмай, сиёсат соҳасидаги бошқарувга тўхталамиз.

Бошқарув – жамият сиёсий ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Бошқарув жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва социал жараёнларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ кенг миқёсли вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Сиёсатдаги бошқарув муносабатлари ниҳоятда серқирра.

Сиёсий бошқарув – сиёсатдаги бошқарув муносабатларини ўзида ифода этади ҳамда сиёсий соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Давлат арбоби ёхуд сиёсий арбобнинг нуфузи ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, давлат идораси ёки сиёсий партия фаолияти учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, омма онгида муайян сиёсий кучнинг жозибали қиёфасини қарор топтириш, аҳолининг электорал майлларини шакллантириш, сиёсий низолар юзага келганида рақибларга таъсир кўрсатиш ва ҳоказо муаммолар шулар жумласидандир. Юқорида зикр этилган муаммоларнинг муҳимлиги шубҳасиз. Чунки мамлакатни самарали бошқариш учун раҳбарлар фуқаролар ҳурматини қозониши, сайловларда ғалаба қозониш учун сиёсий кучлар сайловчиларнинг хайрихоҳлигига эришиши, низоли вазиятдан тезда чиқиш учун рақибларга таъсир кўрсатиш талаб этилади.

Юқорида санаб ўтилган сиёсий вазифаларни бошқарувнинг анъанавий усуллари ёрдамида ҳал қилиш мумкин эмас. Хусусан, ижро

учун мажбурий қарорлар қабул қилиш, муайян меъёр, қоида ва қонунлар ишлаб чиқиш йўли билан юқорида зикр этилган масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Сиёсий бошқарувнинг ўзига хос хусусияти ҳам шунда намоён бўлади – бошқарув субъекти белгиланган мақсадга эришиш йўлида ўз ваколатлари, мақоми, мажбурлаш ҳуқуқидан фойдаланмайди, қонун ва бошқа умуммажбурий меъёрлар яратмайди. Сиёсий бошқарувда субъект<sup>13</sup> ўз манфаатларини қондириш ва мақсадларига эришиш йўлида инсонларнинг қарашлари ва феъл-атворида ўзгаришлар ясашга йўналтирилган ўзига хос усул ва воситалардан фойдаланади.

Бошқарув муносабатларининг бу тури сиёсий амалиётда кўпдан бери мавжуд. Айтиш мумкинки, сиёсат қанчалик қўхна бўлса, сиёсий бошқарув ҳам шу қадар қадим тарихга эга. <sup>2</sup>ар қандай давлат ҳукмдори ўз нуфузини ошириш ҳақида доимо қай<sup>1</sup>/<sub>4</sub>урган, маслаҳатчилари эса унга бу вазифани амалга оширишда кўмаклашган. Давлат ишларини ҳал қилишда мураккаб, чигал вазиятлар юзага келганида узоқни ўйлайдиган сиёсатчилар куч билан эмас, яхши гап билан муаммони ҳал қилишни, оммани мажбурлаб эмас, балки ўз <sup>1</sup>/<sub>4</sub>ояларига мафтун этиб йўналтиришни афзал кўрган.

Бироқ XX асрнинг ўрталарига қадар сиёсий бошқарув фақат амалиёт сифатида мавжуд бўлган. Сиёсий бошқарув фанга айланиши учун эса илмий билим тизимида чуқур ўзгаришлар юз бериши талаб этилар эди. Социология, психология, сиёсий фан, бошқарув ҳақидаги фанларнинг ривожланиши туфайли сиёсий бошқарув илмий билим объектига айланди. Сиёсий бошқарув фани сиёсий арбобнинг имижини яратиш, электорал майлларни шакллантириш, сиёсий ташкилот учун мақбул ахборот муҳитини яратиш, хуллас, турли сиёсий мақсадларга эришиш имконини берадиган билимларни манфаатдор кишиларга етказадиган фанга айланди.

Жамият ҳаётида сиёсий бошқарувнинг тутган ўрни ва ролини тушуниш учун унинг кўринишларини ажратиш мақсадга мувофиқ. Сиёсий

---

<sup>13</sup> Сиёсий бошқарув субъекти – сиёсатда бошқаруларга ёз таъсирини, иродасини ётказувчи тараф, сиёсий бошқарув объекти – шу таъсирга берилувчи, иродага бўйсинувчи тараф.

бошқарувнинг биринчи кўриниши – субстанционал<sup>14</sup> шаклдир. Сиёсий бошқарувнинг субстанционал кўриниши объектив равишда амал қиладиган ижтимоий механизм ва жараёнларни ўзида ифода этади. Субстанционал бошқарув ёрдамида сиёсий тизимнинг яхлитлиги таъминланади, унга хос сифат кўрсаткичлари сақланади, унинг таракқиёти таъминланади. Сиёсий тизим доирасида кечадиган сиёсий ижтимоийлашув, институтлашув, легитимлашув каби жараёнлар ана шу жараён-механизмларга мисол бўла олади. Амалиётда субстанционал бошқарув инсонларнинг жамиятда қабул қилинган меъёр ва қоидаларга бўйсунуши, маданий кадриятларга монанд иш тутишда намоён бўлади.

Бошқарувнинг реляцион<sup>15</sup> кўриниши сиёсатдаги “субъект-объект” муносабатларини қамраб олади, бунда бошқараётганлар (бошқарув субъектлари) ва бошқарилаётганлар (бошқарув объектлари), яъни бошқарув қарорларини ижро этувчилар аниқ ажратилади. Шунингдек, сиёсий бошқарув уни амалга ошираётган кишиларнинг онгли фаолиятига, мақсадларига, бошқаларга таъсир қилиш имкониятларига, демакки, бошқарув жараёнида банд бўлганларнинг индивидуал хусусиятларига боʻлиқ бўлиши назарда тутилади.

Сиёсий бошқарувда субъект-объект муносабатлари уч кўринишда намоён бўлади. Булардан биринчиси - давлатнинг мансабдор шахслари ва давлат идоралари (бошқарув субъектлари) билан аҳоли ва унинг гуруҳлари (бошқарув объектлари) ўртасидаги муносабатлардир. Бошқарувнинг бу тури, одатда, давлат бошқаруви деб номланади, чунки бунда давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар бошқарув субъекти ҳисобланади. Бундай бошқарув давлатнинг маъмурий бошқарувини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бошқарувнинг бу тури, шунингдек, ижроия ҳокимияти органлари (ҳукумат, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат муассасалари) томонидан амалга ошириладиган бошқарув фаолиятини қамраб олади.

---

<sup>14</sup> Субстанция – бошланʼич асос.

<sup>15</sup> Реляцион - французча “relation” тушунчасидан олинган бўлиб, объект ва субъект ўртасидаги муносабатларни назарда тутилади.

Давлат бошқарувининг асосий хусусияти шундан иборатки, унга “легитим куч ишлатиш” ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти берилади. Бундан ташқари, бошқарув субъекти сиёсий қарорларни ҳаётга жорий этишда ўз ваколатлари, мақоми билан боʻлиқ ресурслардан фойдаланиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, замонавий жамиятда давлат бошқаруви, асосан, меъёрий тартибга солиш орқали, яъни тегишли идоралар томонидан қонун, қарор, фармон, фармойиш ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

Сиёсий бошқарувдаги субъект-объект муносабатларининг иккинчи кўриниши давлат идоралари, сиёсий ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улар ичида шаклланадиган бошқарув муносабатларини қамраб олади. Бундай бошқарув муносабатлари алоҳида ташкилотлар (давлат муассасалари, сиёсий партиялар ва ҳоказо) доирасидан ташқарига чиқмайди. Бу турдаги муносабатлар бошқарув субъектига ўз мақоми билан боʻлиқ ресурсларга таяниш, ташкилот аъзолари учун мажбурий меъёрлар ишлаб чиқиш ва бу меъёрларни бузганларга нисбатан жазо чоралари қўллаш ҳуқуқини беради.

Сиёсий бошқарувдаги субъект-объект муносабатларининг яна бир кўриниши бошқарув субъекти (сиёсий ташкилот, таъсир гуруҳлари, давлат арбоби) ўз мақсадига эришишда “легитим куч ишлатиш” ҳуқуқига, ўз мақоми билан боʻлиқ ресурсларга таяна олмаслиги, барча учун умуммажбурий қонун ёки фармон қабул қила олмаслиги оқибатида бошқарув объектига таъсир кўрсатишнинг бошқа усул ва воситаларини қўллашга мажбур бўлганида юзага келадиган муносабатларни қамраб олади.

Сиёсий бошқарув доирасида қандай сиёсий мақсадларга эришиш, қандай вазифаларни ҳал қилиш мумкин? Бу саволга жавоб топиш бу фаннинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш имконини беради. Сиёсий бошқарув қуйидагиларга хизмат қилади:

1. Давлат арбоби ёки сиёсий арбобнинг нуфузини, обрў-эътиборини мустаҳкамлаш. Сиёсатчи учун обрў-эътиборга эга бўлиш – аҳоли назарида аҳамиятли бўлиш, кенг омманинг ишончи ва қўллаб-қувватлашига эришиш, сиёсатда муваффақият қозониш, турли сиёсий вазифаларни ҳал қилиш имкониятидир. Шунинг учун ҳар қандай давлатда унинг раҳбари нуфузини оширишга қаратилган ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилади. Сайлов орқали бошқарув ваколатларига эга бўладиган сиёсатчилар, айниқса, аҳолининг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади, шунинг учун юқорида зикр этилган вазифа улар учун муҳим аҳамият касб этади.
2. Давлат идораси, сиёсий партия, жамоат ташкилоти фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, омма онгида уларнинг жозибали кифоасини шакллантириш. <sup>2</sup>ар қандай давлат идораси фуқаролар назарида давлат бошқарувининг билимдон идораси сифатида танилишдан манфаатдор бўлади. Шундагина унинг бошқарув қарорлари жамият томонидан ижро этилиши талаб қилинадиган муҳим қарорлар сифатида идрок этилади. Ўткир рақобатли сиёсий курашда  $\frac{1}{4}$ олиб чиқиш учун ҳар бир сиёсий ташкилот сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига муҳтожлик сезади. Бироқ бунга эришиш учун омма бу ташкилотда ўз манфаатларининг ҳимоячисини кўриши, унга ишониши даркор. Шунинг учун ҳам юқорида зикр этилган вазифани бажармасдан туриб, сиёсий муваффақиятга умид бо $\frac{1}{4}$ лаш мумкин эмас.
3. Муайян давлат дастури, сиёсий дастур ёки сиёсий лойиҳа тарафдорлари сонини кўпайтириш. Жамият ҳаётини ислоҳ қилиш давомида бошқарув қарорларини амалиётга жорий этишда қийинчиликлар пайдо бўлаётганини тан олиш лозим. Бунинг асосий сабабларидан бири – омманинг янги дастур ва лойиҳаларга гумон билан қараши, уларни тушунмаслиги оқибатида қабул қила олмаслиги билан бо $\frac{1}{4}$ лиқдир. Демак, демократик ўзгаришларни амалга

оширишда бу янгиланишларнинг кишилар томонидан қандай қабул қилинаётганини ўрганиш, кишиларнинг истакларига таъсир кўрсатиш, уларнинг кайфиятлари ва кадриятларида ўзгаришлар яшаш талаб этилади. Бундай заруратни англаш мазкур вазифани сиёсат субъектлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айлантиради.

4. Аҳолининг электорал <sup>16</sup> майлларини шакллантириш. Давлат органларига сайловлар – демократиянинг ажралмас белгисидир. Деярли барча сиёсий кучлар, партиялар бу вазифанинг улкан аҳамиятини англаб етган. Шафқатсиз рақобат уларни сайловчиларнинг овозлари учун кураш технологияларини доимий равишда такомиллаштириб боришга ундайди.
5. Сиёсий иттифоқлар, блоклар тузиш. Келишув ва ҳамкорлик сиёсати сиёсат субъектларига мураккаб вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Бироқ ҳар бир сиёсий иттифоқ мураккаб ва синчковлик билан амалга оширилган фаолият натижасида ўз шерикларига таъсир кўрсатиб, муайян натижага эришади. Бундай фаолият куч ишлатишни инкор этади, ўз иттифоқдошларига заргарона таъсир кўрсатиш, усталлик билан ҳаракат қилиш негизига қурилади.
6. Сиёсий низолар шароитида рақиб ва оппонентларга таъсир кўрсатиш. Сиёсий низо тарафларнинг мурасасизлиги, тажовузкорлиги ва умумий қоидаларга амал қилишни истамаслиги билан характерланади. Сиёсий ихтилофлар жамиятда беқарорлик келтириб чиқаради, жамият аъзолари ўртасида низо уру<sup>1/4</sup>ларини сочади, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини фалажлантиради. Шунинг учун ҳам сиёсий низоларни ҳал қилиш йўлларини излаш муҳимдир. Куч ишлатиш йўли билан низони бартараф этиб бўлмайди. Бунда ихтилофли вазиятларни тартибга солишнинг алоҳида технологияларини қўллаш талаб этилади.

---

<sup>16</sup> Электорал – сайлов билан бо'ли<sup>о</sup>.



7. Давлат қарорларини қабул қиладиган шахсларга таъсир кўрсатиш. Замонавий жамиятлар ҳаддан ташқари табақалашган, уларда турли ижтимоий гуруҳлар мавжуд, бу гуруҳлар ўз навбатида, ўз манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилишга интилади. Гуруҳий манфаатларни ҳимоя қилиш усулларида бири давлат идоралари ва мансабдор шахсларга таъсир кўрсатиш, босим ўтказиш билан бо<sup>1</sup>/<sub>4</sub>лик. Бундай таъсирнинг шакл ва услублари хилма-хил, улар доимий равишда такомиллашиб боради.

8. Сиёсий қўллаб-қувватлаш учун оммани сафарбар этиш. Аниқ сиёсий вазифаларни ҳал қилишда сиёсат субъектлари халққа, унинг манфаат-эҳтиёжларига таянишини намойиш қилиши лозим. <sup>2</sup>укмрон кучлар ҳам, муҳолифатдаги кучлар ҳам улар юритаётган сиёсатга кишиларнинг ишончи даражаси юқори эканини кўрсатишга интиладилар. Демократик жамиятда инсонларни бирор <sup>1</sup>/<sub>4</sub>ояни қўллаб-қувватлашга мажбурлаш мумкин эмас, бироқ уларни ишонтириш орқали бунга ундаш мумкин. Шунинг учун ҳам бу вазифа сиёсий бошқарувга тааллуқли саналади.

Сиёсий муносабатлар майдонида амал қилаётган турли субъектлар учун юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг муҳимлиги шубҳасиз. Замонавий жамиятда бу вазифалардан жилакурса бир қисмини ҳал қилмасдан туриб, муҳим сиёсий натижаларга эришиш мураккаб. Эътиборлиси шундаки, бошқарув субъекти бу вазифаларни ҳал қилишда ўз ваколатларидан фойдалана олмайди, қонун ёки фармон қабул қилиш йўли билан бу муаммони ҳал қила олмайди, кучни қўллай олмайди. Зеро, таъсир объекти бошқарув субъектига бевосита бўйсунмайди.

Шундай қилиб, сиёсий бошқарув давлат бошқарувидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

**Биринчидан**, сиёсий бошқарувда бошқарув субъекти кучга таяниш, жазо чораларини қўллаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, демакки, шахснинг истакларига таъсир кўрсатишнинг бошқа шаклларида фойдаланади.

**Иккинчидан**, сиёсий бошқарувда бошқарув субъекти барча учун умуммажбурий меъёрлар яратиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлади, шунинг учун инсон руҳияти ҳақидаги билимларга таянган ҳолда таъсир кўрсатишга мажбур бўлади.

**Учинчидан**, сиёсий бошқарув доирасида ўзига хос вазифалар ҳал қилинади. Бу вазифаларнинг ҳал қилиниши сиёсат субъектларига сиёсий майдонда ўз позициясини мустаҳкамлашга, рақобатли курашда  $\frac{1}{4}$ алаба қозонишга, оммага таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Жамиятда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга, ўз режалари, сиёсий дастур ва лойиҳаларини амалга оширишга интилаётган сиёсат субъектлари учун бу вазифалар ниҳоятда муҳим саналади. Бироқ аҳолининг бу вазифаларга муносабати бирдай яхши бўлмайди, чунки бу вазифалар ортида айрим ҳолларда шахсий иззат-нафс, гуруҳий манфаатлар,  $\frac{1}{4}$ аразли мақсадлар яширинган бўлади. Бундай шароитда бу вазифалар ошкор этилмайди. Ахир, бирор сиёсий кучнинг нуфузини ошириш ёки сиёсий иттифоқчиларга таъсир кўрсатиш каби мақсадларни очикдан-очик эълон қилинишини тасаввур этиш қийин.

**Тўртинчидан**, сиёсий бошқарув доирасида бошқарув вазифаларини ҳал қилишнинг алоҳида усул ва воситалари шаклланади. Бу усулларнинг йи $\frac{1}{4}$ индисини сиёсий технологиялар деб номлаш қабул қилинган.

Демак, **сиёсий бошқарув** инсонлар руҳияти, онги ва қалбига моҳирона таъсир кўрсатишнинг шундай усулларини ўз ичига оладики, бундай таъсир кишиларни сиёсат субъектининг манфаатига мос равишда ҳаракат қилишга ундайди, айти пайтда уларда ўз танловининг эркинлигига, ҳаракатларининг табиийлигига ишонч ту $\frac{1}{4}$ диради. Бу усуллар ёрдамида омма онгига янги тасаввурлар, қадриятлар, кўрсатмалар,  $\frac{1}{4}$ оялар, маслаклар сингдирилади.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий бошқарув жамият олдида қатор ахлоқий муаммоларни ҳам кўндаланг қилади. Шахсий, гуруҳий ва ижтимоий манфаатларнинг мос келмаслиги, сиёсий макондаги кескин рақобат, сиёсат

субъектларининг ¼оаявий қарашлари ва кадриятларидаги фарқлар ҳамда ўз муаммоларини ҳар қандай усуллар билан ҳал қилиш истаги бу муаммоларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, сиёсий бошқарув – сиёсатдаги бошқарувнинг алоҳида тури бўлиб, муайян сиёсий мақсадга эришишга йўналтирилади ҳамда умуммажбурий меъёрлар ишлаб чиқиш ва легитим кучга таяниш имконияти бўлмаган муҳитда муаммоларни ҳал қилишнинг алоҳида усул ва воситаларини, турли сиёсий технологияларни қўллашни назарда тутди.

Сиёсий бошқарув узок тарихга эга. Деярли барча жамиятларда ҳукмдорлар нуфузини ошириш, аҳолининг кенг қатламларига ўз таъсирини кенгайтириш муаммолари долзарб бўлган, турли гуруҳлар ҳукмрон доираларга самарали таъсир кўрсатиш йўллари излаганлар. Бироқ ҳозирги кунда сиёсий бошқарув анча кенг қўлам касб этди. Бундай ҳолат XIX-XXI асрларда авж олган қатор муҳим жараёнлар билан бо¼алиқ.

Сиёсий бошқарув ролининг ўсишига сабаб бўлган жараёнлардан бири – жамият сиёсий ҳаётида омма ролининг ўзгариши билан бо¼алиқ. Бу жараённи испан файласуфи Х.Ортега-и-Гассет ёрқин ва жонли ифодалаган. Унингча, айнан XIX асрда кенг омма тарих сахнасига чиқди. Илгари кенг омманинг суствлиги, халқнинг сиёсий ҳокимият муаммоларига аралашмаслиги сабабли барча муаммолар жамиятдаги озчиликни ташкил этган оқсуяклар томонидан ҳал қилинган бўлса, эндиликда омма ўша озчиликка итоат қилмай, бошқарув ваколатларини қўлга олмоқда. Жамият сиёсий ҳаётида омма ролининг ўсиши оқибатида аҳолининг кенг қатламларига босим кўрсатиш усуллари ўрнига таъсир кўрсатишнинг янги воситаларини ахтариш зарурати ту¼илди.

Сиёсий бошқарувнинг аҳамиятини кучайтирган яна бир жараён – омма онгининг эркинлашуви ва демократлашуви билан бо¼алиқ. Охириги икки аср давомида одамлар онгида демократия ва либерал мафкура кадриятлари қарор топганини кузатиш мумкин. Инсонларга шахс эркинлиги, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, барчанинг қонун олдида

тенглиги, сиёсий плюрализм ва халқ ҳокимияти ¼оялари яқин бўла боргани сари инсонлар ҳар қандай шаклдаги зўравонликка қаршилик кўрсата бошладилар. Бундай шароитда эркин ва ҳақ-ҳуқуқини танийдиган инсонни бошқариш алоҳида маҳорат талаб эта бошлади.

Сиёсий бошқарувнинг ривожланишига туртки бўлган яна бир жараён жамиятнинг демократлашуви билан бо¼лиқ. Бу жараён ҳокимиятлар бўлиниши, асосий давлат идораларининг сайлов йўли билан шакллантирилиши, барчанинг қонун олдидаги тенглиги, инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларидан устунлиги, кўппартиявийлик тамойилларининг мустаҳкамланишида ўз ифодасини топди. ўз хатти-ҳаракатларида қонун билан чегараланган мансабдор шахслар ва сиёсий арбоблар ўз нуфузи ва таъсирини ошириш учун сиёсий бошқарув назарияси ва амалиётига мурожаат қилишлари ҳам эҳтиёж, ҳам заруратга айланди.

Гарчи сайловлар демократлаштириш жараёнининг узлуксиз қисми бўлса-да, лекин уни алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиз. Зеро, умумий сайлов ҳуқуқининг жорий этилиши ҳам сиёсий бошқарувнинг ривожига туртки бўлди. Маълумки, сиёсий бошқарув фани доирасида сайлов кампанияларини уюштириш йўллари ҳақида ҳам билим берилади. Айнан сайловолди кураш давомида оммага таъсир кўрсатиш технологиялари яратилган ва тажрибада синалган. Шу боисдан, сайлов кампанияларини ташкил этиш ва бошқариш муаммолари сиёсий бошқарувнинг энг муҳим масалаларидан бири саналади.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партия ва жамоат ташкилотлари, манфаат гуруҳларининг сиёсий майдонда фаол роль ўйнаётган мустақил субъектларга айлангани ҳам сиёсий бошқарувнинг аҳамиятини янада оширди. Шунингдек, электрон оммавий мулоқот воситаларининг ривожланиши, радио, телевидение ва интернет пайдо бўлиши билан оммага ахборот орқали таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгайди. Бу ахборот воситалари нафақат одамларга ахборот улашиш вазифасини

бажаради, балки бу ахборотни хиссий идрок этишга ҳам кучли таъсир кўрсатади, оммавий кайфиятларни шакллантиради. Сиёсий бошқарувда сиёсий феъл-атворга таъсир кўрсатиш учун қўлланиладиган кўпгина усуллар шу ахборот воситаларидан самарали фойдаланишни назарда тутди, айнан шу воситалар орқали узатилаётган ахборотнинг ишонтирувчи таъсири ва кучини бир неча баробар кучайтириш имконини берди.

Шундай қилиб, XX аср охири – XXI аср бошларида инсоният тарихида содир бўлган жиддий ўзгаришлар сиёсий мақсадларга эришиш усулларини жиддий таҳрир қилишни талаб этмоқда. Бир томондан, жамиятни самарали бошқариш зарурати мавжуд бўлса, иккинчи томондан турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларини келиштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай вазиятда турли сиёсий кучлар томонидан сиёсий бошқарувга қизиқишнинг ортиши табиийдир.

## **2. “Сиёсий элита” тушунчасининг мазмун-моҳияти. Сиёсий элитанинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар.**

Сиёсатнинг турли субъектлари сиёсий бошқарувга турлича таъсир қиладилар. Алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар одатда сиёсий ҳаётда бевосита ҳар куни, доимий равишда иштирок этмайдилар. Бу нарса билан сиёсий элита деб аталувчи кишиларнинг алоҳида қатлами шуғулланади.

«Элита» сўзи лотинча «eligere» (танламоқ) ва французча «elite» (танланган) сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «энг яхши», «аъло», «сараланган», «танланган» деган маъноларни англатади. Кундалик ҳаётда бу сўз икки маънода қўлланилади. Биринчи маънода бу атама энг юқори сифат кўрсаткичларга эга, ўзининг ёрқин хусусиятлари билан ажралиб турадиган нарсаларга нисбатан қўлланилади. Бу маънода «элита» атамаси «элитар навли буғдой», «отнинг элитар зоти», «элитар спорт тури» каби сўз бирикмаларида ишлатилади. Иккинчи маънода «элита» тушунчаси

жамиятнинг озчилигидан иборат ва алоҳида сифатлари туфайли жамиятни бошқаришда бевосита иштирок этувчи гуруҳга нисбатан ишлатилади. Сиёсий элита жамиятнинг ҳукмрон қисми, бошқарувчи табақа сифатида шарҳланади.

Сиёсатшунослик фанида «элита» атамаси асосан иккинчи маънода қўлланилади ҳамда сиёсий бошқарувчилик вазифаларининг ижрочиларини ифодалайди. Бу жиҳатдан, сиёсий элита - жамиятнинг озчилигидан иборат, нисбатан мустақил, муайян имтиёзларга эга гуруҳ бўлиб, у ёки бу даражада ноёб психологик ва сиёсий сифатларга, қобилиятларга эга бўлади ҳамда давлат ҳокимиятидан фойдаланиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишда бевосита иштирок этади.

Элитар назарияларда жамиятдаги тенглик инкор этилади, инсонларнинг давлатга таъсири бир хил эмаслиги, ҳокимиятнинг бир текис тақсимланмаганлиги, сиёсий ҳаёт рақобат асосига қурилганлиги уқтирилади.

«Элита» атамаси сиёсатшунослик фанида XX асрнинг бошларида Сорель ва Поретоларнинг асарлари туфайли кенг тарқалди. Лекин таъкидлаш жоизки, сиёсий элиталар ҳақидаги дастлабки ғоялар Францияда пайдо бўлмаган. Қадим замонлардан бошлаб, яъни уруғчилик тузумининг емирилиши давридаёқ жамиятнинг юқори ва қуйи табақаларга, олижаноблар ва авом халққа, аристократлар ва оддий кишиларга бўлинганини уқтирувчи қарашлар пайдо бўлган. Конфуций, Платон, Макиавелли, Карлейль, Ницшеларнинг асарларида бу ғоялар мантиқий асослаб берилди ва ривожлантирилди. Бироқ бу каби элитар назариялар жиддий илмий таҳлилга муҳтож эди. Элиталар ҳақидаги ана шундай замонавий, мумтоз назариялар XIX аср охири - XX аср бошларида пайдо бўлди. Уларнинг вужудга келиши Гаэтано Моска, Вильфредо Парето ва Роберт Михельсларнинг номлари билан боғлиқ.

Буюк италян социологи, сиёсатшуноси профессор Гаэтано Моска (1858 - 1941) ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий мақоми ва роли жиҳатидан

тенг бўлмаган икки гуруҳга бўлиниши муқаррарлигини исботлаб беришга ҳаракат қилган. У ўзининг 1896 йилда ёзган «Сиёсатшунослик фани асослари» китобида ёзган эди: «Ҳар бир жамиятда - ўртача ривожланган ва эндигина цивилизация куртаклари очилган жамиятдан тортиб, то кучли ва маърифатли жамиятларгача икки синф мавжуддир: бошқарувчилар синфи ва бошқарилувлар синфи. Биринчиси доимо оз сонли бўлиб, барча сиёсий вазибаларни бажаради, ҳокимиятни ўз қўлида тўплайди ва берилган имтиёزلардан фойдаланади. Иккинчи синф эса кўп сонли бўлиб, биринчиси томонидан бошқарилади ва идора қилинади ҳамда унга (биринчисига) сиёсий организмнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий воситаларни етказиб туради»<sup>17</sup>.

Москва сиёсий элитанинг шаклланишини ва унинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилди. Унга кўра, сиёсий элитага мансуб бўлишнинг муҳим мезони - бошқа инсонларни бошқариш қобилияти, яъни ташкилотчилик қобилиятидир. У шунингдек, элита жамиятнинг қолган қисмидан ўзининг моддий, маънавий ва интеллектуал устунликка эгаллиги билан ажралиб туришини таъкидлайди. Унигча, бу табақа бошқаларга нисбатан бошқарувга лаёқатли бўлса ҳам, бироқ унинг барча вақиллари ҳам бу жиҳатдан юқори кўрсаткич ва алоҳида истеъдодга эга бўлмайдилар.

Бошқарувчилар табақасининг бирдамлигини ва уларнинг жамият ҳаётида юқори ўрин тутишини таъкидлаб, Москва уларни сиёсий синф деб атади. Бу синф мунтазам равишда ўзгариб боришга мойил бўлади. Унинг таракқиётида икки йўналишни кузатиш мумкин: аристократик ва демократик. Биринчи йўналиш сиёсий синфнинг ҳуқуқий бўлмаса ҳам амалда мерос сифатида узатиладиган бўлишга интилишида намоён бўлади. Аристократик йўналишнинг устуворлиги бу табақанинг «ёпиқ» бўлиб қолишига, унинг айнашига ва охир-оқибат ижтимоий турғунликка олиб

---

<sup>17</sup> Р.Т.Мухаев. Политология. Учебник для студентов юридических и гуманитарных факультетов. - М.:»ПРИОР», 1997 йил, 163-164-бетлар.

келади. Натижада, жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллашга интилувчи янги ижтимоий кучларнинг кураши фаоллашади.

Иккинчи, демократик йўналиш сиёсий синфнинг бошқаришга қодир ва фаол қуйи табақалар ҳисобига янгиланишида ўз ифодасини топади. Бу янгиланиш элитадаги заифлашувнинг олдини олади, унинг жамиятни самарали бошқаришига туртки бўлади. Аристократик ва демократик йўналишларнинг мувозанати жамият учун ниҳоятда фойдалидир. Чунки айнан шу нарса бир томондан, мамлакатни бошқаришдаги ворисийлик ва барқарорликни таъминласа, иккинчи томондан, сиёсий элитанинг сифат жиҳатидан янгиланишига олиб келади.

Москанинг сиёсий синф назарияси элитар ғояларнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган бўлса-да, сиёсий омилни мутлақлаштириш ва иқтисодга етарли даражада эътибор бермаганлик туфайли танқидга учради. Замонавий плюралистик жамиятлар учун бундай ёндашув унча тўғри келмаса-да, «сиёсий синф» назарияси кўплаб тоталитар давлатларда ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш жоиз. Бу давлатларда иқтисод ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари сиёсатга бўйсундирилди. Москва таърифлаган «сиёсий синф»га ўхшаш табақа - бюрократия номенклатураси пайдо бўлди. Тоталитар давлатларда сиёсий номенклатура таркибига кирган, ҳокимиятга ва бошқарувга яқин бўлганлар «бошқарувчилар синфи» сифатида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ҳукмронликка эга бўлдилар.

Тахминан Москва билан бир вақтда, лекин ундан мустақил равишда Вильфредо Парето (1842 - 1923) ҳам сиёсий элита назариясини ишлаб чиқди. У ҳам Москва каби қуйидаги фикрдан келиб чиқди: «дунёни ҳамма вақт элита деб аталмиш танланган озчилик бошқарган ва бошқаради. Элита таркибига кирганлар ўзларининг психологик (туғма) ва ижтимоий (тарбия ва таълим натижасида орттирилган) алоҳида хусусиятлари билан ажралиб турадилар. Ўзининг «Умумий социологиядан трактат» асарида у қуйидагича ёзади: «Баъзи назариётчиларга ёқиш-ёқмаслигидан қатъи



назар, инсонлар жамияти бир хил эмас ва инсонлар жисмонан, маънан ва ақлий жиҳатдан фарқ қиладилар»<sup>18</sup>. Унингча, муайян соҳадаги фаолияти ўзининг самаралилиги ва юқори кўрсаткичлари билан ажралиб турадиган кишилардан иборат гуруҳ элитани ташкил этади.

В.Парето назариясида элита ҳукмрон ва ҳукмрон бўлмаган - контрэлитага бўлинади. Ҳукмрон элита бошқарувда бевосита ёки билвосита (лекин самарали) иштирок этса, контрэлита элитага хос сифатларга эга инсонлардан таркиб топади, лекин улар ўзининг ижтимоий мақоми ва жамиятдаги қуйи табақалар учун мавжуд турли тўсиқлар туфайли бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

В.Паретонинг таъкидлашича, ички бирдамлик, жипслик, ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун доимо курашиш бошқарувчи элитага хос хусусиятлардир. Жамият тараққиёти, унинг фикрича, икки асосий туридаги элиталар: «тулкилар» (эпчил раҳбарлар бўлиб, улар бошқарувнинг «юмшоқ» усулларида: музокаралар, ён беришлар, хушмуомалалик, хушомадгўйлик ва ишонтириш каби усулларида фойдаланадилар) ва «шерлар» (қаттиққўл ва қатъиятли раҳбарлар бўлиб, асосан кучга таянадилар) нинг вақти-вақти билан алмашинуви натижасида содир бўлади.

Жамиятда содир бўладиган ўзгаришлар туфайли ана шу икки кўринишдаги элиталардан бирининг устунлигига путур етади, деб уқтиради В.Парето. Масалан, «тулкилар»нинг ҳукмронлиги тарихнинг сокин босқичларида самарали бўлса, қатъий ҳаракат ва куч ишлатиш талаб қилинган пайтларда улар яроқсиз бўлиб қоладилар. Чунки уларнинг қатъиятсизлиги жамиятдаги норозиликни кучайтириб юборади. Ана шундай вақтларда жамиятда контрэлита («шеърлар») кучайиб, халқ кучини сафарбар қилган ҳолда ҳукмрон элитани ағдаради ва ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

---

<sup>18</sup> Р.Т.Мухаев. Политология. Учебник для студентов юридических и гуманитарных факультетов. - М.:»ПРИОР», 1997 йил, 167-бет.

Сиёсий элита назариясининг ривожлантирилишига Роберт Михельс (1876 - 1936) ҳам катта ҳисса қўшган. У жамиятнинг элитарлигини келтириб чиқарувчи ижтимоий механизмларни тадқиқ қилди. Элитарлик сабабларини шарҳлашда Р.Михельс Г.Моска билан ҳамфикр бўлса-да, у ташкилотчилик қобилиятларига алоҳида урғу беради. Унинг фикрича, жамият ташкилий тузилмаларининг ўзи элитарликни кучайтиришга, бошқарувчилар табақасининг мартабасини оширишга хизмат қилади. Р.Михельс жамиятнинг тузилиши элитарликни талаб қилиши ва элиталарнинг мавжудлиги қонуният эканлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Жамиятда «олигархиянинг темир қонуни» амал қилиши ҳақидаги фикр ҳам Р.Михельсга тегишлидир. Бу фикрларини у «Сиёсий партиялар. Демократиядаги олигархик йўналишлар ҳақида очерк» (1911 йил) асарида баён этади. «Олигархиянинг темир қонуни»га кўра, жамият тараққиётининг ажралмас белгиси - йирик ташкилотларнинг тузилиши сўзсиз жамият бошқарувининг озчилик қўлида тўпланишига (олигархиялашув) ва элитанинг шаклланишига олиб келади. Чунки бундай йирик ташкилотларни бошқаришда унинг барча аъзолари иштирок эта олмайдилар. Уларнинг фаолияти самарали бўлиши учун вазифаларнинг тақсимланиши ва ихтисослашув талаб қилинади. Бу эса ўз навбатида бошқарувчи ўзак ва аппаратининг ажралиб чиқишига олиб келади. Бу аппарат аста-секин, лекин муқаррар равишда оддий аъзоларнинг назоратидан чиқа бошлайди, улардан бегоналашади ва сиёсатни ўз манфаатларига бўйсундиради, авваламбор ўзининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолиш ҳақида қайғуради. Ташкилотнинг оддий аъзолари эса етарли даражада малакага эга бўлмайдилар, сусткаш бўладилар ва кундалик сиёсий фаолиятга бепарволик билан қарайдилар. Натижада, ҳар қандай, ҳаттоки энг демократик ташкилотни ҳам олигархик, элитар гуруҳ бошқаради. Бундай таъсирчан гуруҳлар ўз имтиёзли мавқеини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлганликлари учун бир-бирлари билан алоқа

ўрнатадилар, мулоқотга киришадилар, жипслашадилар ва халқнинг манфаатларини унута бошлайдилар.

«Олигархиянинг темир қонуни» амал қилишидан келиб чиққан ҳолда Р.Михельс демократиянинг имкониятлари ва социал-демократик партияларнинг демократик табиатига доир пессимистик фикрлар билдирган, уларга ишончсизлик билан қараган эди. Чунки у демократияни кенг халқ оммасининг бошқарувда бевосита иштирок этиши деб билар эди.

Г.Моска, В.Парето ва Р.Михельсларнинг илмий ишларида сиёсий элита категориясига муфассал ва ҳар томонлама таъриф берилди, унинг асосий хусусиятлари кўрсатиб берилди. Шу боисдан, бу олимлар элитология - сиёсий бошқарувни амалга оширувчи ижтимоий қатламни ўрганадиган махсус илмий йўналишнинг асосчилари деб тан олиндилар. Уларнинг илмий ишларида замонавий элитар назарияларни ажратиш ва баҳолаш имконини берувчи мезонлар белгилаб берилди. Бу мезонлар қуйидагилардан иборатдир:

- элита вакиллариغا хос алоҳида хусусиятлар, сифатларнинг мавжудлиги;
- элитар қатламнинг жипслиги ва гуруҳий бирдамлик даражасини кўрсатадиган ўзаро муносабатлар;
- элитанинг элитар бўлмаган омма билан муносабатлари;
- элитанинг рекрутлашуви, яъни у кимлар томонидан ва қандай шакллантирилади;
- элитанинг жамиятдаги роли (амалий фойдали ёки вайрон қилувчи), унинг вазифалари ва таъсирчанлиги.

Элитар таълимотнинг алифбосини ишлаб чиққан Г.Моска, В.Парето ва Р.Михельсларнинг назариялари умумлаштирилиб, Макиавелли мактабига тегишли деб тан олинди. Мазкур мактаб элитология намояндаларининг биринчи авлодини бирлаштирган бўлса-да, уларнинг назариялари ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларни қуйидаги белгилар бирлаштиради:

1. Элитанинг алоҳида сифатлари туғма истеъдод ва тарбияга боғлиқ бўлиб, элитанинг бошқариш қобилиятида ёки унинг ҳокимият учун курашида намоён бўлади.
2. Элитадаги гуруҳий бирдамлик нафақат касб-кор ва манфаатлардаги умумийликка боғлиқ, балки элитар онг - ўзини жамиятни бошқаришга лаёқатли алоҳида қатлам, деб идрок этишдан келиб чиқади.
3. Ҳар қандай жамиятнинг элитарлигини тан олиш, унинг ҳукмрон, ижодкор, имтиёзли озчилик ҳамда пассив, ижодкор бўлмаган кўпчиликка бўлиниши муқаррарлигини эътироф этиш. Бундай бўлиниш жамият ва инсоннинг табиатидан келиб чиқади. Гарчи элитанинг шахсий таркиби ўзгариб турса-да, унинг оммага нисбатан ҳукмрон мавқеи ўз асосида ўзгармасдир. Масалан, тарих давомида қабила бошлиқлари, монархлар, халқ комиссарлари, партия котиблари, вазирлар ва президентлар вақти-вақти билан ўзгариб турганлар, лекин улар билан оддий халқ ўртасидаги ҳукмронлик-бўйсунуш муносабатлари доимо сақланиб турган.
4. Ҳокимият учун кураш давомида элитанинг шаклланиши ва янгилиниши. Катта имтиёзлар берадиган юқори мавқени эгаллашга кўп инсонлар интиладилар, лекин ҳеч ким ўз мавқеи ва мансабини ихтиёрий равишда бўшатиб беришни истамайди. Шунинг учун элитадан ўрин олиш учун яширин ва ошқора кураш бўлиши муқаррардир.
5. Элитанинг жамиятда амалий фойдали, бошқарувчи ва ҳукмрон роль ўйнаши. Элита ижтимоий тизим учун зарур бошқарув вазифасини (ҳар доим ҳам самарали бўлмаса-да) бажаради. Имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга интилувчи элита ўзининг ноёб сифатларидан маҳрум бўлиш эҳтимолини тобора кучайтиради.

Психологик омилларнинг аҳамияти бўрттириб юборилганлиги, ғайридемократик табиати ҳамда омманинг фаоллиги ва қобилиятларига етарли баҳо берилмаганлиги, ҳокимият учун курашга ҳаёсизларча

муносабат билдирилганлиги туфайли Макиавелли мактабига мансуб элитар назариялар танқидга учради. Бу танқид кўп жиҳатлардан асоссиз эмас эди.

Элитар назарияларнинг салоҳияти ва тараққиёт тажрибасига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, сиёсий элита, авваламбор, жамият ва давлатни бошқаришга ихтисослашган ижтимоий гуруҳдир. Сиёсий элита таркибига кирган шахслар ҳокимият, давлат, партиялар ва бошқа сиёсий институтларни бошқариш билан профессионал тарзда шуғулланадилар. Бу жиҳатдан, сиёсий элита давлат тараққиётининг йўналишлари ва механизмларини белгилаб беради.

Сиёсий элитанинг мавжудлиги муқаррар эканини қуйидагилар билан тушунтириш мумкин:

- инсонлар психологик ва ижтимоий жиҳатдан тенг эмас, уларнинг қобилиятлари, имкониятлари ва сиёсатда иштирок этиш истаклари ҳар хилдир;
- меҳнат тақсимооти қонунига кўра бошқарув меҳнати билан малакали кишилар шуғулланиши лозим;
- бошқарув меҳнати катта ижтимоий аҳамиятга эга;
- бошқарувчилик фаолиятидан турли хил ижтимоий имтиёзлар олиш учун фойдаланиш имконияти мавжуд;
- элитани кенг назорат қилишнинг амалда имконияти йўқ;
- кенг омма асосан сиёсий жиҳатдан пассив бўлиб, унинг асосий манфаатлари одатда сиёсат доирасидан ташқарида ётади.

Сиёсий элита фақатгина жамиятда мавжуд элиталарнинг бир қисми, холос. Жамиятда ҳукмрон элиталар мавжуд бўлиб, улар қаторига сиёсий элитадан ташқари иқтисодий, ҳарбий, ғоявий ва бошқа элиталарни киритиш мумкин. Бу элиталарни ҳам қисқача тавсифлаб ўтайлик. Демак, сиёсий элита – ўз қўлида давлат ҳокимиятини тўплаган ва жамиятни бошқариш вазифасини бажарувчи жамиятнинг бир қатламидир. Сиёсий элита асосан юқори даражадаги профессионал сиёсатдонлардан иборат

бўлади. Улар жамиятни ривожлантириш дастури ва стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни тадбиқ қилиш бўйича профессионал тайёргарликдан ўтган давлат хизматчиларидир. Сиёсий элитанинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш мақсадида баъзан уларни «сиёсий раҳбарият», «тизимни бошқарувчилар», «қарорларни қабул қилувчи марказ», «сиёсий тизимнинг марказий бўғини» каби атамалар билан улуғлайдилар.

Таъкидлаш жоизки, «сиёсий элита» ва «ҳукмрон элита» тушунчалари бир маънога эга эмас. Улар бутун ва қисм сифатида намоён бўлади. Ҳукмрон элита ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларда бевосита ва билвосита иштирок этувчи турли гуруҳларни ўз ичига олади. Унинг таркибига сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, мафкуравий ва бошқа элиталар киради. Демак, сиёсий элита - ҳукмрон элитанинг бир қисми, холос. Бошқа томондан, ҳукмрон элитадан фарқли ўлароқ сиёсий элита сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда бевосита иштирок этади.

Иқтисодий элита – йирик капитал эгалари ва хусусий мулкдорлардан иборат ижтимоий қатламдир. Унга йирик саноат корпорациялари, банклар, савдо фирмаларининг директорлари ва бошқарув кенгаши аъзолари киради. Элитанинг бу қатлами аҳолининг иш билан бандлиги, турмуш даражаси, иш ҳақи ва даромадларига кучли таъсир кўрсатади. Ғоявий элита таркибига мафкуравий фаолият намояндалари, маориф соҳасида банд инсонлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари кирадилар. Улар инсонларнинг дунёқарашларини шакллантириш, фуқаролик тарбияси каби вазифаларни бажарадилар. Ҳарбий элита – ҳукмрон элитанинг муҳим таркибий қисмидир. Ҳарбий элита сиёсий жараёнларда муҳим роль ўйнайди ва сиёсатда ундан кўпинча ҳал қилувчи восита сифатида фойдаланилади. Кўпинча сиёсатни амалга оширишдаги муҳим ролини инобат олиб, уни сиёсий элита таркибига қўшадилар.

Маданий элита таниқли ва халқ орасида ҳурматга сазовор бўлган санъат, маориф, адабиёт намоёндаларидан иборат бўлади. Уларнинг вазифаси адабиётни, санъатни, жамиятнинг маънавий ҳаётини

ривожлантиришдан иборатдир. Илм-фан соҳасидаги элита - қобилиятли, истеъдодли интеллектуал элитадир. Бу элитанинг роли фан ва техниканинг тараққиётига кўрсатган таъсирида намоён бўлади.

Сиёсий элита эса ҳукмрон, муҳолифатдаги, олий, ўрта ва маъмурий элиталарга бўлинади.

1. Ҳукмрон элита - бевосита давлат ҳокимиятига эга элитадир;
2. Муҳолифатдаги элита - контрэлитадир;
3. Олий элита - давлат даражасидаги аҳамиятга эга қарор қабул қилувчи элита;
4. Ўрта элита - жамоатчилик фикрининг ўлчови бўлиб хизмат қилади;
5. Маъмурий элита - хизматчи-бошқарувчилар, бюрократиядир.

Жамият ҳаётида тутган ўрнига мувофиқ сиёсий элита бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Сиёсий элита бажарадиган вазифаларнинг мазмуни ва чегаралари мамлакат Конституцияси томонидан белгиланган бўлади. Авваламбор, сиёсий элита стратегик вазифани бажаради. Бу вазифа жамият тараққиётининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда, хатти-ҳаракатларнинг сиёсий дастурини белгилашда намоён бўлади. Унинг ижтимоий вазифаси давлат ва жамиятни бошқаришда, қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилишда намоён бўлади. Унинг асосий вазифаларидан яна бири - аҳолининг турли қатламлари манфаатини ифода этиш ва қондиришдир. Сиёсий элита доимо оммани уюштириш зарурати билан тўқнашганлиги боис ташкилий вазифа элитанинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Сиёсий элита ўз вазифаларини амалга оширишининг зарурий шарти - унинг жамиятни бошқариш учун барча имкониятларга эга бўлишидир. «Бу мақсадда унинг қанчалик ва қандай тарзда мажбурлаш усулидан фойдалана билиши, шароитнинг ўзгаришига қараб, тезкорлик билан кучли ресурсларни қўллай билиши муҳим аҳамият касб этади»<sup>19</sup>. Кўриниб

---

<sup>19</sup> А.И.Соловьев. Политология. Политическая теория, политические технологии.М.:Аспект Пресс, 2000 йил, 134-бет.

турибдики, элита сиёсий ҳокимият амал қилишининг қудратли пойдевори бўлиб хизмат қилади, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва сиёсий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ қилишнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқади.

Сиёсий элитанинг шаклланиши асосан мамлакатнинг конституцияси ва қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги таъминланган ва барқарор мамлакатларда сиёсий элита фақат шу йўл билан шаклланади. Бироқ ҳаёт шунчалик ранг-барангки, уни конституция орқали тўла қамраб олишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Шу боис, мамлакатдаги сиёсий вазият жиддий ўзгаришларга дучор бўлганида ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳам сиёсий элитанинг шаклланишига таъсир қилмай қолмайди. Бу жараёнга сиёсий тартибот ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Ижтимоий тараққиётнинг стратегик йўналишларини белгилаш, жамият учун зарурий ислоҳотлар концепциясини ишлаб чиқиш сиёсий элита зиммасида эканлигини таъкидлаган эдик. Бу вазифаларнинг бажарилиши сиёсий элитадан алоҳида истеъдод ва лаёқатни талаб қилади. Чунки бу вазифаларни бажариш фақат профессионал сиёсатчиларнинг кўлидан келади. Хўш, сиёсий элита вакиллари қандай сифат соҳиблари бўлишлари керак? Улар жамиятнинг бошқа қисмидан қандай сифатлари билан ажралиб туришлари лозим? Ахир, «элита» атамасининг ўзи «танланган», «энг яхши» деган моънони англатади-ку. Ушбу алоҳида гуруҳга танлов муайян, кадрланадиган сифат ва қобилиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу сифатлар унинг эгаларига муайян интеллектуал, ахлоқий ва моддий устунлик беради.

Омма билан қиёслаганда элита ўз фаолиятининг юқори даражадаги маҳсулдорлиги ва самаралилиги билан ажралиб туради, деган фикр кенг тарқалган. Албатта, давлатни юксак заковат эгалари, билимдонлар, сиёсий донишмандлар бошқарадилар. Лекин сиёсий элита учун энг асосийси -



бошқариш қобилияти, ташкилотчилик сифатлари, бурч ва юксак масъулият ҳиссидир.

Алоҳида, ўзига хос гуруҳ сифатида сиёсий элитага ички гуруҳий бирдамлик хос. Бир мақсад сари йўналганлик уларни бирлаштиради. Бу қатламдан ўрин олиш муайян мавқени эгаллашга, моддий ва маънавий имтиёзларга эга бўлишга интилиш билан шартланган. Элита ўзининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишдан гуруҳий манфаатдор бўлади. Бироқ сиёсий элитанинг ичида ҳам рақобат бўлиши мумкин. Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, сиёсий ҳокимият бор жойда унинг учун кураш ҳам бўлади. Бироқ бу кураш турли шаклларда амалга оширилади - маданийлашган, демократик шакллардан тортиб, то шафқатсиз шаклларгача. Демак, кўп нарса элитанинг сифатли кадр таркибига боғлиқ бўлади. Бу эса сиёсий элитани шакллантириш механизми нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Шу боисдан, сиёсий элитанинг шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Табиийки, вақт ўтиши билан сиёсий элитанинг шахсий таркиби ўзгаради, бироқ унинг мансаб тузилмаси ўзгармай қолади. Монархлар, президентлар, вице-президентлар, бош вазирлар, вазирлар, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идора раҳбарлари, депутатлар, олий суд аъзолари, жойлардаги ҳокимият раҳбарлари, олий дипломатик корпус вакиллари замонавий давлатларнинг сиёсий элитасини ташкил этади.

Ўз вақтида қатор Ғарб давлатларида (шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия ва ГФРда) сиёсий элита таркиби таҳлил қилинган эди. Унга кўра, элита таркибига кирганларнинг энг фаоллари 50-65 ёшда бўлиб, уларнинг 60-80 фоизи бир ёки икки олий ўқув юртини тугатганлар, асосий қисми - йирик мулкдорлардан иборат. Маълумотларга кўра, турли мамлакатларда сиёсий элитанинг миқдори 2-4 минг кишидан ортмайди, яъни сиёсий элита - анча тор ва кам сонли табақа ҳисобланади.

Сиёсий элитанинг шаклланиши масаласига эътибор бермаслик, бунга тўхталмаслик таҳлилнинг илмий қимматини камайтирган бўлар эди. Сиёсий элитага танлаш тизимининг асосида бир нечта омил ётади. Улардан асосийлари: ижтимоий базанинг кенглиги, танловни амалга оширувчи кишилар доираси, элитани танлаш мезони ва тартиби. Табиийки, бу омиллар ҳар бир мамлакатда ўзгача. Кўп нарса шу мамлакатларда ўрнатилган сиёсий тартиботга боғлиқ бўлади. Юқорида санаб ўтилган омиллар ва сиёсий тартиботнинг ўзига хос хусусиятлари сиёсий элитанинг шаклланишида икки йўналишни туғдирди. Уларни қиёслаб кўрайлик. Биринчи йўналиш учун сиёсий элитани шакллантиришнинг ёпиқлиги хосдир:

- уни шакллантиришнинг социал базаси жуда тор;
- одатда, у жамиятнинг ҳукмрон ижтимоий табақалари вакиллари ҳисобига тўлдирилади;
- танловни амалга оширувчи кишилар доираси (селекторат) чекланган бўлади.

Мазкур йўналиш авторитар ва тоталитар сиёсий тартиботга эга давлатлар учун хос бўлади. Агар ижтимоий манфаатлар ҳақида гап кетса, у ҳолда бу йўналиш турғунликка, инқирозли вазиятларнинг кучайишига олиб келади. Сиёсий элита қанчалик биқик бўлса, у тобора жамиятни самарали бошқариш қобилиятини йўқотиб боради ва демак, ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга қодир бўлмайди.

Айнан шу йўналишга собиқ СССРдаги сиёсий элита шаклланишининг номенклатура усули мисол бўла олади. Сиёсий элитани шакллантиришнинг бундай механизми оқибатларини ҳозирда ҳам мустақил давлатларнинг элиталарида сезиш мумкин. Демократик ислохотлар йўлини танлаган Ўзбекистон Республикасида ҳам шунга ўхшаш ҳолни кузатиш мумкин. Сиёсий элитадан ўрин олганларнинг баъзилари етарли даражада малакага эга эмас, чунки илгари ҳеч ҳам сиёсий элита таркибига кирмаганлар, унга тегишли бўлмаганлар ва демак,

бундай иш тажрибасига эга эмаслар, бу «мактаб»ни ўтамаганлар. Бироқ яна бошқа бирлари илгари элитага тегишли бўлганликлари учун ҳам малакага эга эмаслар. Чунки бу элита номенклатур тамойилга мувофиқ шаклланган бўлиб, эски тушунча ва тасаввурлар уларнинг онгида чуқур илдиз отган.

Сиёсий элитанинг шаклланишидаги иккинчи йўналиш биринчисига мутлақо қарама-қаршидир. Таъкидлаш жоизки, бу йўналиш демократик сиёсий тартиботга эга мамлакатлар учун хос. Демак, бу давлатларда сиёсий элитанинг асосий қисми тайинлашлар йўли билан эмас, балки умумий сайловлар йўли билан шакллантирилади. Мазкур йўналиш учун қуйидагилар хосдир:

- селекторатнинг кенг доираси (барча сайловчилар);
- танлов жараёнининг очиқлиги;
- жамиятнинг ҳар қандай ижтимоий гуруҳи вакилининг сиёсий мансаб эгаллашга даъвогар бўлиш имкониятининг мавжудлиги;
- танловнинг рақобатли эканлиги;
- раҳбар лавозимларга даъвогарларнинг шахсий сифат ва қобилиятларига юқори талабларнинг қўйилиши.

Бундай тизим туфайли «энг юқоридан», яъни сиёсий элитадан истеъдодли, иродали, профессионал малакага эга, ҳокимият механизми билан «узокдан» эмас, «ичкаридан» таниш инсонлар ўрин оладилар. Бироқ бўй йўналишлар сиёсий ҳаётда соф ҳолда учрамайди.

Замонавий жамиятда элиталарнинг шаклланишига элита аъзоларининг қайси ижтимоий гуруҳга мансуб эканлиги кучли таъсир кўрсатади. Аслида, ижтимоий мансублик кўп жиҳатдан элитага мансублик билан белгиланади, чунки сиёсий элитага «кириш» эски ижтимоий ва касб-корлик мақомини йўқотиш ва янгисига эга бўлишни англатади. Масалан, парламентга сайланган ишчи, гарчи этник, диний, ёш кўрсаткичларини йўқотмаса-да, одатда, эски касбини ташлайди.

Элита вакилларининг ижтимоий келиб чиқиши уларнинг ижтимоий йўналишига кучли таъсир кўрсатади. Фермер, ишчи, хизматчи, турли этник гуруҳнинг вакиллари, табиийки, шу ижтимоий гуруҳнинг муаммоларини, истакларини яхшироқ биладилар. Бироқ ишчиларнинг манфаатларини ишчилар, деҳқонларникини - деҳқонлар, ёшларникини - ёшлар ҳимоя қилиши шарт эмас. Кўпинча буни жамиятнинг бошқа ижтимоий гуруҳларидан чиққан инсонлар - сиёсатчи-профессионаллар яхшироқ удаллаши мумкин.

Замонавий давлатларда элита билан аҳолининг ижтимоий кўрсаткичларида ўхшашлик кам. Масалан, Ғарб мамлакатларининг элитасида бошқар гуруҳларга нисбатан университет битирувчиларининг сони кўпроқ. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ота-оналари юқори ижтимоий мақомга эга бўлганлигини билдиради. Эгаллаётган лавозими кўтарилган сари сиёсий элитада турли қатлам вакилларининг сони камайиб боради. Лекин бу нарса элитанинг ижтимоий вакиллигини инкор этмайди. Раҳбар кадрларнинг ташкилий мансублиги, яъни уларнинг бирон-бир партия ёки касаба иттифоқларига тегишлилиги ҳам муҳим омиллардан бири саналади. Чунки партиялар ва бошқа ташкилотлар ўз вакилларига йўналтирилган таъсир кўрсатиш имконини орттиради.

Сиёсий элитанинг шаклланишига элиталарни танлаш тизими жиддий таъсир кўрсатади. Элиталарни танлашнинг иккита асосий тизими мавжуд: гильдия тизими ва антрепренерлик тизими. Элиталарни танлашнинг антрепренерлик тизими демократик давлатларда устун бўлса, гильдия тизими - тоталитар давлатлар учун хосдир. Лекин гильдия тизимининг баъзи элементлари Буюк Британия, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳам учраб туради. Гильдия тизими учун қуйидагилар хос:

\* ёпиқлик - юқори мансабларга талабгорларни элитанинг қуйи қатламларидан танлаш, юқорига аста-секин чиқиш, қаватма-қават кўтарилиш;

- \* танлов жараёнида мансаб эгаллаш учун расмий талабларнинг кўплиги: партиявийлиги, ёши, иш стажи, маълумоти, илгари эгаллаган мансабининг даражаси ва ҳ.к.
- \* селекторатнинг нисбатан ёпиқ доираси: одатда унга раҳбар идоранинг аъзолари ёки биринчи раҳбар киритилади.

Элиталарга танлашнинг антрепренер тизими гильдия тизимига карама-қаршидир:

- \* очиқлик, ҳар қандай ижтимоий гуруҳ вакилларининг раҳбар лавозимларини эгаллашдаги кенг имкониятлари;
- \* расмий талабларнинг кам сонлилиги;
- \* селекторатнинг кенг доираси;
- \* танловнинг юқори даражадаги рақобатлилиги;
- \* шахсий сифатларнинг, инсон фаоллигининг, кенг омманинг қўллаб-қувватлашига эришишнинг биринчи даражали аҳамияти.

Одатда, у ёки бу номзоднинг танлови масаласи кўндаланг бўлганида, М.Вебернинг фикрича, элита вакиллари тўрт асосдан келиб чиқадилар. Биринчидан, улар ўз доирасидаги кишиларни танлашга ҳаракат қиладилар ва бу билан раҳбар гуруҳнинг бирдамлигини оширишга интиладилар. Иккинчидан, у ёки бу инсонга нисбатан ҳис-туйғуларидан келиб чиқадилар, уни ёқтиришлари ёки ёқтирмасликлари танловга кучли таъсир кўрсатади. Учинчидан, бу номзоднинг элита учун хос феъл-атвор қоидалари ва унинг учун мажбурий қарашларга мос ёки мос эмасликларини баҳолайдилар. Тўртинчидан, улар ишбилармонлик нуқтаи назаридан ёндашиб, номзоднинг ўзига юкланган вазифаларни қанчалик уддалай олишини чамалаб кўрадилар.

ГФР тадқиқотчиларнинг таҳлилларига кўра, Германияда ҳукмрон элита таркибига кириш учун инсон қуйидаги талабларга жавоб бермоғи лозим. Биринчидан, ота-онасининг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мақоми анча юқори бўлиши керак. Иккинчидан, улардан муайян турдаги тарбия ва университет маълумоти талаб қилинади. Учинчидан, элитага

номзод бирор динни қабул қилган бўлиши ва муайян қарашлар тизимига эга бўлиши лозим. Тўртинчидан, у «кўтарилиш»га имкон берадиган касб-кор ёки фаолият йўналишига эга бўлмоғи даркор.

Сиёсий элита учун «юқорига кўтарилиш»нинг яна икки йўли хосдир. Биринчисини нисбий равишда бюрократик деб аташ мумкин. Унга кўра инсон аввал давлат идораларида ёки маҳаллий ҳокимиятларда анча камтарин лавозимни эгаллайдиган амалдор бўлади. Сиёсий фаолиятга ўтиш карьерасининг ўрталарида содир бўлади. Одатда, бу йўл асосий кўрсаткичлари анча паст кишилар учун хос бўлади. Иккинчи йўл - маданий, илмий, ҳуқуқий ёки педагогик фаолиятдан бошланади ва одатда, бу фаолият жамоатчилик ишлари билан уйғун бўлади. Касб-корлик нуқтаи назаридан эмас, кўпроқ жамоатчилик ишлари туфайли «юқорига кўтарилиш» содир бўлади.

Сиёсий элитанинг шаклланишига, унинг кадр таркибига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири - уни назорат қилиш механизмларидир. Замонавий демократик жамиятда сиёсий элиталарни назорат қилишнинг қатор механизмлари шаклланган. Булар: партиявий назорат механизмлари, сайловлар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрининг сўровлари, босим гуруҳларининг назорати ва ҳоказолар. Ички назорат усуллари ҳам кам аҳамиятга эга эмас. Бунда раҳбар шахснинг профессионализи, билимдонлиги, масъулияти, ахлоқи ички назорат мезонлари бўлиб хизмат қилади. Сиёсий элитанинг шаклланишига таъсир қилувчи омилларнинг нақадар муҳимлиги кейинги бобда Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий элитанинг мисолида кенгроқ ёритиб берилади.

Ҳар қандай жамиятда элитанинг муқаррар мавжуд бўлиши инкор қилиб бўлмас қонуниятдир. Элита таркибига киришга интилишларнинг негизида шу орқали муайян имтиёзларга эга бўлиш истаги ётади. Табиийки, элита бу имтиёзларни халқ оммаси «тажовузидан» кўриқлаш тўғрисида доимо қайғуради. Элитага хос бу хислат элитарликни демократик назарияларга қарама-қарши қилиб қўяди. Шу ўринда

жамиятнинг элитарлигини тан олиш демократияни инкор қилмайдими, деган табиий савол туғилади. Бу саволга элитар назария тарафдорлари осонгина жавоб бериб қутула олмайдилар.

Элитар назария тарафдорларининг бир қисми демократияни танқид қилиб, жамиятнинг малакали ва самарали бошқарувини амалга оширувчи кучли ва мустақил ҳокимиятнинг зарурлигини асослашга ҳаракат қиладилар. Аммо кўпгина Ғарб сиёсатшунослари элитаризм тамойилларини демократия тамойиллари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қиладилар. Улар демократик назарияларни ҳокимиятнинг элитар структурасига мослаштиришга интиладилар ва «полиархик демократия» ёки «демократик элитизм» каби муросали таълимотларни яратадилар.

Элитаризм сиёсий таълимот сифатида пайдо бўлган пайтданок демократия танқид остига олина бошланди. Т.Ботгоморнинг таъкидлашича, «элита назариялари ижтимоий иерархиянинг эски ғояларини жонлантириш ва демократиянинг тараққиёти йўлида тўсиқлар ўрнатишга уринишдан бўлак нарса эмас»<sup>20</sup>. Элитаризм билан демократия назариялари ўртасидаги зиддият қуйидагиларда намоён бўлади: **биринчидан**, элитаризм инсонларнинг тенг эмаслигидан келиб чиққан бўлса, демократия уларнинг тенглигини эълон қилади; **иккинчидан**, элитаризмнинг асоси - ҳукмрон озчиликнинг тўла ҳуқуқлигини эътироф этишдир, ваҳоланки, демократиянинг ҳуқуқий тамойили - халқ иродасининг ҳокимият манбаи сифатида тан олиншидир.

Элитаристлар америкалик демократ А.Линкольннинг «Демократия - халқ томонидан сайланган халқнинг халқ учун бошқаруви» ғоясини айнан тушунмаслик керак, деб таъкидлайдилар. Улар халқ бошқарувини, айниқса йирик малмакатларда, амалга ошириш «техник нуқтаи назардан» мумкин эмаслигини уқтирадилар ва шу боисдан, халқ элитага сиёсий бошқарув учун зарур ваколатларни бериши керак, деб ҳисоблайдилар. Элитаризмнинг яна бир ғояси - халқ сиёсатдан хабардор эмас, бу ҳақда

---

<sup>20</sup> Bottomore.T. Op.Cit. P.9.

етарли билим ва ахборотга эга эмас, шу боис, агар у бошқарув билан шуғулланса, ўзига ўзи зарар қилиб қўйган бўлар эди. Унинг манфаатларини оқил ва бунга «тайёрланган» элита хийла яхшироқ таъминлайди. Элитаристларнинг фикрича, демократия энг афзал кўринишда элитанинг бошқарув шакли бўлиши мумкин.

Албатта, демократик мамлакатларнинг конституциясига мувофиқ олий ҳокимият халқ кўлидадир. Бироқ сиёсий воқелик бу меъёрдан анча узоқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Замонавий сиёсий тизимларда кўпчилик аҳолининг ҳаётий муҳим қарорларнинг қабул қилинишиди амалда иштирок этиши учун шароит йўқ ва халқ сиёсий ҳокимиятдан бегоналашган. Яъни халқ сиёсатнинг субъекти эмас, балки ижтимоий-сиёсий бошқарувнинг объектини ташкил этади.

Элитаристларнинг уқтиришича, сиёсатда омманинг иштироки сайловлардаги иштирок билан чекланади. Бунда омма сиёсатни шакллантирмайди, балки аниқ шахсларни сайлайди, яъни уларнинг иштироки конкрет элитанинг ҳокимиятини легитимлаштиришга хизмат қилади, холос.

Кўпгина либерал руҳдаги сиёсатшунослар элитаризмни ғайридемократик дунёқараш сифатида танқид қиладилар. Хусусан, Д.Шпитцнинг «Ғайридемократик тафаккур моделлари» деб номланган китобида элитар назариялар демократия учун хавfli эканлиги уқтирилади. Демократиянинг танқидчилари эса ўзларини оқлаш учун иккита важ келтирадилар: биринчидан, демократия бўлиши мумкин эмас, уни амалиётга татбиқ этиб бўлмайди; иккинчидан, демократия, агар уни ўрнатиш мумкин бўлганида ҳам исталмаган ҳодисадир, у кўнгилсизликларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, улар демократияни элита ҳокимиятининг у ёки бу даражадаги моҳирона ниқоби, деб эътироф этадилар.

Бироқ охириги йилларда элитизм билан демократиянинг «тарихий келишуви» содир бўлганлигини қайд қилиш лозим. Бунда демократия



тушунчаси анча эркин шарҳланади. Бу - демократик таълимотларни индустриал ва постиндустриал жамият шароитларига мос равишда «замонавийлаштиришга» уринишдир.

Агар дастлабки пайтларда элитизм демократияга нисбатан душманлик кайфиятида бўлган бўлса (буни Платон ва Ницшедан тортиб, Моска ва Паретоларнинг асарларида кўриш мумкин), 30-йиллардан бошлаб қатор сиёсатшунослар элитизмни демократик институтларнинг кадриятлари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳаттоки Москанинг ўзи ҳам умрининг охирларида демократия ҳақидаги фикрини ўзгартира бошлади. Бунда у элитарликдан воз кечиш ҳақида эмас, балки унинг шаклини бироз ўзгартириш тўғрисида қайғура бошлади. Моска ўзи учун кутилмаган "парадоксал" хулосага келди, бунда у демократик усуллардан бошқарувчи қатламнинг куч-қудрати ва барқарорлигини орттириш йўлида фойдаланиш мумкинлигини уқтирди. Унинг фикрича, демократия шароитида "бошқарувчи табақанинг қаторлари бирмунча очик" бўлади ва шу боис, элита омманинг кўз-ўнгида легитим бўлади. Бундан ташқари, демократия элитанинг ўз ҳокимиятини амалга ошириш механизмини яхшилашга хизмат қилувчи қуроли бўлади.

Кейинчалик "демократик элитизм" таълимоти пайдо бўлади. Бу таълимот халқ суверенитети назариясини инкор қилмайди, балки "бутун жамиятнинг гуллаб-яшнаши" учун хизмат қиладиган демократик элитанинг ҳокимиятини ҳимоя қилади.

Элитар назарияларни демократик таълимотлар билан уйғунлаштириш учун уларни радикал таҳрир қилиш талаб қилинди. Бу таҳрир 30-40-йилларда Ж.Шумпетер ва К.Маннгеймлар томонидан амалга оширилди. Шумпетер демократия тушунчасини замонавийлаштиришни таклиф қилади. Демократияни «халқнинг бошқаруви» сифатида шарҳлаш ўрнига у демократияни «халқ томонидан маъқулланадиган» ҳокимият деб изоҳлашга ундайди. Шумпетер «мўътадил демократия» тарафдори бўлади. У томонидан таклиф қилинган ва анча кенг расм бўлган демократия

таърифи жамиятнинг элитар тузилишини ҳамда оммага рақобатдаги элиталар орасидан танловни амалга ошириш имкониятини беришни назарда тутди.

Бир-бирининг зидди ҳисобланган элита назариялари ва демократия таълимотлари туташ нуқталарга эга бўладилар. Ҳукмрон элита ҳар қандай жамият учун, шу жумладан, демократик жамият учун ҳам зарурий деб тан олинади; ҳокимият учун курашда элиталарнинг рақобати ва уларнинг очиклиги асосий хусусиятлар сифатида эса қайд қилинади. Бунда омма муайян тарзда, яъни рақобатдаги элиталар орасидан танловни амалга оширган ҳолда сиёсатга таъсир кўрсата олади. Шумпетер демократияни «ҳокимият тепасига инсонларнинг овозларини олиш учун рақобатли кураш воситасида келганларнинг сиёсий қарорларни амалга оширувчи институти» сифатида таърифлайди. Демократиянинг бундай «бозор» таълимотида турли элиталар ўзларининг дастурларини «сотишга олиб чиқадилар», «харидор»-омма эса сайловларда уларни қабул қиладилар ёки рад этадилар.

К.Маннгейм ҳам шунга яқин позицияни эгаллади. Ўзининг илк илмий ишларида у элитаризмни авторитаризм ва ғайридемократия билан боғлар эди. Бироқ вақт ўтгач, унинг нуқтаи назари ўзгаради ва у куйидаги фикрга келади: «Сиёсатни ишлаб чиқиш билан аслида элита шуғулланади, лекин бу нарса жамиятнинг ғайридемократик эканлигини билдирмайди. Фуқаролар бошқарувда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлмаганликлари туфайли, демократияда улар ўз туйғуларини ифода этишлари, сайловларда у ёки бу элитани маъқуллашлари ёхуд инкор этишларининг ўзи кифоя»<sup>21</sup>. Маннгейм шунингдек, элитаризмнинг «тенг имкониятлар» тамойилига зид эмаслигини таъкидлайди. Бунда элитанинг инсонларнинг хизматларига мувофиқ шакллантирилиши шартдир.

---

<sup>21</sup> Ашин Г.К., Понеделков А.В., Игнатов В.Г., Старостин А.М. Основы политической элитологии. М.: 1999, 178-бет.

АҚШда элитаризмнинг либерал кўриниши Г.Лассуэль мактаби томонидан ривожлантирилди. Лассуэлнинг таълимотига кўра «демократия олигархиядан элитанинг йўқлиги билан ажралиб турмайди, балки элитанинг очик, ваколатли ва масъулиятли эканлиги билан фарқланади»<sup>22</sup>. Айнан шундай элита бошқариш кўникмасига ва бошқарув учун зарур билимларга эга бўлади ҳамда мураккаб ва кўп туркумли ижтимоий организмга раҳбарлик қилишга мос келади.

Элитизм ва демократиянинг нисбати ҳақидаги масала кўп маротаба халқаро социологик ва политологик анжуманларда муҳокама қилинди. IY халқаро социологик конгрессда италиялик сиёсатшунос-олим Н.Боббио «Италиянинг демократик муаллифлари анъаналарида сиёсий синф тушунчаси назарияси» мавзuida маъруза қилади. Ўз чиқишида у Г.Моска, П.Гобетти ва Г.Дорсонинг издошлари элитизмни демократия билан уйғунлаштиришга эришдилар, деб уқтиради. Дорсо ҳукмрон синф (сиёсий ва интеллектуал элита билан биргаликда) билан сиёсий синф (бошқарувчи кўмита ва ҳукмрон синфнинг техник курули) ўртасидаги фарқни кўрсатди. Сўнг ҳокимият тепасида турган сиёсий синф билан муҳолифат ўртасидаги фарқ кўрсатилди. Ҳар бир сиёсий синф бошқарувчи ва муҳолифатга бўлиниши табиий эканлиги таъкидланди. Демократияда синфлар барқарор ва мунтазам равишда навбатма-навбат ўрин алмашганидагина улар ҳукмронлик қилиши мумкинлиги уқтирилди. Ўз маърузасининг ниҳоясида Боббио қуйидагиларни маълум қилди: «Сиёсий синф назарияси ўз тараққиёти жараёнида демократиянинг душманлари кўлидан унинг дўстлари кўлига ўтди»<sup>23</sup>.

Бироқ ўйлашимизча, Боббионинг тантана қилиши биров вақтликдек кўринади. Элитар ва демократик таълимотларнинг уйғунлашуви кўп жиҳатдан расмий табиатга эга. Демократик элитизм назариясининг кўзга кўринган намояндаларидан бири америкалик сиёсатшунос П.Бахрахнинг

---

<sup>22</sup> Hoover Institute Studies «В» Ed. By H. Lassewel. Preface. Stanford.1952.

<sup>23</sup> Ашин Г.К., Понеделков А.В., Игнатов В.Г., Старостин А.М. Основы политической элитологии. М.: 1999, 180-бет.

уктиришича, «меъёрий нуқтаи назардан демократик ва элитар назариялар ўртасида фундаментал, жиддий фарқ мавжуд»<sup>24</sup>. Агар демократиянинг табиий таянчи халқ бўлса, «демократик элитаризм» демократик йўналтирилган элитага таянади. Бунда элиталар нафақат демократиянинг сақланиши учун масъул бўладилар, балки демократик кадриятларни ҳимоя қиладилар ва оммага хос ғайридемократик интилишларни жиловлаб турадилар.

М.Алленнинг уктиришича, «омманинг тақдири элитанинг сифатига боғлиқ бўлади». Италиялик сиёсатшунос Л.Каваллининг фикрича, айнан элита халқни демократия руҳида тарбиялайди, демократик сиёсий институтларни яратади, ахборот олиш кўникмаларини шакллантиради, мустақил ва шу билан бирга масъулиятли қарорлар чиқаради. Шундай қилиб, барча умидни омманинг ҳаваскорлиги билан боғламай, яхши ва малакали элита билан боғламоқ даркор.

«Демократия - бу халқ ҳокимиятидир, - деб ёзадилар Т.Дай ва Х.Цайглер, - бироқ демократиянинг омон қолиши, тақдири элитанинг кўлида, зиммасидадир. Бу демократиянинг кинояси - элита «халқ бошқаруви» омон қолиши учун элита донишмандларча ҳукмронлик қилиши керак. Агар Америка сиёсий тизимининг омон қолиши фуқароларнинг фаоллиги, билимдонлиги ва сиёсий саводхонлигига боғлиқ бўлганда эди, Америкада демократия аллақачонлар йўқолиб кетган бўлар эди, чунки Америкадаги омма сиёсатга бефарқ ва демократик кадриятларга кам меҳр қўйган. Бироқ, бахтни қарангки, америкалик омма йўл бошламайди, балки элитанинг орқасидан эргашиб боради... Америка сиёсатининг рамзлари демократияга асосланса-да, воқеликни элитар назария нуқтаи назаридан яхшироқ тушуниш мумкин»<sup>25</sup>.

Демократик сиёсий тизимларда элитанинг мавжудлиги парадокс ҳисобланади. Демократия аслида элитани инкор қилиши керак, чунки

---

<sup>24</sup> Ross E. Sosial Psychology, N.Y.,1919. P.193.

<sup>25</sup> Dye T., Zeigler H. Op, cit. P. 2.

элитанинг мавжудлиги халқ ҳокимиятининг чекланиши демакдир. Аслида эса демократия элитанинг минимал ҳокимияти, тирания - элитанинг максимал ҳокимияти эмасми? Бироқ заиф элита - заиф бошқарув, муқаррар хатолар, омманинг норозилиги, беқарорлик демакдир. Шу боисдан, демократия элита ва омма муносабатларининг шундай самарали ечимини топиши керакки, бунда элита оммани бостирмасдан, унинг фаоллигини рағбатлантириши керак. Бунда элита мақсад эмас, балки самарали ва оқилона бошқарув воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Демократик сиёсий тизимлардаги элита мумкин қадар камтар бўлиши лозим, чунки у халқ манфаатларига хизмат қилиш учунгина мавжуддир. Демократик элита халқнинг ҳақиқий хизматкорларидан иборат бўлиши тақозо этилади.

### **3. Сиёсий етакчилик. Роллар орқали бошқариш.**

Ҳозирги замон сиёсий фанида сиёсий етакчиликка бир неча хил ёндашув мавжуд. Хусусан, етакчилик - бошқа кишиларга таъсир кўрсатиш сифатида тушунтирилади. Лекин ҳар қандай таъсир ҳам етакчилик мақомини таъминламайди. Бунинг учун таъсир уч хил жиҳатга эга бўлиши лозим: *биринчидан*, таъсир доимий бўлиши керак; *иккинчидан*, етакчининг раҳбарлик таъсири бутун гуруҳ, ташкилот, жамиятга нисбатан амалга оширилиши керак, яъни таъсирнинг кенглиги; *учинчидан*, сиёсий етакчи таъсирда устунлиги билан ажралиб туриши керак. Бошқа ёндашувларга кўра, етакчилик - бу бошқарувчилик мақоми, раҳбар мансабдир. Яъни бошқарув вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолият юритиш инсонга етакчилик мақомини беради.

Бошқарув тобора мураккаблашиб, оғирлашиб бораётганини тан олиш лозим. Рақобат кучайиб, масъулият тобора ортиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, етакчи тайинланмайди, белгиланмайди, у шаклланади. Шундай экан, етакчи қандай сифатларга эга бўлиши керак, деган савол туғилиши табиий.

Етакчи:

- ўзига ишонган бўлиши;
- ходимларининг хизматларини тан олиши ва тўғри баҳолаши;
- ҳамфикрлар командасини шакллантира билиши;
- айрим вазиятларда таваккал қилиши;
- қабул қилган қарорлари учун масъулиятни бўйнига олиши;
- қаттиққўл бўлиши;
- юқори маълумотли бўлиши;
- ўз ғоялари ортидан одамларни эргаштира билиши, уларни рухлантира олиши;
- кучли характерга эга бўлиши, бошлаган ишини охирига етказиши,
- ўзгаришларга тайёр бўлиши, ўзининг доимий ўсиши ҳақида қайғуриши;
- стратегик фикрлай олиши;
- ҳар бир қадамини пухта ўйлаб босиши;
- вазиятга жавобан тезкор чоралар кўриши;
- юқори касб малакасига эга бўлиши;
- қатъият соҳиб бўлиши;
- ўз жамоасига ишониши, ходимларининг қобилиятлари ва сифатларини ўрганиши, уларнинг шахсий ҳаётидан хабардор бўлиши;
- иродаси кучли бўлиши;
- яхши ном чиқарган бўлиши;
- профессионализм ҳисобига, ходимларидан бир бош баланд бўлиш ҳисобига ходимлари билан ўзи орасида масофа сақлаши лозим.

Сиёсий етакчилар турлича таснифланади. Авваламбор, авторитар ва демократ етакчилар ажратилади. Авторитар етакчи - куч ишлатишга, мажбурлашга асосланган бўлса, демократ етакчи гуруҳ ёки ташкилот аъзолари фикрларини ҳисобга олиш, уларнинг бошқарувдаги иштирокига асосланади. Яна етакчиларни учга ажратиш кенг тарқалган: анъанавий

етакчилар (уруғ бошлиқлари, монархлар), легал етакчилар (демократик йўл билан сайланган етакчилар) ва харизматик етакчилар - алоҳида сифатлари, нодир хусусиятлари, бошқариш қобилиятлари билан ажралиб турувчи кишилар.

Америкалик тадқиқотчи М.Херман етакчининг тўрт хил қиёфасини тақлиф этади: байроқдор етакчи, хизматчи етакчи, савдогар етакчи ва ўт ўчирувчи етакчилар. Байроқдор - етакчи ҳаётни идеал равишда идрок қилувчи ва оммани шу идеал сари етакловчи кишидир. Хизматчи - етакчи ўз сайловчиларининг манфаатларини ифода этувчи, уларга хизмат қилувчи кишидир. Савдогар етакчи ўз ғоя ва режаларини чиройли қилиб кўрсатувчи, уларнинг афзалликларига ишонтирувчи ҳамда бу ғояларни “сотиб олишга” мажбур қилувчи одамдир. Ўт ўчирувчи етакчи энг долзарб ижтимоий муаммоларга қараб иш тутадиган етакчидир.

Етакчиларга қуйидаги вазифаларни бажариш нисбат берилади:

- \* жамиятни, оммани бирлаштириш;
- \* самарали сиёсий қарорлар қабул қилиш;
- \* оммани қонунбузарликдан, бюрократиянинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш;
- \* назорат ёрдамида тартибни сақлаш;
- \* ҳокимият билан халқни яқинлаштириш ва шу орқали фуқароларнинг сиёсий бошқарувдан бегоналашувининг олдини олиш.

Ўзи бошқараётган соҳада муваффақиятга эришиш учун етакчи бир пайтнинг ўзида бир неча хил роль ўйнаши керак. Бугунги кунда етакчи тор доирада фикрлаб, ўзига юклатилган вазифаларни бажариш билангина чекланиши мумкин эмас. Тизимли ёндашув ва ҳаракатчанлик – муваффақият гарови бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, раҳбар томонидан қатор ролларнинг бажарилиши унинг фаолияти самарадорлигини таъминлайди. Жумладан, раҳбар кадрлардан қуйидаги ролларни бажариш талаб этилади:

1. Ташкилот вакили;

2. Эксперт;
3. Ахборот эгаси;
4. Сиёсатчи;
5. Ресурслар тақсимловчи;
6. Баҳоловчи;
7. Назоратчи;
8. Мухаррир;
9. Тадбиркор;
10. Маъмуриятчи;
11. Режалаштирувчи;
12. Ички муносабатларни тартибга солувчи;
13. Рағбат ва жазо манбаи;
14. Ўрнак ва тақлид учун намуна;
15. Гуруҳ рамзи;
16. Шахсий масъулиятдан халос этувчи омил;
17. Қадриятлар ташувчиси;
18. Устоз, мураббий.

Биринчи ролни ижро этишда етакчи барча расмий учрашув, мажлис, тадбир, анжуман ва сафарларда ўзи бошқараётган ташкилот вакили сифатида шу ташкилот ва унинг ҳодимлари номидан гапириши, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши назарда тутилади. Бундан ташқари, етакчи ёки раҳбарнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатига қараб у бошқараётган ташкилотга баҳо берилишини ҳам унутмаслик лозим.

Иккинчи роль – муҳит ва муаммоларни ўрганиш билан боғлиқ бўлиб, бунда раҳбар ўзига хос эксперт сифатида ҳаракат қилади. Атроф муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари, қўл остидагиларнинг қобилиятлари ва кайфиятлари, соҳада мавжуд муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни билмай туриб, самарали бошқарувни амалга ошириш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, раҳбар томонидан ташқи ва ички муҳитнинг



чуқур ўрганилиши унга устунлик беради ва тўғри қарорлар қабул қилишига замин бўлиб хизмат қилади.

Учинчи роль ахборот тақсимлаш ва тарқатиш билан боғлиқ. Биз яшаётган ахборот асрида ахборот табиий бойликлар қаторидаги стратегик ресурсга айлангани сир эмас. Катта ҳажмдаги, холис ахборотга эгалик инсонга рақибларидан устунликни таъминлайди. Юқорида зикр этилган ролнинг бажарилмаслиги етакчи ва унинг ташкилоти фаолияти самарасини тушириб юборади, айрим ҳолларда эса уларни ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро, бусиз раҳбар кўп нарсадан ғофил бўлиб қолиши, унинг огоҳлиги сусайиши муқаррар. Бунда раҳбар икки саволни ўз олдига қўйиши керак: “Мен ўз ходимларимга қандай ахборотни етказишим керак, қандай шаклда етказишим керак ва қайси вақтда етказишим керак?” ҳамда “Менга қандай ахборот керак, уни кимдан олишим керак, қайси шаклда ва қачон олишим керак?”.

Тўртинчи роль – сиёсатчи роли. Раҳбар одам истайдими-истамайдими доимо сиёсатчи ролини ўйнаши керак. Етакчи камида икки йўналишда сиёсат олиб бориши керак. Биринчиси – ташкилот ичидаги сиёсат бўлса, иккинчиси – ресурслар учун кураш, рақиблар билан кураш, таъсир доирасини кенгайтириш учун курашдан иборат. Бунда сиёсат деганда ходимларни муайян мақсадларга эришишга йўналтириш, уларнинг шу мақсад атрофидаги фаолиятини уюштириш тушунилади. Муайян вазиятларда ташкилотда туб ислохотларни амалга ошириш зарурати вужудга келади, шунда етакчи руль олдида туриши, ходимларни мақсад сари бошлаши талаб этилади. Ташкилотнинг мураккаб вазиятлардан омон чиқиши ҳам, унинг муваффақияти ҳам раҳбарга боғлиқлигини унутмаслик лозим. Ташкилотнинг стратегик мақсад ва вазифаларини белгилашда, бюджетни режалаштиришда раҳбарнинг зиммасига катта масъулият юклатилади. Ходимлар раҳбар унга буюргани учун ёки бўшатилишдан қўрққанидан ишламаслиги керак. Етакчилар мақсадни жозибадор тасвирлаб, шу мақсад сари ҳаракатга ходимларини илҳомлантириши керак.

Шу ўринда қурувчилар ҳақидаги ҳикояни келтириш ўринли: Бир хил иш қилаётган қурувчилардан улар нима иш қилаётганини сўраганларида бири “Ғишт теряпман” деб, иккинчиси – “Пул топяпман” деб, учинчиси “Одамлар келиб покланадиган, Худо билан мулоқотга кирадиган ибодатхона қуряпман”, деб жавоб берган экан. Ходимларнинг ўз ишига муносабати, ташкилот мақсадларини англашига қараб етакчи ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Бешинчи роль ресурсларни тақсимлаш билан боғлиқ. Раҳбар доимо ресурслар чекланганини инобатга олиши ва вазифаларнинг устуворлигига қараб, уларни тақсимлаши лозим. Бунда, шунингдек, бир қисм ресурсларни тежаб қолиш сиёсатини юритиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ресурс деганда, фақат моддий ва техник ресурсларни тушунмаслик керак, зеро, раҳбар вақт ресурслари, инсон ресурслари, ақлий ресурслар каби бошқа муҳим ресурсларни ҳам тақсимлайди.

Раҳбарга юклатиладиган олтинчи роль баҳолашга тааллуқли. Бу роль назорат қилиш билан бевосита боғлиқ. Бу ролни ижро этаётган раҳбар у ёки бу вазифаларни бажариш, муайян жараёнларни амалга ошириш мезонларини ишлаб чиқиши лозим. Шу тариқа режада мўлжалланган натижалар билан амалда олинган натижаларни солиштириши керак. Лекин бунда маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бир нарсани унутманг – ташкилотингиздаги инсонларнинг хатти-ҳаракатлари улар қандай баҳоланаётганига бевосита боғлиқ бўлади. Айрим ҳолларда бир хангомада баён қилинган вазият юзага келади: велосипедларни йиғиш цехида ишчига унинг фаолиятини баҳолаш мезонларини айтишади: “агар велосипедни сифатли йиғсанг – 120 сўм оласан, агар велосипедни сифатсиз йиғсанг – 120 сўм оласан, лекин велосипедни умуман йиғмасанг – 120 сўм оласан”. Демак, баҳолаш тизими билан мукофотлаш тизимининг бир-бирига мос келиши муҳим саналади.

Етакчининг еттинчи роли – назорат қилиш билан боғлиқ. Хўш, назоратчи ролини ижро этиш билан боғлиқ муаммолар нимадан иборат

экан? Назоратчи ролидаги етакчи муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бу ҳақда очиқ-ойдин айтиш учун шарт-шароит яратиб бериши лозим. Нимагадир, айрим раҳбарлар муаммоларни хаспўшлаш, улар ҳақида юқори идораларга гапирмаслик орқали уларни бартараф этишга ишонадилар. Бироқ улар қаттиқ янглишадилар. Шу нуқтаи назардан, раҳбарларда бир муҳим ҳуқуқ бўлиши керак – хато қилиш ҳуқуқи. Зеро, хатоларсиз тараққиёт бўлмайди, муаммоларнинг вужудга келиши муқаррар ва “ишлаган одам хато қилади”.

Саккизинчи роль – муҳаррир роли. Назарияга кўра, назорат вазифаси фаолиятни биров ўзгартириш, уни таҳрир қилишни назарда тутати. Бироқ амалиётда муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш жараёни бир-биридан ажратилган бўлади. Яъни, муаммоларни аниқлаган инсон ҳар доим ҳам уларни бартараф этиш жараёнига жалб этилмайди. Агар раҳбар фақат назоратчи вазифаси билан чекланиб, вазиятни тўғрилаш чораларини кўрмаса, у ўз ишини эплай олмайди бўлади. Муаммолар аниқлангач, раҳбар қатор саволларга жавоб топиши лозим:

1. Бу муаммо нима сабабдан пайдо бўлди, уни келтириб чиқарган омиллар қандай?
2. Бу муаммони ҳал қилиш учун зудлик билан нима қилиш керак?
3. Кейинчалик бундай вазият такрорланмаслиги учун қандай чора кўриш керак?
4. Муаммони бартараф қилиш учун шахсан мен нима қилишим керак?

Бунда муаммо муайян ҳаракатлар оқибатида ёки ҳаракатсизлик оқибатида келиб чиқиши мумкинлигини назарда тутиш лозим. Бу саволларга жавоб топгач, раҳбар иш тақсимлаши керак. Ўз ходимиغا бирор вазифани бажаришни топшираётган раҳбар унга тегишли ҳокимият ва масъулият улашади. Бироқ муайян ваколатларини узатаётган раҳбар айти пайтда ишнинг қониқарсиз сифати учун ўзидан масъулиятни соқит қилмаслиги керак.

Тўққизинчи роль тадбиркорлик билан боғлиқ. Раҳбар ўзига юклатилган вазифаларни бажариши кифоя қилмайдими? Нега яна унга тадбиркорлик роли юклатилиши керак? Раҳбар нафақат режалаштирилган вазифаларни бажариши, балки ноқулай, кутилмаган вазиятларга ҳам шай туриши керак. Фавқулодда вазиятлар ҳаракатсизликни оқламайди. Раҳбар ўзини оқловчи далиллар изламай, форс-мажор вазият юзага келишини назарда тутиб, янги имкониятларни топишга ҳаракат қилиши керак. Зеро, “қўшимча имкониятлар” деган ибора раҳбар учун қуруқ гап бўлмаслиги керак

Навбатдаги роль – маъмуриятчи роли. Етакчи жамоанинг бутун фаолиятини мувофиқлаштиради, ўзи ишлаб чиққан сиёсатга мувофиқ ёхуд юқоридан берилган кўрсатмаларга кўра ходимларига вазифаларни тақсимлайди. Айрим етакчилар “барча ишда менинг иштироким бўлиши керак” деган ҳаёлда вазифа ва масъулиятни бировга юклашдан ҳайиқади, натижада, иш ҳажмининг кўплиги туфайли кўп ишлари битмай қолади. Бундай ёндашув ходимларнинг ҳам масъулиятини сусайтиради.

Етакчининг гуруҳ ичидаги муносабатларни тартибга солувчи сифатидаги ролини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Бунда етакчи қози вазифасини бажаради ва низолар келиб чиққанида тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилади. Жазо ва рағбат манбаи вазифасини бажаришда етакчи нафақат моддий омилга, балки ахлоқий-маънавий омилга ҳам эътибор бериши талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, жазолаш ҳам, рағбатлантириш ҳам ходимнинг хизматиغا яраша бўлиши зарур.

Ўрнак ва тақлид учун намуна бўлган етакчи ўзининг феъл-атвори билан бошқалар учун ҳатти-ҳаракат йўналишини белгилаб беради, ходимлари ўзини қандай тутиши кераклигини кўрсатади. Гуруҳ рамзи ролини бажарганида етакчининг ташқи кўринишига, феъл-атвори ва кийинишидаги фарқларга урғу берилади. Етакчи гуруҳнинг ўзаги сифатида рамз вазифасини ўтай бошлайди, уларнинг ҳаракатларига етакчиларнинг

номлари берилади, улар ўз ишларини ўз шахсларининг давоми деб биладилар.

Шахсий масъулиятдан халос этувчи омил сифатида етакчи кўпинча “қандай эътирозлар бўлса – менга айтинглар!”, “менинг номимдан ҳаракат қилинг”, “мен буюрганганимни унга айтинг” каби ибораларни қўллайди. Қадриятлар ташувчиси роли етакчини гуруҳнинг дунёқарашини ташкил этувчи меъёр ва қадриятлар манбаига айлантиради. Умуман олганда, етакчи ўз гуруҳи жамиятнинг қайси қисмига тегишли бўлса, ўшанинг ғояси, мафкурасини акс эттиради.

Узоқ вақтларгача “карьерист”, “карьерист” сўзлари салбий оҳангда ишлатилар эди. Ваҳоланки, Буюк Британиядагиларнинг 27,3 фоизи ишни карьера қилиш усули деб ҳисоблайди. АҚШда эса бундай ўйлайдиганлар 39,9 фоизни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, аслида “карьерист” нафақат хизмат пиллапояларидан кўтарилиш, молиявий аҳволни яхшилаш имконияти сифатида тушунилади, балки маънавий такомилни ҳам назарда тутади.

Хуллас, етакчи яратувчи табиатга эга бўлиши керак. Бунда “раҳбарлик” ва “етакчилик” тушунчалари бир-бирига қарама-қарши қўйилмаслиги даркор. Юқори натижаларга эришишдан манфаатдор киши етакчиликни раҳбарликнинг ажралмас бир қисми сифатида қабул қилиши керак. Бундан ташқари, етакчиликнинг қуйидаги тамойилларини унутмаслиги лозим:

- ходимлар фаолиятининг маҳсулдорлигига доимий равишда омма олдида баҳо бериш керак;
- энг яхши натижаларга эришган ходимларни мансаб пиллапояларидан кўтариш ва ёмон ишлайдиган ходимлар билан ўз вақтида “хайрлашиш” талаб этилади;
- муайян вазифаларни белгилаш баробарида ходимларда мавжуд ғояларни илгари суриш ва муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўрсатишга рағбатлантириш мақсадга мувофиқ;

- ходимларни фақат курук гап ёки мақтов қоғозлари билан эмас, моддий жиҳатдан ҳам рағбатлантириш зарур.

Кўриниб турибдики, етакчи роли ниҳоятда мураккаб. Муҳими, етакчи ролини ўйнаётган раҳбар ўзидан бошқа ролларни ҳам соқит қилмаслиги керак. Бундан ташқари, етакчи ташкилотда ишонч муҳитини яратиши керак, бир-бирига, раҳбари ходимларига ва аксинча, ходимлари раҳбарига ишонмайдиган жамоанинг иши орқага кетади. Юқори даражадаги ишонч кадрлар кўнимсизлигини камайтиради ва жамоа иши кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, қўл остидагиларнинг бутун куч-қуввати, руҳи ва ғайратини белгиланган мақсад сари йўналтириш ҳам раҳбарни етакчига айлантиради. 2ақиқий етакчилар юқорида зикр этилган ролларни янги мазмун билан тўлдириб бориш ҳақида доимий равишда қайғурадилар ва бошқарувнинг ўзига хос стилини ишлаб чиқадиладар.

Самарали етакчилик қилишга интилганларга одамлар билан ишлашнинг қуйидаги беш тамойилига амал қилиш тавсия этилади:

1. Катталаштирувчи ойна (лупа) тамойили – ўзимиз қандай бўлсак, ўзгаларни ҳам шундай кўраимиз.
2. Кўзгу тамойили – биз ўрганишимиз керак бўлган биринчи нарса, бу – ўзимиз.
3. Оғриқ тамойили – хафа инсон бошқаларни ҳам хафа қилади.
4. Болға тамойили – суҳбатдошингизнинг пешонасидаги чивинни ўлдириш учун болғадан фойдаланманг.
5. Лифт тамойили – ўзаро муносабатларда биз инсонларни юксакларга кўтаришимиз ҳам, пастга улоқтиришимиз ҳам мумкин.

Бу тамойилларни ўрганиб, уларга амал қилган етакчи ўз жамоасида соғлом муҳит қарор топтиради.

**5-мавзу. Сиёсий менежмент ва ОАВ. Бошқарувни моделлаштириш ва прогнозлаштириш усуллари. Сиёсий жараёнларнинг айрим давлат ёки минтақа аҳолисига таъсири ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.**

## Режа

- 1. Оммавий ахборот воситалари сиёсий мулоқот канали сифатида.*
- 2. Глобал ахборотлашув шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.*
- 3. Давлатнинг ахборот сиёсати ва оммавий ахборот воситалари.*

### **1. Оммавий ахборот воситалари сиёсий мулоқот канали сифатида.**

Жаҳон илмий-техник тараққиётининг ҳозирги босқичи янги ахборот технологияларининг шиддатли ривожини ва ҳаётга кенг жорий қилиниши билан характерланади. 2-ағимизнинг барча соҳаларига сингиб бораётган ахборот инқилоби халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Натижада, шундай яхлит ахборот макони шаклланимоқдаки, бу маконда ахборот миллий бойликнинг қимматбаҳо қисмига, унинг стратегик ресурсига айланмоқда. Мулоқотимизга янги тушунчалар жадал кириб келаётганлиги ҳам бунинг исботидир. “Ахборот макони”, “ахборот истеъмолчилари”, “ахборот шовқини”, “ахборот тақчиллиги”, “ахборот эҳтиёжлари”, “ахборот сиёсати» каби тушунчалар шулар жумласидандир.

Оммавий ахборот воситалари ҳақли равишда замонавий жамиятда ахборот тарқатишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Наполеон шундай деган дейишади: "Тўртта газета душманга юз минглик армиядан кўра кўпроқ зарар етказиши мумкин". Бу фикр айтилганидан буён дунёда улкан ўзгаришлар юз берди: газеталар мунтазам равишда ва кўп нусхада нашр қилина бошлади, радио ва телевидение пайдо бўлди, оммавий ахборот воситаларининг таъсир даражаси бир неча карра ўсди.

Телевидениенинг кишиларга таъсир кўрсатиш имкониятлари жуда юқори баҳоланади. **Биринчидан**, инсон тасаввурида у гўёки телевизорда кўраётган жараёнларининг "иштирокчиси"га айланади. Телеэкран орқали

томошабин кўрган барча нарсаларни у воқеликда кўрганидек идрок қилади, содир бўлаётган нарсаларга ўзи гувоҳ бўлаётгандек ҳис қилади.

**Иккинчидан**, телевидение сиёсий ҳаётни янада тушунарлироқ қилади, чунки сиёсат томошабин кўз ўнгида мавҳум тушунчалар шаклида эмас, балки аниқ шахслар қиёфасида намоён бўлади. Телеэкранда партиялар ва институтлар эмас, балки конкрет шахслар, уларнинг хатти-ҳаракатлари кўринади ва улар томошабинлар томонидан баҳоланади.

**Учинчидан**, телевидение бир хил вақт давомида бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан кўпроқ ахборот узатиш имконини беради. Чунки томошабин экрандан катта миқдорда визуал ахборот ўқийди, у кишиларнинг юзидаги ўзгаришларни кузатади, уларнинг қўл ҳаракатларини кўради ва бу ҳолат томошабинга кучлироқ таъсир кўрсатади.

Оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- даврийлик ва такрорланувчанлик, яъни ахборот тарқатишнинг мунтазамлиги;
- оммавийлик, яъни ахборот истеъмолчиларининг деярли чекланмаган, кенг доираси;
- ахборот узатиш учун махсус техник воситалар, қурилмаларнинг мавжудлиги;
- ахборотни тайёрловчи ва узатувчи мутахассисларнинг мавжудлиги (журналистлар, таҳрирчилар, ноширлар ва ҳоказо);
- коммуникацион шерикларнинг замон ва макондаги ўзаро таъсири;
- ахборот таъсирининг бир томонга йўналтирилганлиги, коммуникатор ва реципиент ролларини алмаштиришнинг иложи йўқлиги.

Оммавий ахборот воситалари демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни ра<sup>1</sup>/<sub>4</sub>батлантиради ва



мустаҳкамлайди. Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлган тақдирдагина ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўққарисдаги ҳақиқат ифода этилиши мумкин. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари эркинлигини кафолатлаш ва шу орқали муаммоларни кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш, одамларнинг эркин фикр билдиришлари учун кенг йўл очиб бериш жамиятни эркинлаштиришнинг асосий тамойилларидан биридир. Оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилмас экан, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари каби таъсирчан кучга айланмас экан, демократик ислоҳотларнинг кечиши қийинлашади.

Шўролар даврида оммавий ахборот воситалари якка мафқурани сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилган. Оммавий ахборот воситалари яккаю-ягона партия, яккаю-ягона мафқура ва яккафикрлаш сиёсатининг тарқиботчиси хизматини ўтар эди. Зеро, «қизил империя» ҳар қандай плюрализмни, фикрлар хилма-хиллигини ва, айниқса, 1/4оаялар хилма-хиллигини мутлақо инкор қилар эди. Барча журналистлар “мутассадди раҳбарлар”нинг о1/4зини пойлаб, буйру1/4ини кутиб, уларнинг кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритар эди.

Таъкидлаш жоизки, сўз эркинлигини бў1/4аётган давлат ўз илдизига болта ураётган, хавф-хатардан огоҳ этадиган жарчининг овозини бў1/4аётган, ўзини фикрсизлик, тур1/4унлик ўпқонига – таназзулга судраётган бўлади. Демократик тузум эса халқнинг фикрига таянади, халқдан ҳимоя топади. Демократик давлатларда оммавий ахборот воситаларига қўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини “қўриқловчи кўппак”, деб нисбат берадилар. Етакчи демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “қулоқлари” вазифасини бажарадилар. Огоҳлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган. Бу тузумда оммавий ахборот воситалари бир томондан мунозаралар юритиладиган минбар бўлса,

иккинчи томондан, фуқаролар учун холис ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар қилинди. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”, “Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, Миллий матбуот маркази, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамъармаси тузилди. Бошқача айтганда, республикаимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг зарур ҳуқуқий базаси ва уларни эркинлаштириш учун шарт-шароитлар яратилган.

Республикаимизда оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун қулай муҳит яратилган экан, уларнинг “тўртинчи ҳокимият” мақомини олишига нималар ҳалақит бермоқда? И.Каримов бу ҳақда шундай деди: “<sup>2</sup>аммамиз шуни чуқур англаб олишимиз керакки, ҳар хил хуфиёна гаплар, миш-миш, уйдирма, бўҳтон ва овозалардан фойдаланмасдан, одамлар холис маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам наф қўради... Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга машаққатли, о<sup>1</sup>/4ир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисўзлик муҳити ҳукмрон бўлади” (2002 йил 26 июнь).

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси яна юзага қалқиб чиқмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бў<sup>1</sup>/4инига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Яхлит огоҳлантирувчи тизим сифатида

оммавий ахборот воситаларини жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айлантириш талаб этилади. Мутахассисларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллиги уч омилга боғлиқдир. Булар: биринчидан, махсус қонунлар ва қоидаларнинг мавжудлиги; иккинчидан, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитининг амал қилиши; учинчидан, журналистларнинг касб маҳорати ва ўз сўзи учун масъулият даражаси.

Демак, аввало, оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлиши керак. Бу - улар давлатдан мутлақо мустақил бўлиб, алоҳида шахслар қўлига ўтиб кетиши керак, дегани эмас. Гап мустақилликнинг энг юксак даражаси – ички мустақиллик ҳақида бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бундай мустақиллиги журналистлар ижодининг эркинлиги, мавзу танлаш ва фикр беришдаги мустақилликда намоён бўлади. Бунда журналистнинг маъмурий иммунитетга эга бўлиши назарда тутилади. Яъни, журналистнинг материал тайёрлашда ўз раҳбариятидан мустақил бўлиши ҳамда ўз ижоди намуналари учун фақатгина унинг ўзи масъулиятли ва жавобгар бўлиши талаб этилади. Шундагина журналистнинг ижодий фаолиятини фақатгина оммавий ахборот воситалари фаолиятига дахлдор қонунларгина чеклайди, холос. Иш жойида журналистларни фақатгина ижодий жараёнга алоқаси бўлмаган хатолари учунгина жазолаш мумкин бўлади. Ижодидаги хатолари – кимнингдир кадр-қимматини, шаънини поймол қилгани учун, буз<sup>1/4</sup>унчи <sup>1/4</sup>ояларни тар<sup>1/4</sup>иб қилгани учун ёки воқеа-ҳодисаларни бузиб талқин қилгани учун эса у фақат суд олдида жавоб беради. Шундагина журналистнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқиши учун шароит яратилади, у профессионал мустақилликка эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши ҳам демократиянинг тараққиётига хизмат қилади. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарлардан иборат

бўлган дастурларни яратиш, чиқишларда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ра<sup>1</sup>/<sub>4</sub>батлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти “<sup>1</sup>/<sub>4</sub>оялар бозори”да хали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Лекин ўринли бир савол ту<sup>1</sup>/<sub>4</sub>илади: бу “бозор” ҳар қандай <sup>1</sup>/<sub>4</sub>оялар учун ҳам очик бўлиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуқтаи назарлар, <sup>1</sup>/<sub>4</sub>айриинсоний табиатга эга фикрлар ва қўпоровчиликка чақирувчи <sup>1</sup>/<sub>4</sub>ояларга бу “бозор”да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровонроқ қилишга йўналтирилган янги <sup>1</sup>/<sub>4</sub>оялар, таклиф ва тавсиялар бу “бозор”да бемалол рақобат қила оладилар.

Таъкидлаш жоизки, ахборотлашув жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ахборот соҳасидаги ютуқлардан ёмон ниятларда фойдаланиш хавфи ҳам ту<sup>1</sup>/<sub>4</sub>илмоқда. Бунда ахборотдан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қилиш, баҳс ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, кучдан фойдаланмаслик, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмоқда. Масалан, ахборот технологиялари соҳасида хийла юксалган айрим давлатларда бундай устуворликлардан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва маданий экспансия мақсадида фойдаланишга ҳавас ту<sup>1</sup>/<sub>4</sub>илмоқда.

Бугунги воқелик ҳар қандай давлат олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини кўндаланг қўймоқда. Ўз тараққиётининг мураккаб, ўтиш босқичини бошидан кечираётган мамлакатлар учун бу муаммо алоҳида долзарблик касб этади. <sup>2</sup>озирги кунда ахборот ҳокимият учун курашда ҳам, таъсир учун курашда ҳам асосий ва қудратли қуролга айланиб бормоқда. Модомики, ахборот кучли ресурсга айланган экан, башарти ахборот энг қиммат ресурслардан бирига айланаётган экан, уни

ҳимоя қилиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжининг вужудга келиши табиий. Хўш, ахборот хавфсизлиги деганда нима тушунилади? Кўпинча ахборот хавфсизлиги давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот соҳасидаги ҳимояланганлик ҳолати сифатида талқин қилинади. Бу жиҳатдан ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми саналади. Боз устига, ахборот хавфсизлиги мамлакатнинг мустақиллигига, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, халқларнинг маънавиятига даҳл қилувчи ва уларга кучли таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Ўринли савол тузилади: ахборот соҳасидаги хавф-хатар ва таҳдидлар нималардан иборат? Бу таҳдидларнинг бир учи конституциявий тузумни ағдариш, зўравонликни, миллатлараро ва динлараро адоватни тарғиб қилишга бориб тақалса, бошқа учи тўлиқ бўлмаган, нотўғри, янглиш ва бузиб кўрсатилган ахборот беришни қамраб олади. Шунингдек, бу таҳдидлар ўсиб келаётган ёш авлод қадриятларидаги устуворликларнинг ўзгаришида; жамиятимиз учун мақбул бўлмаган қадриятлар тизими ва турмуш тарзи андозаларининг тикиштирилишида; зўравонлик, ахлоқсизлик ва фуқаролик жамиятини емирувчи бошқа мафкуравий қадриятларнинг тарғибот қилинишида намоён бўлмоқда. Ёллон миш-мишларнинг тарқатилиши ҳам, миллий манфаатларга зид, давлат манфаатларига зарар келтирадиган ахборот таъсирлари кўрсатиш ҳам, ва ҳаттоки, фуқароларнинг ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланганлиги ҳам ана шундай хавф-хатарлар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси нафақат долзарб ва муҳим масала ҳисобланади, балки мураккаб ва кўп чиқимли вазифа ҳамдир. Зеро, ахборот хавфсизлигини таъминлаш қатор ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни, шунингдек, тарбиявий-психологик чоралар кўришни талаб этади. Ахборот хавфсизлиги фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш йўли билан таъминланади. Ахборот хавфсизлигини

таъминлашнинг яна бир усули – фуқароларнинг ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларда ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш билан боʻлиқ. Муҳими, инсонларни ахборотдан маҳрум қилмасдан, уларни ахборотни тўғри идрок этишга тайёрлаш лозим. Яъни, ҳар бир шахс маълум ахборотнинг фойдали ёки зарарлилигини ажратувчи ички мезонларни ишлаб чиқиши, маълум ахборотнинг ўз профессионал фаолияти ва шахсий ҳаёти учун кадр-қимматини баҳолаш кўникмасига эга бўлиши зарур. Бошқача айтганда, инсонларнинг онгида ахборотларнинг сарасини сарага, пучагини пучакка ажратувчи “фильтр”ларнинг бўлиши ахборот хавфсизлигини кафолатловчи муҳим омил саналади.

Жаҳондаги кўплаб олимлар ХХІ асрда жамият ҳаётининг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар содир бўлишини башорат қилмоқдалар. Бу мураккаб ўзгаришлар жараёнида ахборот омили муҳим аҳамият касб этиб, у инсон турмушининг барча жабҳаларига кучли таъсир ўтказмоқда. Шу боис дунёнинг барча мамлакатларида ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда юритилаётган сиёсат билан қаторда ахборот сиёсатининг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда.

Масаланинг муҳим жиҳати шундан иборатки, бугунги кунда илмий ҳамда сиёсий доираларда «ахборот сиёсати» атамаси кенг қўлланилаётган бўлса-да, унинг мазмун-моҳияти хусусида жуда кенг ва кўплаб таърифлар берилган. Айрим олимлар ахборот сиёсатига “ахборотни узатиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланишнинг сифати ва суръатини белгилаб берувчи тадбирлар тизими”<sup>26</sup> сифатида баҳо берган бўлсалар, бошқалар уни «ахборот соҳасидаги миллий манфаатларни ҳимоялаш, давлатнинг бошқарув вазифаларини амалга оширишдаги вазифаларни ишлаб чиқиш, давлатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга ахборот орқали таъсир кўрсатиши хизмат қилувчи мақсадлар йиғиндиси»<sup>27</sup>, деб таърифлайдилар.

---

<sup>26</sup> Государственное управление и информационная политика: программа учебных курсов. М., 1997. Сб.

<sup>27</sup> Нисневич Ю.А. Информация и власть. М., 2000. С 9.

Масалага аниқлик киритиш мақсадида “ахборот сиёсати” тушунчасининг таркибидаги «ахборот» ва «сиёсат» атамаларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Агар «ахборот» тушунчасига тўхталадиган бўлсак, унинг фалсафий категория эканлигини инобатга олиш лозим<sup>28</sup>. Бу эса ахборот тушунчасига серқиррали ходиса сифатида ёндошишга ундайди.

Ахборот тушунчасини ўрганишда мавжуд ёндошувлардан келиб чиқиб, уларнинг учтасига – гносеологик, функционал ҳамда фаолиятлий жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз:

Гносеологик жиҳатдан, ахборот материянинг айрим жиҳатларининг акс этишидир. Яъни, Д.Урсулнинг фикрича, «ахборот бу материянинг атрофга кўриниб турган тарафи ёки у ҳақдаги маълумотдир»<sup>29</sup>.

Функционал жиҳатдан, ахборот «ташқи дунёга мослашиш жараёнида инсонга етиб келадиган маълумотдир. Ахборотни қабул қилиш жараёни инсоннинг ташқи дунёга мослашиши жараёнидир»<sup>30</sup>.

Фаолиятлий жиҳатдан, ахборотни «инсонлар, шахслар ва машиналар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви»<sup>31</sup> сифатида тушуниш мумкин.

Умуман, «ахборот сиёсати»га мамлакатнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ахборот оқимлари ва ахборот ресурсларини тартибга солиш, уларнинг ҳаракати учун шарт-шароит яратиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ахборот-коммуникатив технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар, усуллар ва услублар йиғиндиси сифатида таъриф бериш мумкин. Бироқ ахборот сиёсатининг вазифаларига тўхталмай туриб, унинг моҳиятини тўла очиб бериш мумкин эмас. Бу вазифаларга нималар киради?

Аввало, ахборот соҳасидаги рақобатни қўллаб-қувватлаш, ахборот монополиясининг ўрнатилишига қарши курашиш ахборот сиёсатининг

---

<sup>28</sup> Саранг. Философский энциклопедический словарь. М., 1999. с 195-196.

<sup>29</sup> Саранг. Абдеев Р.Ф., Философия информационной цивилизации. М. 1994 С. 161.

<sup>30</sup> Винер Н. Кибернетика и общество. М., 1958. С 15.

<sup>31</sup> Халипов Ф. Кратология как наука о власти. М., 2002. С. 156-157.

муҳим вазифаси ҳисобланиб, бу вазифа демократиянинг муҳим кадриятларидан бири - фикрлар хилма-хиллигининг қарор топишига хизмат қилади.

Иккинчидан, аҳолининг эркин ахборот олиши учун зарурий техник воситалар ва қонун ҳужжатларини яратиш вазифаси ҳам ахборот сиёсатида муҳим ўрин эгаллаб, фуқароларга жамият ҳаётига, давлат сиёсатига, ҳуқуқ ва эркинликлар, мажбуриятлар ҳақида тўла ахборот олишлари учун шарт-шароитлар яратишни назарда тутди.

Учинчидан, ахборот сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири хорижий маданий экспансияга қарши туриш, миллатнинг тили, кадриятлари ва урф-одатларини сақлаб қолишга йўналтирилган чоратadbирлар кўришдир. Ахборот макони <sup>32</sup> нинг глобаллашиб бориши шароитида бу вазифа айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам ахборот сиёсатининг устувор вазифаларидан саналади.

Бешинчидан, ахборот соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш ахборот сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, давлатнинг ахборот сиёсати давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадларига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Биринчидан, давлатнинг ахборот сиёсати мамлакатни демократлаштиришга хизмат қилмо<sup>1/4</sup>и ҳамда ҳамда ягона тизим асосида амалга оширилмо<sup>1/4</sup>и лозим. Бу тизимийлик давлат бошқаруви органларининг оммавий ахборот воситалари ва бошқа сиёсий институтларнинг ўзаро уйғунликда фаолият юритишини шартлаб қўяди. Бунда ахборот соҳасида амалга ошириладиган тадбирларни аниқ

---

<sup>32</sup> Ахборот макони – 1) инсон фаолиятининг ахборотни яратиш, °айта ишлаш, фойдаланиш билан бо<sup>1/4</sup>ли<sup>0</sup> со<sup>3</sup>аси бўлиб, фз ичига индивидула ва жамоавий онгни, ахборот воситаларини <sup>3</sup>амда ахборотнинг фзини °амраб олади. 2) а<sup>3</sup>олиси ахборот таъсирида ижтимоий ру<sup>3</sup>ий фзгаришларни кечирувчи <sup>3</sup>удуд. 3) ксп турдаги улкан ахборот <sup>3</sup>ажмининг фзаро таъсирига асосланган фзини фзи бош<sup>0</sup>арувчи тизим. (Информационная политика./под общ. ред. В.Д.Попова. –М.: Изд-во РАГС, 2003. С.445)



режалаштириш, тартибга солиш ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда назорат қилиш тизимини яратиш муҳимдир. Шунингдек, ахборот сиёсати, давлатнинг бошқа соҳаларда юритаётган сиёсатига уйғун ҳолда амалга оширилиши зарур.

Иккинчидан, ахборот сиёсати аниқ стратегик мақсадларга йўналтирилган ҳолда амалга оширилиши муҳимдир. Ахборот сиёсатининг аниқ мақсадларга бўйсундирилган ҳолда амалга оширилиши унинг самарадорлигини аниқловчи мезонларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Учинчидан, ахборот сиёсатини амалга оширишда қўлланилаётган воситалар, усуллар, услублар замонавий тенденциялар асосида мунтазам такомиллаштириб борилиши зарур.

Тўртинчидан, ахборот сиёсатининг йўналишлари мамлакатнинг географик жойлашувига, аҳолининг демографик кўрсаткичларига, жамиятдаги мавжуд қонунлар ва кадриятларга таянган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Бошқача айтганда, давлатнинг ахборот сиёсати мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳолатига мос равишда олиб борилмоғи талаб этилади.

**6-мавзу. Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. Сайлов технологиялари. Сиёсий коммуникациялар.**

### **Режа**

- 1. Сиёсий-маъмурий бошқарув самарадорлигини баҳолаш назариялари ва амалиёти.*
- 2. Давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини белгиловчи мезонлар.*
- 3. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали таъкил этишда кадрларнинг ўрни ва роли.*

**1. Сиёсий-маъмурий бошқарув самарадорлигини баҳолаш назариялари ва амалиёти**

“Самарадорлик” тушунчаси кўплаб талқин ва изоҳларга эга. Маъмурий назарияда одатда ташкилий самарадорлик ажратилади ва у мақсадга эришиш нуқтаи назаридан баҳоланади. Техник самарадорлик давлат хизматининг аҳоли эҳтиёжлари, истаклари ва ресурсларига мослиги даражасини англатади, яъни бошқарувнинг ташқи муҳитга қанчалик мослигини ифодалайди. Самарадорлик деганда, шунингдек, маҳсулдорлик, унумдорлик назарда тутилади. Бундан ташқари, охириги пайтларда самарадорлик деганда ташкилотлар фаолиятининг сифатига ур<sup>1</sup>/<sub>4</sub>у берилади.

Давлат бошқарувига оид фанлар қаторида меҳнатни ташкил этиш масалаларини ўрганувчи фанлар алоҳида ўрин эгаллайди. “Давлат бошқаруви фани муаммолари бўйича маърузалар тўплами”да Лютер Гуликнинг диссертацияси ўрин олган. Бу изланишининг асосий ғояси - давлат бошқарувида P.O.S.D.C.O.R.V.ни қўллаш муаммосидир. Бу ҳар қандай маъмуриятни шакллантиришда қўлланилиши мумкин бўлган схеманинг қисқача номланишидир.

“P” - “Planning” сўзига мос келиб, бошқарувнинг умумий мақсадлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва маъмурият доирасида ўрта муддатга режалаштиришни назарда тутати.

“O” – “Organizing” сўзига мос келиб, маъмуриятдаги қуйи тузилмаларнинг ишини ташкил этишдан иборат.

“S” – “Staffing” сўзига мос бўлиб, турли бошқарув хизматларида штаблар ишини уюштириш, яъни топшириқларни узатишнинг муайян усулини назарда тутати.

“D” – “Directing” сўзига мос бўлиб, қарорларни қабул қилиш жараёни ва бу жараённи ўрганишни назарда тутати.

“CO” – “Coordinating” – маъмуриятдаги тузилмалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш ҳамда бир даражадаги маъмурий бирликлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишни назарда тутати.

“R” – “Reporting” – бошқарилаётганлар ва хизматчиларга ахборот бериш;

“B” – “Budgeting” – бошқарув қарорларини молиялаштириш ва баҳолаш<sup>33</sup>.

Шундай қилиб, бошқарув тизимларининг тараққиётини режалаштириш ва башорат қилиш P.O.S.D.C.O.R.V.нинг негизини ташкил этади. Макнамара АҚШда мудофаа вазири лавозимида ишлаган вақтларда унинг ташаббуси билан жорий этилган ва халигача қўлланилаётган яна бир тизим P.P.V.S. деб номланади ҳамда режалаштириш, дастурлаштириш, бюджетни ишлаб чиқишни назарда тутди.

## **2. Давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини белгиловчи мезонлар**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ижро ҳокимият фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. 1992 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида»ги ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши билан ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижро ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияга асосан ўзбекистон Республикасида ҳокимият уч тармоққа ажратилиб, қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг вазифалари аниқ қилиб белгилаб берилди. 1993 йил 2 сентябрда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ва «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши маҳаллий бошқарув тизимини белгилаб берди.

---

<sup>33</sup> Ролан Драго. Административная наука. М., “Прогресс”, 1982, 14-15-бетлар.

Жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини эркинлаштириш баробарида маъмурий соҳада ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда Вазирлар Мақкамасининг 2004 йил 5 январдаги «<sup>2</sup>удудий давлат бошқаруви органларининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистонда маъмурий ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу қарорларга биноан жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва барча даражадаги бошқарув органлари фаолиятини жиддий таҳлил қилиш асосида республика ҳукумати томонидан маъмурий ислохотларни амалга ошириш бўйича асосий ёндошувлар ва йўналишлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, иқтисодиётни бошқаришда давлат ролининг қисқариб бориши.

Иккинчидан, республика даражасидаги ваколатларнинг бир қисмини маҳаллий бошқарув органларига ўтказилиши.

Учинчидан, бошқарув тизимини оптималлаштириш, бошқарувга оид вазифаларнинг такрорланишига барҳам бериш, корхоналар фаолиятини асоссиз назорат қилинишига чек қўйиш, бозор механизмлари ҳамда шахсий ташаббускорлик ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига халал берувчи маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, тақсимлаш тизимини тугатиш жараёнини якунлашдир.

Тўртинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари сонини оптимал даражада қисқартирилиши.

Бешинчидан, ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич замонавийлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, замонавий маъмурий-ҳуқуқий база яратиш, ўқув тизимини қайта кўриб чиқиш, ил<sup>1</sup>/4ор

хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда кадрларни танлаш ва ёллаш услубларини қўллаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва уларга юклатилган вазифаларнинг ижросини баҳолаш шакллариини такомиллаштириш орқали давлат хизматини ислоҳ қилишдир<sup>34</sup>.

Юқорида тилга олинган қарорга биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, зиммаларига юкланган вазифаларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Унга кўра, шаҳарлар ҳокимларининг капитал қурилиш, коммунал хўжалик, коммуникация ва ободонлаштириш масалалари билан, туман ҳокимларининг эса қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари билан шахсан шуғулланиши белгилаб қўйилганлиги ҳамда ҳокимликларда иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи ҳоким ўринбосарлари ўрнига иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масалалари билан шуғулланувчи ҳоким ўринбосари лавозими жорий этилганлиги фикримиз далилидир. Маҳаллий бошқарув органларида бошқарув персоналини қисқартириш ва маъмурий ислоҳотлар ўтказишдан асосий мақсад, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ва бошқарув тизимида маъмурий функцияларни чеклашдан иборатдир.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида қабул қилинган ҳукумат қарорлари изчил амалга оширилиши натижасида кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳам бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар зиммасидаги муҳим масала бўлиб турибди. Шунингдек, ҳокимлик аппаратида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим, энг аввало, аҳолининг талаб ва истакларини амалга оширишга бел бо<sup>1</sup>/<sub>4</sub>лаган инсон бўлиши керак ва Президентимиз таъкидлаганидек: “Бугунги кунда айни ҳокимликлар аҳолини кундалик зарур истеъмол моллари, ижтимоий-маиший хизматларнинг хилма-хил турлари билан бо<sup>1</sup>/<sub>4</sub>лик

---

<sup>34</sup> Саранг. Маъмурий ислоҳот - иқтисодий тара<sup>о</sup>иёт омили”. “Хал<sup>о</sup> с<sup>о</sup>зи” газетаси. 2004 йил 11 март

структураларнинг бетўхтов ишлаши, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этиш учун масъулдирлар”<sup>35</sup>.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида асосли хулосалар чиқариш учун уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқишга зарурат туғилади. Зеро, бошқарув бор экан, бу бошқарувга баҳо беришда ҳар бир инсон ўзидан, субъектив фикрдан келиб чиқади. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш мезонларининг ишлаб чиқилиши эса, бир томондан, бу фаолиятга аниқ ва асосли баҳо бериш имкониятини яратса, иккинчи томондан, жамият аъзолари ўртасидаги субъектив баҳолар ва шу туфайли вужудга келадиган қарама-қаршилиқларнинг олдини олади. Болгар олими М.Марков 1982 йилда “мезон” атамасига тўхталиб, уни “буюм ёки ҳодиса ҳақида хулоса чиқариш, унинг табиатини аниқлаш, таснифлаш, ўлчаш имконини берувчи белги”<sup>36</sup> сифатида баҳолади. Дарҳақиқат, баҳолаш мезонлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига баҳо бериш, маҳаллий бошқарувнинг табиатини аниқлаш, уни сифат жиҳатдан таснифлаш имконини беради.

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятига баҳо беришда бошқарув самарадорлигининг ижтимоий-иқтисодий мезонлари асосида ёндошиш мақсадга мувофиқ. Бу мезонлар туфайли бошқарув тизими фаолияти натижаларига ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, тизим фаолиятининг жамият манфаатларини қай даражада қондира олганлиги асосида баҳо бериш мумкин бўлади.

Таъкидлаш жоизки, жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқиши, уларнинг кенг кўлам олиши кўп ҳолларда, маҳаллий бошқарувнинг заифлиги, нокомпетентлиги, масъулиятсизлиги, бошқарувнинг тўғри ташкил этилмаганлиги сабаб бўлади. Бу масалага ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов алоҳида тўхталиб,

---

<sup>35</sup> И.А.Каримов. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Тошкент. “Ўзбекистон”-1999 йил. 400-бет.

<sup>36</sup> Марков М., Технология и эффективность социального управления. Пер с болг. М., 1982. С.112

жойлардаги раҳбарларга икки муҳим талабни қўйган эди. “Биринчи талаб - ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш... Иккинчи масала – тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлиш... Рус тилида буни “компетентность” дейди. Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш – бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак. Биз ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу икки талабга қай даражада жавоб беришига қараб баҳо берамиз ва хулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди”<sup>37</sup>. Бу эса, биринчи навбатда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига ишни самарали ташкил этиш, оқилона бошқарувни жорий этиш вазифасини юклайди. Айнан самарали бошқарув муаммолар пайдо бўлиши билан ҳал қилинишига ёки уларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу эса, биринчи навбатда, жамиятдаги индивидуал, гуруҳий ва ижтимоий манфаатларни ҳар томонлама доимий ўрганиб бориш, таҳлил қилишни, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда бу манфаатларни иложи бориша қондириб боришни талаб этади. Зеро, мавжуд муаммоларнинг ҳал қилинмаслиги, қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилмаслиги ноҳуш оқибатларга олиб келиши тайин.

Бошқарув самарадорлигининг ижтимоий-иқтисодий мезонлари жамиятдаги муаммолар ва уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳал қилиниши даражасини ўлчаш имконини беради. Бу мезон маҳаллий бошқарувга нафақат ишлаб чиқариш натижалари, балки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмолчи натижалари (моддий ва маънавий), иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ғоявий, руҳий, сиёсий, экологик,

---

<sup>37</sup> Каримов И. Янги 3-аётни эскича 9-араш ва ёндашувлар билан 9-уриб бўлмайди. Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Ма'камасининг янги таркиби билан йиғилишда сўзлаган нутқи. Ўзбекистон овози, 2005 йил 17 февраль.

демографик асосда баҳо беришни талаб этади. Шунингдек, бошқарув самарадорлигининг ижтимоий-иқтисодий мезонлари нафақат доимий фаолиятга, балки эришилган натижаларнинг келгусидаги ривожига ҳам баҳо бериш имконини беради. Давлат бошқаруви самарадорлиги мезонлари бўйича қатор изланишлар олиб борган таниқли россиялик олим Г.Атаманчук бошқарув самарадорлигининг умумижтимоий мезонлари сирасига қуйидагиларни киритади:

- ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, умум қабул қилинган андозаларга мувофиқлиги;
- миллий бойликларнинг ортиб бориши кўлами ва суръати;
- ижтимоий муносабатлардаги тартиб, хавфсизлик ва ишончлилик, ижтимоий-иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари;
- даромадларнинг жон бошига тақсимланиши орқали ҳисобланган фаровонлик даражаси<sup>38</sup>.

Инсонларнинг фаровонлик даражаси бошқарув фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришда ниҳоятда катта аҳамият касб этишини ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов алоҳида таъкидлаб ўтган эди. «Раҳбар дегани, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, - ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб югурадиган фидойи инсон бўлиши керак. Халқ ҳамиша ўз дастурдонига, туриш-турмушига қараб раҳбарларнинг ишига баҳо беради»<sup>39</sup>.

Бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигига икки муҳим омил – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларда ишлаётган кадрларнинг фаолияти ҳамда бошқарув объектлари, яъни жамиятдаги ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолияти таъсирида эришиш мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигининг

---

<sup>38</sup> Атаманчук Г.В. Государственное управление (организационно-функциональные вопросы). М.: ОАО «НПО Экономика». Энциклопедия управленческих знаний. 2000. С. 260.

<sup>39</sup> Каримов И. ²алоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Халқ депутатлари Тошкент ша³ар Кенгаши сессиясида с³зланган нутқ. Халқ с³зи, 1994 йил, 15 июль.



ижтимоий-иқтисодий мезонлари бошқарув тизимига яхлит ҳодиса сифатида қараб, бу тизим ичидаги бошқарувчи ва бошқарилувчи унсурларнинг сифатига баҳо беришда қўл келади. Бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини аниқлашдаги мезонлар эса турличадир.

Биринчи мезон - бошқарувнинг мақсадга йўналтирилганлик мезони бўлиб, бу давлат ҳокимияти органларининг ўз вазифаларини бажаришда мамлакат олдига қўйилган мақсадларга қай даражада йўналтирилганлигини аниқлаш имконини беради. Кўзга кўринган, аҳоли томонидан қабул қилинган ва баҳоланган натижалар бу мезоннинг асосини ташкил этади. Бошқарув органининг мамлакат олдига қўйилган мақсадларга қай даражада хизмат қилаётганлиги уларнинг ташкилий, меъёрий ва бошқа фаолиятини ўрганиш асосида аниқланади. Бошқарув бўғинларининг фаолиятининг мамлакат олдига қўйилган мақсадларга қай даражада мувофиқлиги шу орган томонидан қабул қилинган ва ижро этилган қарорларнинг мамлакатда кечаётган ислохотларга мослигида намоён бўлади.

Иккинчи мезон - вақт мезони бўлиб, тегишли масала юзасидан қарор қабул қилиш, ижро этиш, бошқарувни амалга оширишга сарфланган вақт асосида бошқарувга баҳо бериш имконини беради. Бунда “вақт” деганда ички бошқарув жараёнини ташкил этишга, аниқроғи, бошқарувга оид ахборотнинг тизимнинг “кириш” жойидан “чиқиш” жойига қадар масофани босиб ўтишга кетган вақти тушунилади. Янада аниқроғи, бу мезон жамиятдаги мавжуд муаммони ҳал қилишга бошқарув органи қай даражада тез ёки секинлик билан ёндашаётганлигини аниқлашда қўл келади. Олимлар томонидан аллақачонлар муомалага киритилган вақтни тежаш қонуниятини маҳаллий бошқарув тизими фаолиятини ўрганишда ҳам қўл келади. Бу қонуниятга кўра, у ёки бу иш бирлигини бажаришга қанчалик кам вақт сарфланса, ишлаб чиқариш даражаси шу қадар юқори бўлади. Давлат бошқарувида эса у ёки бу муаммони ҳал қилишга кетган

вақт ўз-ўзидан бошқарув бўғинларидаги тартиб-интизомга, бу тизим ичидаги рағбат ва жазолаш механизмларига, кадрларнинг билими, салоҳияти ва тажрибасига боғлиқ бўлади. Демак, вақт мезони бошқарувни нафақат фаолият суръати асосида, балки юқорида санаб ўтилган белгилар асосида ҳам баҳолашда қўлланилиши мумкин.

Агар бошқарув тизимининг иерархик тузилишга эга эканлигини, бошқарув жараёни жамият ҳаётига катта таъсир ўтказишини эътиборга оладиган бўлсак, бу жараёнга кетган вақтни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, бошқарув қарорлари ўз аҳамиятини фақат маълум муддат давомида сақлаб туради. Яъни, жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда кечикилса, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига туртки бўладиган қарорлар ўз вақтида қабул қилинмай кечиктирилса, вақт ўтиши билан уларнинг аҳамияти йўқолиб боради.

Учинчи мезон - бошқарув услуги мезони бўлиб, унда бошқарув услуги билим берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўз вазифасини ижро этишда қандай услубларга таянаётганига, мансабдор шахсларнинг ўз ишига ёндошувига баҳо берилади. Турган гапки, бошқарув услубига мансабдор шахсларнинг имкониятлари (билими, тажрибаси, масъулияти, характери) таъсир кўрсатади. Шунингдек, бошқарув услубига юқорида турувчи орган томонидан қўйиладиган вазифалар ҳам таъсир кўрсатади. Шу боис, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига бошқарув услуги жиҳатидан баҳо берилганида, унга комплекс ёндошув талаб этилади.

Тўртинчи мезон - ҳаражатлар мезони бўлиб, бошқарув тизими ишлашини иқтисодий, техник ҳамда кадрлар билан таъминлашга сарфланган маблағлар асосида бошқарувга баҳо беришни назарда тутаяди. Яъни, бунда бошқарувни ташкил этишга сарфланган ҳаражатлар бу фаолият натижасида эришилган фойдадан ортиб кетмаслиги керак. Бу ҳаражатлар ичига бошқарув персоналига тўланадиган маош, йўл ҳаражатлари, бино таъминоти, моддий техник базага сарфланган

маблағлар киради. Яъни, бошқарув жараёнида маблағлар қай даражада оқилона сарф қилинганлиги ҳамда бу харажатлардан муайян натижага эришилган ёки эришилмаганлигига қараб ҳам маҳаллий бошқарув тизими фаолиятига баҳо бериш мумкин бўлади.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида ҳар бир бўғин ўзига юклатилган вазифага, компетенцияга ҳамда ҳуқуқий ваколатларга эга. Бу меъёрий қоида бошқарув тизими ишини оқилона ташкил этиш, тизим ишини тартибга солишга хизмат қилиш билан бир қаторда, бошқарув самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасида маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доираси ва ташкил қилиш тартиби қонун билан белгиланиши<sup>40</sup> алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, бошқарув бўғинининг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган функциялари ва ваколатлари доирасида фаолият юритиши маҳаллий бошқарув самарадорлигини белгиловчи бешинчи мезон бўлиб хизмат қилади. Агар бу мезон асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, бошқарув органи ёки мансабдор шахснинг ўз ваколатлари ва функциялари доирасидан чиқиши, ўз ваколатлари доирасига кирмайдиган бошқа турдаги масалаларда фаоллик кўрсатиши самарадорлик белгиси ҳисобланмайди. Яъни, маҳаллий бошқарув тизимида ҳар бир бўғин содда қилиб айтганда, ўз ишини қилиши керак.

Олтинчи мезон – давлат ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахслар фаолияти ва қарорларидаги қонунийлик мезонидир. Айнан қонун асосида бошқарувни ташкил этиш бошқарув жараёнини тартибга келтиришга, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилишга, охир-оқибат, демократик ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Демак, бошқарув тизимидаги ҳар қандай қонундан четлашишлар, гарчи

---

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 31-бет.

улар оқланган бўлса ҳам (қисқа муддатли иқтисодий фойда, муаммонинг тез ҳал қилиниши) самарадорлик белгиси ҳисобланмайди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг фикрларини келтириш ўринли: “Давлат раҳбари сифатида, менинг орзуим, мақсадим шуки, жамият ҳаётида айрим шахсларга эмас, балки аниқ қонун ва ҳуқуқ нормаларига асосланган тизим - система барқарор ишлаши керак”<sup>41</sup>.

Давлат ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар, меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари бошқарув тизими самарадорлигига баҳо беришнинг яна бир муҳим мезони саналади. Бу мезон асосида бошқарувнинг демократик табиатига баҳо бериш мумкин. Зеро, бошқарув органлари ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатлари, мулоқотлари ҳамда ҳамкорлиги қанчалик кенг бўлса, бошқарув фаолияти ҳам шу қадар демократик тус олади, бошқарувдаги камчиликлар ва хатоликларни ўнглаб бориш имкони туғилади, бошқарувнинг умумий самарадорлиги юксалади.

Саккизинчи мезон, бошқарув бўғини томонидан тарқатилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигидир. Яъни, бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлаш бевосита аҳолининг ишончини қозонишга таянади. Бу ишонч эса бошқарув органидан чиқаётган ахборотларга бўлган ишонч орқали шаклланади.

Ва ниҳоят, давлат ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахслар фаолияти самарадорлигига баҳо беришнинг яна бир муҳим мезони - ахлоқийлик мезонидир. Яъни, давлат ҳокимияти органларининг ташқи муҳит - бошқарилувчи объектлар билан муносабатлари ахлоқий меъёрларга қай даражада мувофиқ келиши инсонларда ҳокимиятга нисбатан ижобий ёхуд салбий муносабатни шакллантиради.

Умуман, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини белгилашда энг асосий омил аҳолининг турмуш

---

<sup>41</sup> Каримов И. Эл-юртга <sup>3</sup>алол, виждонан химат <sup>о</sup>илиш <sup>3</sup>ар бир ра<sup>3</sup>барнинг му<sup>о</sup>аддас бурчи. (Хал<sup>о</sup> депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан таш<sup>о</sup>ари сессиясида сўзланган нут<sup>о</sup>). Т.12. Тошкент. «Ўзбекистон». 297-б.

даражасидаги ўзгаришлар, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожини ҳисобланади. “Бизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифа - эл-юртимизнинг ишончига муносиб бўлиш, одамларнинг ҳаётини амалий ишлар билан яхшилашдан иборат. Биз раҳбарлар бир нарсани қуло<sup>1</sup>/<sub>4</sub>имизга кўр<sup>1</sup>/<sub>4</sub>ошиндай қуйиб олишимиз керак. Агарки, бизга катта умид ва ишонч билан қарайдиган одамларнинг дастурхонида, оилавий аҳволида рўз<sup>1</sup>/<sub>4</sub>ор тебратишида, умуман, кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табиий ҳол. Шунинг учун ҳам биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, раҳбарлик ишимизнинг самараси ва маҳсули охир-оқибатда ана шундай мезон билан ўлчанади, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз”<sup>42</sup>.

### **3. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил этишда кадрларнинг ўрни ва роли**

Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти кадрлар салоҳияти, бошқарув бўғини вакиллари, умуман, бошқарув ресурсларини фаоллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ вазифаларнинг амалга оширилишига бевосита боғлиқ. Мамлакатнинг профессионал салоҳияти - давлатнинг миллий бойлигидир. Шу боис, бошқарув аппаратидаги кадрлар салоҳиятининг юксаклиги, уларнинг юқори сифат ва миқдор кўрсаткичлари маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини таъминловчи омил саналади.

“Кадр” атамаси французча “cadre” сўзидан олинган бўлиб, корхона, ташкилот хизматчиларининг штат таркиби, шахсий таркибини ифодалашда қўлланилади. Илмий адабиётларда корхона ва ташкилот ходимларининг асосий, доимий, профессионал малакали таркиби кадрлар

---

<sup>42</sup> Каримов И. Янги 3аётни эскича 9араш ва ёндашувлар билан 9уриб бўлмайди. Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Ма3камасининг янги таркиби билан йи4илишда сўзлаган нут9и. 1збекистон овози, 2005 йил 17 февраль.

деб номланади<sup>43</sup> ва айнан шу кадрларнинг меҳнат фаолияти мазкур ташкилотнинг мақсад-вазифаларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

“Кадрлар салоҳияти” атамаси персоналнинг<sup>44</sup> муҳим хусусиятларини – улардаги очик ва яширин қобилиятларни (ҳали фойдаланилмаган, талаб этилмаган) ҳамда профессионал, шахсий имкониятларни ўзида ифода этади. Бу тушунча кадрларнинг профессионал фаолиятда ҳали фойдаланилмаётган, яширин куч-қудратини ифодалайди. Салоҳият эса, ўз навбатида, профессионал, яъни касб малакаси билан боʻлиқ, шахсий, мотивацион, ижодий, ақлий, бошқарувчилик билан боʻлиқ ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Туб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар кечаётган ўзбекистон Республикасида давлат хизматчилари ва ҳокимият органлари кадрларининг профессионал салоҳиятини узлуксиз равишда юксалтириб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Давлатнинг кадрлар сиёсати ҳам давлат ва маҳаллий бошқарув муаммоларини ҳал қилишнинг муҳим омилидир. Зеро, давлат бошқаруви тизимида ҳамда маҳаллий бошқарув тизимида кадрлар сиёсати тасодифий тарзда амалга оширилмайди. Давлат ўзининг кадрлар сиёсати орқали мақсадларни илгари суриши, устувор вазифаларни белгилаши, таълим стандартларини ишлаб чиқиши, хизматчиларни аттестациядан ўтказиш тизимини яратиши, кадрларни қайта тайёрлашга давлат буюртмасини белгилаши, бошқарув кадрларини тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Кадрлар сиёсати ходимларнинг ишига қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Кенг маънода кадрлар сиёсати ташкилотнинг ходимлари ва хизматчиларини тайёрлаш, уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни аттестациядан ўтказиш, уларни бошқа лавозимларга ўтказиш, тақдирлаш,

---

<sup>43</sup> Система государственного и муниципального управления. Под общ.ред. Г.В.Атаманчука. – М.: Изд-во РАГС, 2005, 361-бет.

<sup>44</sup> Персонал - идора ходимлари.

жазолаш ва ишдан бўшатиш билан боʻлиқ чоралар йиʻиндисини ўзида ифодалайди<sup>45</sup>.

Мамлакатимиз кадрлар сиёсатининг ҳуқуқий асосини ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар, Президентнинг фармонлари ва қарорлари ташкил этади. Бундай сиёсатнинг асосий мазмуни – кадрлар билан ишлашнинг ўзак йўналишини ишлаб чиқиш ва бошқарув персоналига қўйиладиган умумий ва хусусий талабларни аниқлашдан иборат. Демак, кадрлар сиёсати ташкилотни зарурий миқдордаги ва талаб этиладиган сифатдаги кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, кадрлар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимият органларининг самарали фаолиятини таъминлаш ҳам кадрлар сиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Кадрлар сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири – кадрларни ривожлантириш, уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг карьераси<sup>46</sup> билан боʻлиқ вазифаларни ҳал қилиш, кадрларни ёшартириш, уларни раʻбатлантириш йўллари аниқлаш билан боʻлиқ. Кадрлар сиёсати мамлакатдаги ижтимоий муносабатлар ривожини ўзида ифодалаши лозим.

Илмий тадқиқот натижаларини инобатга оладиган бўлсак, кадрлар салоҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- ақлий салоҳият, узлуксиз таълим доирасида орттирилган қобилиятларни ўз ичига олади;
- ижтимоий салоҳият, самарали ижтимоийлашувни таъминлайдиган мулоқотга киришиш қобилиятини ўз ичига олади;
- профессионал тажриба билан боʻлиқ салоҳият, касб малакаси билан боʻлиқ тажрибани умумлаштириш кўникмаларини ўз ичига олади;

---

<sup>45</sup> Ткаченко Ю.А. Организационные и правовые основы обучения государственных служащих. М., 2001, С. 7.

<sup>46</sup> Карьера – мансаб пиллапояларидан кўтарилиш.

- психологик-физиологик салоҳият<sup>47</sup>.

Кадрлар салоҳияти – давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Бироқ кадрлар салоҳияти фақат уларнинг қобилиятлари билан ўлчанмайди, балки шу қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятлари ҳам муҳим саналади. Бундан ташқари, раҳбар кадрларда янги малакаларни шакллантириш, улардаги мавжуд кўникмаларни янада ривожлантириш ҳамда бу жараёнларни амалга оширишда жамият, ташкилот ва инсон манфаатларидан келиб чиқиш устувор аҳамият касб этади.

Ақлий қобилиятлар коэффиценти кадрлар салоҳияти сифатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Зеро, фан ва таълим яқин келажакда жамиятни ривожлантиришнинг асосий манбаига айланиши тайин. Айнан илм ва таълим ёрдамида миллатнинг шундай қатлами шаклланадики, улар учун ижодкорлик ва яратувчанлик ҳаётий меъёрга айланади.

Жамиятнинг кадр салоҳияти ҳамда давлат идоралари ва маҳаллий бошқарув органлари тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирдадир. Зеро, жамиятнинг кадр салоҳияти, инсоний ресурслари давлат бошқаруви органларидаги кадрлар салоҳиятини шакллантиришда пойдевор вазифасини ўтайди.

Кадрларга профессионал таълим бериш жараёнида уларда профессионал, шахсий сифатлар қарор топтиради ва ахлоқий фазилатлар шакллантирилади. ўқитиш ва меҳнат фаолиятидаги фаоллик – кадрларда профессионализмнинг ўсиши учун зарурий шартлардир. Шу билан бирга, касб-малака билан боғлиқ таълим мазмунан илгарилловчи табиатга эга бўлиши, доимий, узлуксиз бўлиши, кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга ва бойитишга йўналтирилган бўлиши, шунингдек, хизматчиларни виждонан ва самарали меҳнат қилишга рағбатлантириши керак.

---

<sup>47</sup> Система государственного и муниципального управления. Под общ.ред. Г.В.Атаманчука. – М.: Изд-во РАГС, 2005, 363-бет.



Шу ўринда раҳбарлик фаолияти учун масъулиятнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масъулият умумижтимоий ҳодиса эканлигини ҳамда инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини англаш ва назорат қилиш қобилияти билан боғлиқ. Ижтимоий институт сифатида масъулият турли ижтимоий меъёрлар воситасида таъминланади. Давлат бошқаруви соҳасида масъулият масаласи алоҳида ўткир муаммо саналади. “Масъулият” деганда бошқарув субъектининг ҳуқуқий меъёрларга мос равишда ҳаракат қилиши, фаол бўлиши ҳамда давлат ва жамият олдидаги бурчини англаши тушунилади. Зеро, маҳаллий давлат бошқаруви органлари ва бу органларда хизмат қилувчи мансабдор шахслар аҳоли олдида, давлат олдида, жисмоний ва юридик шахслар олдида қонунга мувофиқ жавобгарликка эга. Бошқарувда жавобгарликнинг қуйидаги кўринишлари ажратилади<sup>48</sup>:

1. маънавий-ахлоқий жавобгарлик;
2. сиёсий масъулият;
3. ҳуқуқий жавобгарлик.

Ҳуқуқий жавобгарлик қонунни бузишдан бошланса, сиёсий масъулият сиёсий мақсадлар, дастурлардан олиш туфайли юзага келади, ахлоқий масъулият эса ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ. Ҳуқуқий масъулият бир қанча тамойилларга амал қилишни тақозо этади. Булар: қонунийлик тамойили, барчанинг қонун олдидаги тенглиги тамойили, мақсадга мувофиқ равишда ҳаракат қилиш тамойили, муқаррар жазоланиш тамойилларидир. Илмий адабиётларда ҳуқуқий жавобгарликнинг 4 кўриниши ажратилади: интизомий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ва жиноий жавобгарлик. Аҳолининг ишончидан маҳрум бўлиш бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг масъулияти пастлигини кўрсатади.

---

<sup>48</sup> Система государственного и муниципального управления. Под общ.ред. Г.В.Атаманчука. – М.: Изд-во РАГС, 2005, 203-бет.

Давлат хизматчилари алоҳида мажбуриятларга ҳам эга бўлиб, уларга амал қилмаслик учун улар жавобгар бўладилар. Умумий мажбуриятлар каторига конституциявий тузумни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар, жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасаларнинг муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш, давлат ва хизмат сирини ошқор қилмаслик, фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни тарқатмаслик ва ҳоказолар киради.

Давлат хизматчилари учун, шунингдек, қатор чеклов ва таъқиқлар кўйилган. Жумладан, улар давлат хизматчисининг ахлоқий-маънавий қиёфасига путур етказмасликлари, хизмат вазифаларини бажариш давомида сиёсий бетарафликни сақлашлари, мустақил бўлишлари, суистеъмол ва коррупцияга қаршилик кўрсатишлари лозим. қатор чекловлар социал-иқтисодий соҳа билан ҳам боғлиқ. Хусусан, давлат хизматчиси педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан бўлак бошқа маош тўланадиган фаолият билан, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. У ўз хизмат вазифаларини адо этиш мақсадида қилган чиқишлари, интервьюлари ва чоп этган ишлари учун қалам ҳақи олиши мумкин эмас. қатор чекловлар ахлоқий табиатга эга. Давлат хизматчиси ўз хатти-ҳаракатлари билан ўз шаънига путур етказмаслиги, давлат хизматини бадном қилмаслиги керак, зеро, бундай ҳаракатлар фуқароларнинг давлат идораларига бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатади. Умуман олганда, давлатнинг кадрлар сиёсати аҳоли учун муносиб турмуш даражасини яратишга хизмат қилиши, халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Давлат аппаратидаги ҳамда маҳаллий бошқарув аппаратидаги кадрлар сиёсатида кадрлар масаласини ҳал қилиш ваколатига эга бўлган раҳбар шахси кучли таъсир кўрсатади. Унинг интилишлари, манфаатлари, майллари қандай бўлса, уни қуршаб турадиган ходимлар ҳам шу иродани рўёбга чиқаради.

Ўзбекистон амалиёти ҳақида тўхталадиган бўлсак, мустақиликнинг дастлабки йилларида эски тузумдан қолган кадрлар билан ишлашда кўплаб қийинчиликларга дуч келинди. Ўша вақтда ишлаган кадрлар ҳақида гапира туриб, Президентимиз, жумладан: «Мен илгари нутқларимда кадрларни бир неча тоифага ажратган, кимлар билан қандай ишлаш кераклиги тўғрисида фикримни баён этган эдим. Биринчи тоифа, бу - ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа эса – бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни “ўйинчи” дегим келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни хоҳламайди. Ўйин билан юрибди. Шамолга қараб туради. Хушомадгўйлик билан оввора<sup>49</sup>», деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Агар собиқ иттифоқ даври, аниқроғи, Сталин бошқарган даврдаги давлатнинг кадрлар сиёсатига назар ташлайдиган бўлсак, бу сиёсат қатағон сиёсати эканига иқроқ бўламиз. Зеро, ўша пайтларда сиёсий элита таркибига кираётган янги кадрлар қатлами аввалгисини яқсон қилар эди. “Брежнев бошқарган даврдаги кадрлар сиёсатининг моҳиятини қисқача ифодалаш мумкин: барқарорликни сақлаб қолиш, партия элитаси кўлидаги ҳокимиятни ҳар қандай йўллар билан сақлаб қолиш, низолардан сақланиш, имкон қадар кескин чораларни қўлламаслик. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ҳам илтифотли, бошқариладиган, жуда ҳам нозиктабиат бўлмаган, етарли даражада билимга эга, биров артистизмга эга кадрлар танланган”<sup>50</sup>. И.Каримовнинг юқорида келтирилган фикрлари ўша даврнинг сарқитлари хали-хануз ўз кучини йўқотмаганини далиллайди.

Ваҳоланки, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлари кадрлар салоҳиятидан самарали фойдалана билиши, истеъдодли ходимларни камол топтириши, бошқарув маданиятининг ўрни ва ролини

---

<sup>49</sup> Каримов И. Раёбар етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. Халқ сўзи, 2002 йил 22 февраль, 39-сон.

<sup>50</sup> Проблемы лидерства и кадровые технологии. Под ред. В.М.Мартыненко. Харьков, “Константа”, 2006, 15-бет.

англаши, жамоанинг фаолиятини рағбатлантирувчи янги механизм ва воситаларни ишга солиши зарур. Шу нуқтаи назардан давлат ва маҳаллий бошқарув органлари тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш - ўзбекистонда демократик давлат қурилишининг муҳим вазифасидир. 1995 йилда ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан ташкил этилган Давлат ва жамият қурилиши Академияси ана шу вазифани амалга ошириш мақсадида иш бошлаган.

Ҳозирги кунда раҳбарлар қатлами юқори малакали кадрлар, юксак маънавиятли ва маърифатли инсонлар, ўз ишининг усталари ҳисобига тўлиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг ҳиссаси беқиёсдир. Ўқув жараёни давомида ва амалиёт даврида раҳбар-кадрларда профессионал (меҳнат сифати ва ҳажми учун) масъулият билан бир қаторда ресурслар (фойдаланилган моддий ва инсоний ресурслар) учун масъулият ҳамда пировард натижалар, мақсадларга эришиш учун масъулият ҳисси қарор топтирилмоқда. Шунингдек, тингловчиларни ўқитиш ва малакасини оширишда бошқарув билан боғлиқ фаолиятда юқори сифат кўрсаткичларига эришишга бўлган қиладиган билим ва кўникмалар шакллантирилмоқда.

Демак, раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Зеро, инсонлар ва уларнинг қобилиятлари – энг қимматбаҳо ресурс саналади. <sup>2</sup>озирги кунда инсон ресурсларини бошқариш тобора стратегик вазифага, инсонларнинг салоҳиятини ривожлантириш эса инвестиция манбаига айланмоқда. Кўп сонли тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, инсон ресурсларини бошқариш вазифаси самарали равишда амалга оширилаётган ташкилот ва муассасаларда, одатда, молиявий ўсиш, рақобатбардошлик юқорироқ бўлади <sup>51</sup>. Чунки бундай бошқарувда

---

<sup>51</sup> Проблемы лидерства и кадровые технологии. Под ред. В.М.Мартыненко. Харьков, “Константа”, 2006, 18-бет.

кишиларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш эвазига мақсадларга эришилади, шунинг учун кадрларни жойлаштириш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш ташкилотнинг стратегик мақсадларидан бирига айланади.

Бугунги кунда инсон ресурсларини бошқаришнинг қуйидаги йўналишлари ажратилади:

- ташкилотнинг стратегик мақсадларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- ходимларнинг ишини рағбатлантириш;
- аттестация, меҳнат натижаларини баҳолаш;
- меҳнат муносабатлари;
- пенсия сиёсати;
- ташкилотдаги мулоқот ва маънавий муҳит;
- тренинг ва инсон ресурсларини ривожлантириш<sup>52</sup>.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти органлари раҳбар кадрларидан стратегик фикрлаш, мақсадларни илгари суриш ва уларга эришиш чораларини топиш, мустақил қарорлар қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштириш, самарали мулоқотга киришиш ва музокараларни оқилона олиб бориш талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, бошқарув вазифалари XXI асрдаги каби мураккаб бўлган эмас. Бу эса маҳаллий давлат бошқаруви органларининг кадрлар салоҳиятини ошириш масаласининг нақадар долзарблигини кўрсатади.

---

<sup>52</sup> Управление человеческими ресурсами. Под ред. М.Пула, М.Уорнера. СПб., “Питер”, 2002, 119-бет.

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**Сиёсий менежмент фанининг йўналиши ва ижтимоий фаолият сифатида. Сиёсий менежментнинг генезиси ва бугунги ҳолати. Сиёсий менежмент назария ва амалиёт сифатида**

#### МАШҒУЛОТ ЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

#### Ўқув технология модели

Машғулот соати – 90 дақ.	Ўқувчилар сони: 9-10 киши
Ўқув машғулот тури	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ўқув машғулотни олиб бориш</li><li>2. Билимларни актуалиги</li><li>3. Кичик гуруҳларда органайзерлар билан ишлаш</li><li>4. Натижаларни намойиш этиш</li><li>5. Баҳолашни энг яхши усулларини танлаш ва муҳокама қилиш.</li><li>6. Яқунлаш. Гуруҳ ва талабаларни машғулотдаги ўзлаштириш даражасига кўра баҳолаш.</li></ol>
1. Ўқув машғулот мақсади: Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси турларини кўникмаларини чуқурлаштириш. Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси умумий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш; Мафкуравий педогогик ташхис қўйиш учун ҳаракат алгоритминини тўғри танлаш; Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси мустақил анализ бера олиш;	
Ўқувчининг вазифалари: Ахборот соҳасини ислоҳ этиш	Машғулот жараёни натижаси: Органайзерлар билан ишлаш

<p>сабабларини чуқурок ва кенгроқ ўрганиш. Ёшларда мафкуравий иммунитет синдроми билан келган ёшлар ҳолатини баҳолаш ва жараёни таҳлил қилишни шакллантириш, бефарқлик, лоқайд фукороларни бирламчи босқич даражасида қиёсий ташхислаш, шошилинич тарбиявий ёрдам кўрсатиш ўз вақтида мафкуравий профилактика ишларини ташкиллаштиришни олиб бориш.</p> <p>Режалаштирилган ўқув жараёнини натижаси – органайзерлар билан ишлаш натижасида талаба қуйидаги кўникмаларни эгаллашга ёрдам бериш:</p>	<p>натижасида талаба қуйидаги кўникмаларни эгаллайдилар: Ахборот соҳаси ислоҳ этиш сабабларини чуқурок ва кенгроқ ўрганади. Ёшларда мафкуравий иммунитет синдроми билан келган ёшлар ҳолатини баҳолаш ва жараёни таҳлил қила олади, қиёсий ташхислаш, шошилинич тарбиявий ёрдам кўрсатиш ўз вақтида мафкуравий профилактика ишларини ташкиллаштира олади.</p>
<p>Ўқитиш усуллари</p>	<p>Органайзерлар, амалий усул</p>
<p>Ўқитиш жихозлари</p>	<p>Органайзерлар, методик қўлланмалар</p>
<p>Ўқитиш тури</p>	<p>Мустақил, гуруҳ билан</p>
<p>Ўқитиш шароити</p>	<p>Кичик гуруҳлар билан ишлашга мослаштирилган техник жихозланган аудитория</p>
<p>Мониторинг ва баҳолаш</p>	<p>Қузатиш, блиц сўров, презентация, баҳолаш.</p>

Таълим технологияси асосан ушбу фан бўйича таҳсил берадиган педагог-ўқитувчилар учун мўлжалланган.

## **ФАННИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Дунёнинг сиёсий-мафкуравий манзараси, унда кечаётган ғоявий курашлардан кўзланган туб мақсад-манфаатларнинг асл қиёфасини очиб бериш;

- Ёшларда сиёсий жараёнларни таҳлил этиш доирасида тарихий хотира, маданий меросга ҳурмат, миллий ўзликни англаш туйғуларини мустаҳкамлаган ҳолда уларда ўз куч ва имкониятларига таяниб яшаш ҳиссини шакллантириш;

- Ёшларда ташқи сиёсий таҳдидларга, “оммавий маданият” ниқоби остидаги турли хил хатти-ҳаракатларга нисбатан доимо огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиш кўникмаларини шакллантириш;

- Глобал сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ёритган ҳолда бу жараёнларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини таҳлил қилиш;

- Давлатимизнинг виждон эркинлиги соҳасида олиб бораётган сиёсатини ҳамда унинг амалий натижаси бўлмиш, қарор топган диний бағрикенглик муҳитини ёшлар орасида кенг ёйишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

- Турли давлатларининг миллий сиёсатидаги тотувликни мустаҳкамлаш томон қаратилган тадбирларнинг моҳиятига эътиборни кучайтириш;

- Соғлом фикр ва дунёқарашга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида сафарбар қилишга, навқирон авлодда ватанпарварлик туйғуси, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга яна ҳам катта эътибор бериш;



- Ёшлар онгида озод шахс ва эркин фуқаронинг асосий жиҳатларини шакллантирган ҳолда уларни мустақил фикрлашга ўргатиш орқали уларда Ватан тақдирига маъсуллик туйғуларини шакллантириш;

- Ғоявий курашчанликнинг негизлари ҳақида билим ва тушунчаларга эга бўлиш орқали ёшларда тарихий хотира, дахлдорлик, маънавий жасорат, буюк келажак учун маъсуллик, миллий ўзликни англаш туйғуларини мустаҳкамлашдан иборат.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўлақонли ривожланишини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириш жараёнида маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни назарда тутди.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларининг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Индивиднинг жараёнли сифатларини шакллантириш, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва тезлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари. Ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини шакллантириш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолият кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида демократик тенглик, ҳамкорлик каби ўзаро субъектив муносабатларга, фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда шакллантириш ва эришилган натижаларни баҳолашга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш асосида таълим олувчиларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этиш усулларидан биридир. Бу жараён илмий билимларнинг объектив қарама-қаршилиги ва уларни ҳал этиш усуллари аниқлаган ҳолат, диалектик тафаккурни ҳамда ушбу усуллари амалий фаолиятда ижодий қўллашни шакллантиришни таъминлайди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий восита ва усуллари қўллаш – бу янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашдир.

Ўқитиш услублари ва техникалари. Маъруза (кириш, мавзули, маълумотли, кўргазмали (визуаллашган) таҳлил, илмий анжуман, аниқ вазиятларга ёндашув), мунозара, муаммоли услуб, пинборд, ақлий ҳужум, тезкор сўров, савол-жавоб, амалий ишлаш усуллари ўз ичига олади.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, поллог, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўқитишга асосланган фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (ўқув қўлланма, маъруза матни, тарқатма материаллар) билан бир қаторда – чизмалар, органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: талабалар билан тезкор ва фаол мулоқотга асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тезкор ва фаол алоқаларнинг (маълумотнинг) усул ва воситалари: тезкор сўров, ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берадиган технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулоти, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулоти давомида мавзу юзасидан назорат саволларини бериб бориш орқали ўқитишнинг натижалари режали


тарзда кузатиб борилади. Машғулотларнинг охирида тест топшириқлари ёрдамида талабаларнинг билимлари баҳоланади

**МАСАЛАЛАР ВА МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ**  
**АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ЎҚУВ**  
**ТОПШИРИҚЛАР**

**Мавзу:** Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва ёшлар тарбияси .

**1-ўқув топшириқ**

**“Ахборот соҳаси ” сўзига кластер тузинг**




**2-ўқув**

**топшириқ**

**Жадвални тўлдилинг**

## «Нима учун» органиайзерни тўлдириг



### 3-ўқув топширик

#### «Т-схема» жадвалини тўлдириг

Ахборот хуружи ва унга хос бўлган хусусиятлар	“Оммавий маданият” ва унинг кўринишлари

### 4-ўқув топширик

#### ФСМУ жадвалини тўлдириг

Савол	“Интернет –мафкуравий хуруж
-------	-----------------------------

	объекти”
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

5-ўқув топшириқ

«Т-схема» жадвалини тўлдириг

“Тўрт кадамли” универсал модел омилларини санаб беринг (ҳар бир кадам)	Аудиторияни сигментлаштиришнинг асосий омилларини санаб беринг
--	--

6- ўқув топшириқ: “ Елпиғич” жадвални тўлдириг

**Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг ютуқ ва камчиликларини тўлдириг.**

1 гуруҳ учун

ТВнинг	Ютуқлари	Камчиликлари

2 гуруҳ учун

Матбуотнинг	Ютуқлари	Камчиликлари

3 гуруҳ учун

Радионинг	Ютуқлари	Камчиликлари

7-ўқув топшириқ

«Блиц-сўров» саволларига жавоб беринг

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Мафкуравий полигон тушунчаси	
2.	Мафкуравий профилактика тушунчаси	
3.	Мафкуравий иммунитет тушунчаси	
4.	Сиёсий маданият тушунчаси	
5	Ёшлар тарбияси тушунчаси	
5.	Мафкуравий хавфсизлик тушунчаси	
6.	Ижтимоий- сиёсий институтларга нималар киради	

2-ўқув топшириқ


ФСМУ жадвалини тўлдириш

Савол	“Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг омили нимада?”
(Ф) Фикрингизни баён этиш	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатиш	
(М) Кўрсатган сабабингизни	

исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	


8-ўқув топшириқ

“Нима учун?” жадвалини тўлдиринг



9-ўқув топшириқ

“Нима учун ?” техникасидан фойдаланиб “Нима учун ахборот маконимизга химоя керак?” саволига жавоб беринг.



## 10-ўқув топшириқ

Мустақил ишлаш учун назорат саволлар:

1. Фуқаролик жамиятининг сифатларини таснифланг
2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари хақида гапиринг
3. Фуқаролик жамияти асосини нима ташкил этади?
4. Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартлари нималардан иборат?
  - a. ОАВ тушунчасини таърифланг.
  - b. ОАВ қандай сиёсий вазифаларни бажаради?
5. Ҳозирги шароитда ОАВ сиёсий ролининг ошиб бориши қандай тушунтирилади?



## ГЛОССАРИЙ

**Ахборот хавфсизлиги**- нафақат давлатнинг ахборий ресурсларини, балки фуқароларининг ҳуқуқлари ва жамиятнинг барча структураларини ахборот маконидаги ҳимоясини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги - шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро мувозанатлашган умуммиллий манфаатларни ахборот хавфсизлигининг ҳимояланиши. **Давлат ахборот хавфсизлиги**- барча ахборотлар тизимларининг ҳимояланганлик даражасига боғлиқ жараён. Бунда асосий ва зарурий иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, фан-техника, таълим-тарбия, ҳарбий ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига зид келадиган ахборий таҳдидларнинг олдини олиш, ахборотларни ноқонуний йўллар билан олишни баратараф этишнинг қатъий чора ва тадбирлар кўрилиши мақсад қилиб белгиланади. Ахборот хавфсизлиги айна ахборий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга ёрдам бериш давлат тадбирларининг яхлит тизими. Ҳозир ахборий хавфсизлик ҳарбий хавфсизликнинг компоненти сифатида ҳам ишлатилиб, ҳарбий соҳадаги ахборий ресурслар, каналлар, билимлар ва маълумотлар базасининг мавжудлиги, уларнинг асосида ахборотларни қайта ишланиши, сақланиши ва қўлланилишидаги хавфсизликни англамоқда.

**Ахборот уруши** - душманнинг ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш йўли билан амалга ошириладиган айна пайтда ўзининг ахборотларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари. Ўзга давлат тинч аҳолиси ёхуд ҳарбийларига муайян ахборот тарқатиш йўли билан таъсир ўтказиш.

**Агрессор**- кўпроқ ҳарбий соҳага тегишли тушунча бўлиб, БМТ Низомларига зид равишда давлат суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ва сиёсий мустақиллигига бирон бир давлатнинг ҳарбий куч ишлатишига айтилади. Ҳозир ахборот инқилоби асрида агрессорнинг ахборий хужум, ахборий тажовуз тушунчаси билан ифодаланиши геосиёсий таҳлилларда қайд қилинмоқда.

**Ахборий хуруж**- ахборий хуруж бу ҳақиқий қуролли урушга қўйилган биринчи қадамдир. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг бугунги кундаги долзарблиги шу ҳолат билан белгиланади. Инсоният "ахборий жамият" деб аталмиш янги бир даврга қадам қўяётган экан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳар доимгидан ҳам зарурдир. У муайян кучлар томонидан инсон онги ва қалбига ёт ғояларни сингдириш мақсадида уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишнинг мафкуравий омилларидан, жамият турмуш тарзи ва менталитетидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун унга моддий, маънавий, руҳий таъсир ўтказишнинг ноанъанавий ва ноҳолис усулларида фойдаланиш асносида геосиёсий мақсад ва муддаоларни амалга ошириш мажмуасини англади.

**Ақидапарастлик** – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш. Бу атама фақат салбий маънода қўлланиб,

муайян олим ёхуд оқим томонидан баён этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади.

**Анъана** – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шакллариининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи.

**Анархизм**- ҳар қандай ҳокимият ва давлатни инкор этувчи, ҳарким ўзига хўжайин деган қарашларга асосланувчи ижтимоий сиёсий оқим. Бу ҳоя бебошлик ва тартибсизликка олиб боради, тарақиёт йўлидан адаштиради, вайронкор моҳиятга эга.

**Бир қутбли дунё** - «совуқ уруш» да СССРнинг мағлубиятидан кейин вужудга келган геосиёсий тартиб.

**Блок** – бир неча давлатларнинг бирлашмаси ҳисобланиб, уларнинг стратегик ва геосиёсий жиҳатдан эътиборли ҳаракатлари умумбашарий даражадаги ўзгаришларга олиб келади.

**Ватан равнақи** – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир

**Вайронкор (бузғунчи) ғоялар** – 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

**Глобал геосиёсат**- умумбашарий хавфсизлик билан боғлиқ геосиёсий жараёнлар мажмуаси. Турли минтақа ва мамлакатлар ўртасида анаънавий тўсиқларнинг геосиёсий даражада бузилиб кетиш жараёнлари. Учинчи мингйилликда халқаро хавфсизликнинг барча параметрлари ўзгармоқда. Агар хавфсизлик илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон уруши таҳдидига, жумладан қуролланиш пойғасини тўхтатиш каби геосиёсий омилларга боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирги пайтда ахборот қуроли билан боғлиқ янги глобал геосиёсат юзага келди. “Глобаллашув”, “глобал ахборий макон” каби атамаларнинг муомалага кириши эса замонавий дунёнинг сиёсий жараёнлари, уларнинг ривожланиш тенденцияларини муҳим масалага айлантирди.

**Геосиёсатнинг объекти**- дунёнинг геосиёсий тузилиш ва халқаро дунёвий тартибот тизимидаги геосиёсий жараён ва ҳодисалардир. Геосиёсат объектида жаҳоннинг геосиёсий харитаси туриши биринчи навбатда, дунёнинг кўп қутбли дунёга айланиши билан халқаро муносабатларнинг янги бир трансформация - давлатларнинг ўз таъсир доиралари учун курашнинг янги босқичига кўтарилиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди. У жамият тафаккурида кўп қиррали дунёвий сиёсат тушунчасининг шаклланишидан келиб чиқади. Мазкур масалалар геосиёсат объектида яхлит ҳолатда туриши мумкин, бироқ геосиёсат уларни таҳлилий жиҳатдан ўрганишни бир қатор босқичларда кўради. Масалан, замонавий геосиёсат дунёнинг сиёсий харитасида кечаётган

жараёнларни умумбашарий, минтақавий ва маълум бир давлатнинг дахлдорлигидан келиб чиқиб, таҳлил этади ва тегишли хулосаларни чиқаради.

**Геосиёсат предмети**— умумбашарий ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда геосиёсат субъектлари муносабатлари, жамиятда кечаётган ҳар хил даражадаги ахборий-мафкуравий жараёнлар, уларнинг юзага келиши, ҳаракатланиши ва ўзгариб боришини ўзида акс эттирувчи воқеалар ривож.

**Геосиёсий минтақа** — бу сиёсий, иқтисодий, маданий, савдо ва бошқа алоқалар учун қулай имкониятларга ва истикболларга эга бўлган географик майдон ҳисобланади.

**Геосиёсат** - ("Geopolitika") сўзи юнон тилидаги "geo" (ер) ва "politicos" (давлатни бошқариш санъати) жумлаларидан олинган. Давлат ва халқларнинг ўзлари жойлашган ҳудуднинг географик, табиий - иқлим шароитларига мос равишда шаклланишини ифодаловчи мафкуравий фан. Геосиёсатнинг вазифаси сиёсий жараёнларнинг географик макондаги ўзаро алоқаларни, заминга ва маданий омилларга таъсирини ўрганиш, сайёравий маконни назорат этишдир. Бу жиҳатдан геосиёсатни амалий сиёсатни бошқариш ҳақидаги фан дейиш мумкин.

**Геостратегия** – геосиёсий таҳлилнинг ҳарбий жиҳати.

**Демократия экспорти** - инқилобий ахборот тарқатувчиларда инсон ҳуқуқларининг умумий декларациясидан иқтибослар, уларда "нодемократик" режимлар сайёраамиздаги - қашшоқликдан бошлаб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, хотин-кизлар камситилишидан тортиб, этник тозалов ва геноцидгача бўлган барча кулфатлар сабабчиси сифатида тилга олинади. Бундай пайтда, шунингдек," халқаро сиёсат - умумий демократияни ёйиш ва олға суришдан иборатдир" деган қарашлар авжга чиқади. Шу тариқа ахборот маконларида "демократияни дунёга ёйиш" сиёсатининг баёни берилган бошланади.

**Диний бағрикенглик** – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

**Демократик институтлар** – жамиятнинг демократик тузумини барпо этишга хизмат қилувчи омил бўлиб, унга қуйидагилар киради. 1) Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар. 2) Юридик мақомга эга бўлган муҳолифат. 3) Мулкчилик институти.

**Суверенитет**- давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги тўла мустақиллиги. Давлат суверенитети мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, ўз ҳудудининг дахлсизлигини таъминлаш; қонунларни қабул қилиш; уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш; суд ҳокимиятини амалга ошириш; мансабдор шахсларни тайинлаш; мустақил валютага эга бўлишни тақозо қилади. Давлат суверенитети ғояси БМТ ҳужжатларида, турли давлатларнинг конституцияларида ўз аксини топган. Республикамизнинг мустақиллиги давлат мустақиллигининг асосидир. Ўзбекистон Конституцияси 1–моддасида “Ўзбекистон –суверен демократик

республика” эkanлиги белгилаб қўйилган. Бизнинг сиёсий менталитетимиз суверенитетнинг мазмун моҳиятини мустақиллик тушунчаси орқали ифодалайди.

**Жаҳон сиёсати** - халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари ўртасидаги фаол сиёсий фаолиятлар мажмуасидир. Халқаро сиёсат тузилиши жиҳатидан суверен, мустақил миллий давлатларнинг ташқи сиёсий фаолият, минтақавий давлатлараро ва жамоатчилик тузилмалари, гуруҳлари ва иттифокдошлар ўртасидаги алоқаларни ҳамда умумбашарий миқёсда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ва муассасалар фаолиятларини қамраб олади.

**Либерализм** – ҳуқуқ ва сиёсат борасида (энг минимал даражадаги инсонпарварлик, индивидуализм, этник ва маданий эгалитаризм сингари) сўлчиликка оид хусусиятларни, иқтисодиёт борасида эса (бозор, хусусийлаштириш, хусусий мулк, капитализм) ўнг хусусиятларни ўзида мужассам этган дунёқараш. Ғарб дунёсининг етакчи мафқураси. Либерализмнинг сиёсий ифодаси либерал-демократиядир.

**Манқурт** – «Манқурт» ўз эли, тарихи, қон-қариндошини, ҳатто ўзи тукқан онасини ҳам унутган, ўз келажагини тасаввур эта олмайдиган кишилар ва халқларнинг мажозий образи. У халқларнинг манқуртларга айланишида бош айбдор давлат ва мафқурага тўла бўйсундирилган жамиятдир деган хулосага келади. Масалан, Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романида «Манқурт» афсонасидаги шахс образи.

**Миллийлик** – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

**Миллатчилик** – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим

**Маънавият** – (араб. – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

**Миллий қадрият** – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакли.

**Менталитет** – (лотинча «mens» - ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

**Мустақиллик** – 1) Тазйиқдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Ўзбек тилида Мустақиллик атамаси одатда истиқлол сўзи билан яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг қамровли жараённи акс эттиради.

**Миллий ғурур** – 1)шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга

миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

**Муҳолифат** – (арабча «муҳолафат» - келишмовчилик, тескарилашиш, карама-қаршилиқ, зиддият) – расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси. Муҳолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; ёхуд в) сиёсий партиялар ичида.

**Маърифат** – Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпчиликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

**Миллий истиқлол ғояси** – Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

**Мафкуравий иммунитет** – лотинча Immunitatis сўздан олинган бўлиб –бирор нарсадан озод этиш маъносини англатади. Шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим

**Манипуляция** - (*лот, manipulus* – “қўл ҳаракати”) - 1) қўл машқи, қўл ҳаракати, шу жумладан, қўл маҳоратига таянган фокус намоиш қилиш; 2) махинация, алдов, товламачилиқ, қаллоблиқ орқали ғаразли мақсадга эришиш; 3) одамда маълум мотивацион ҳолатларнинг (ҳиссиётлар, аттитюдлар, стереотиплар) фаоллашувига олиб келадиган коммуникацион таъсир. Бу таъсир одамни ҳар қандай хатти-ҳаракатга ундаши мумкин. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, *манипуляция* - психологик таъсир турларидан бири ҳисобланиб, кишини маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. Ахборот асрида бошқа кишиларнинг онги ва қалбига яширин, ғараз мақсад билан таъсир кўрсатишни ифодалашда манипуляция сўзи «объект устидан бирор мақсадда иш олиб бориш» маъносида ишлатилмоқда. Бунда чакқонлик, маҳорат талаб қилиниши кўзда тутилади. Шу сабабли, "манипуляция"ни кўчма маънода "одамлар билан объект сифатида муносабатга киришиш" деб ҳам тушуниш мумкин. Социологик тадқиқотларда бу ҳақда «бошқаларга билдирмасдан, асл мақсадни яширин тутган ҳолда бошқалар устидан ҳукмронлик қилиб, ўзи истаган ҳулқ-атворни шакллантириш» дейилади.

**Макон** - геосиёсатнинг асосий тушунчаси бўлиб, у миқдор ва сифат кўрсаткичига эга бўлмаган категория ҳисобланади. Маконнинг таркибий тузилиши тарихнинг таркибий тузилишини олдиндан белгилайди - геосиёсатнинг фан сифатидаги асосий тезиси ана шундан иборат.

**Оммавий маданият**–жамиятда аҳолининг кенг қатламлари орасида ёйилиб, устувор бўлган маданият. У ўз ичига маиший ҳаёт, қизиқишлар

(спорт, поп-музыка), оммавий ахборот воситалари кабиларни олади. «Оммавий маданият» моҳиятига кўра аҳоли аксарият қисмининг ҳаётини ташкил этган воқеа-ҳодисалар, интилишлар ва эҳтиёжлар билан тўлиб тошган. «Оммавий маданият» ўз номи билан омма, яъни кўпчилик эҳтиёжига мўлжалланган бўлиб, бу шакл ва мазмун стандартлашганлиги, шунингдек тижорат нуқтаи назаридан муваффақиятга қаратилганликни тақозо этади.

**Оммавий ахборот воситалари** – фуқаролик жамиятининг муҳим институти. ОАВ демократияни чуқурлаштириш аҳолининг демократик фаоллигини оширишда, фуқаролик мамлакат сиёсий ва ижтимоий, маданий ҳаётдаги воқеаликка нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти, шунингдек жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар, амалга ошаётган барча ўзгаришлар, амалга ошаётган жараёнлар хусусида кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликка кўра оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва б.) ва электрон тарзда (теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, телекоммуникация тармоғларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бериладиган шакллари ОАВ сифатида бериладиган шакллари ОАВ сифатида эътироф этилади. ХХI асрга келиб ОАВ давлатнинг ҳаётида муҳим ўрин тута бошлади. Техника ва технологиянинг тараққиёти ОАВнинг халқаро муносабатлардаги мавқеини ўзгартирди. У геосиёсий назорат ўрнатишнинг кучли қуролига айланди.

**Прагматик** – ўз амалий фаолиятида кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ аҳамият бериш зарур деб билгувчи шахс.

**Периферия (марказдан четдаги, узоқдаги жойлар)**— стратегик пойтахтдан, геосиёсий нуқтаи-назардан асосий қарорларни қабул қилувчи шахсдан узоқда жойлашган, ўзининг мустақил геосиёсий йўналишига эга бўлмаган макон ва ерни ифодаловчи тушунча.

**Ташвиқотда “ақлни ювиш”- Мияни “ювиш”** - мияни “ювиш” (*ингл, brainwashing; brain - “мия”; wash - “ювмоқ”, “тозаломоқ”*). Бу инсоннинг аввалги фикрлари, қарашларини рад этиб, унга ўзгача ёки бутунлай тесқари фикрларни қабул қилдиришга қаратилган жараён ҳисобланади. Баъзи мутахассислар бунинг назорат остидаги индивидуумларга зўрлик билан ўтказиладиган, ўз фикр-этиқодини ўзгалар фикрлари, қарашлари, ҳулқи ва қарорларида устуворлик қилишини таъминлашга қаратилган руҳий тактика деб ҳисоблайдилар. Бунда кўрқитиш, онга таъсир қилиш, доимий савол бериш каби усуллардан фойдаланилади.

**Ҳудудий яхлитлик** - чегаралар дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги биргина армиянинг ҳарбий салоҳиятини кучайтириш билан чекланмайди. Давлат ҳудудий яхлитлиги, унинг барқарорлиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлигини таъминлаш - унинг ташқи сиёсий дипломатияси салоҳиятига боғлиқ геосиёсий жараёндир. Амалиёт *давлат чегаралари*

ролининг геосиёсат воситаси сифатида кескин ўсаётганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда инсоният характериға кўра мисли кўрилмаган ўзгаришларни бошидан кечиришға мажбур бўлмоқда. Бу ҳол айниқса геосиёсий координатлар тизимидаги ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Одатда, мазкур ўзгаришлар давлат чегараларида бошланади ва кучли акс этади. Расмий белгиланган чегара билан конкрет давлат ёхуд мамлакатлар гуруҳи таъсир доираси ўртасидаги беқиёс ҳажмда геосиёсий зиддиятларнинг ўткирлашуви-умумбашарий, минтақавий келишмовчиликларнинг кучайиб кетишиға ва давлат ҳудудий яхлитлигиға таҳдидға олиб келиши мумкин.

**Кибертерроризм** (лот, cyber terrorism; cyber - “кибер”, terror – “қўрқув”, “даҳшат”) – замонавий, илғор технологиялар, компьютер ва бошқа имкониятлардан фойдаланган ҳолда ёвуз кишиларнинг ўзининг ғараз ниятларига эришишдан иборат. Кибертерроризм (компьютер терроризми) остида ғаразли ниятда, сиёсий мақсадларда амалға оширилган компьютер тизими ва тармоғидаги ахборотға қилинган ҳужум тушунилиб, у одамлар ҳаёти ва соғлиғиға хавф пайдо қилиб, жамоатчилик тинчлигини бузади, аҳолини қўрқитиб, ҳарбий низо келтириб чиқаришға интилади. Кибертерроризм инсоният учун жиддий хавф бўлиб, уни ядро, бактериологик ва кимёвий қуролға тенглаштириш мумкин. Ҳатто у ўз янгилиги туфайли тўла-тўқис ўрганиб улгурилмаган қуролдир.

**Кучлар мувозанати**- турли давлат ва гуруҳларнинг қудратиға боғлиқ ўзаро алоқадорликдан келиб чиқадаган ҳамкорликнинг натижасида пайдо бўлади. Кучлар мувозанати – тенг вазнлилик эмас, балки динамик равишда турли ўйин элементларидан келиб чиқувчи кучлар муносабатидир. “Дарвоза мамлакат” тушунчаси орқали қулай шароитға эға бўлган ўрта миқёсдаги давлатнинг турли геосиёсий блоклар маҳоратларидан унумли фойдаланиши, минтақадаги кучлар нисбати муаммоси – ҳозирги халқаро журналистик таҳлилларнинг асосий мавзуси.

**Кўп қутбли дунё** - бу бир қанча улкан маконларнинг биргаликда мавжуд бўлишини назарда тутувчи замонавий соф назарий мажмуа. Бу ҳолат фақат бир қутбли дунё баргараф этгилгандан кейингина бўлиши мумкин.

**Комиллик** – инсоннинг камолотға эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи тушунча. Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари мавжуд. Нодонға нисбатан оқил, лоқайдға нисбатан сергак, бахилға нисбатан сахий, танбалға нисбатан серғайрат, қўрқоққа нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов воситасини ўтайди.

**Сиёсий борлик** — бу геосиёсатнинг асосий категорияларидан бири ҳисобланади. Сиёсий журналистикада давлат (куч) геосиёсатнинг марказий тушунчаларидан бири ҳисобланса, сиёсий борлик давлатнинг сиёсий ҳолати ва ҳаётий мазмунини кўрсатиб берувчи муҳим омил тариқасида акс этади. Сиёсий борликда давлатнинг турмуш тарзи намоён бўлади. Ўз навбатида журналистикада борлик тушунчаси геосиёсат назариясининг асоси, унинг ҳар қандай давлатда чегараланганлиги билан акс этиб бормоқда.

**Сиёсий география** – Ф. Ратцел томонидан илгари сурилган атама ҳисобланиб, Челлен томонидан номлангандан кейин очиги «геосиёсат» деб номланадиган бўлди.

**Сепаратизм** - чекка ҳудудларнинг мухториятига мойиллик, унинг иқтисодий, маданий, сиёсий ва стратегик сингари бир қанча шакллари мавжуд.

**Ташқи таҳдидлар** – ташқи таҳдидлар асосан ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади

**Тарғибот** (араб. қизиқтириш, тарқатиш) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади. 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим. Муайян замин ва маконда маълум бир стратегик-назарий масалаларни аҳоли онгига изчил сингдиришни мақсад қилган фактор тарғиботдир. Тарғибот – бирор ғоя, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига сингдиришга қаратилган, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тушунтириш ва даъватни, одамларни муайян бир вазифани ҳал қилиш, маълум бир тартиб-қоидалар асосида яшаш, меҳнат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш, ғоявий руҳлантириш, сафарбар қилишни англатади.

**Умуминсоний қадрият** – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, моддий ва маънавий манфаат, мезонлар мажмуи.

**Умумбашарий** – бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

**Империя** – диний, ахлоқий ,сиёсий- мафкуравий характердаги универсал ғоя остида бир неча давлат ёки халқларни бирлаштирувчи умумдавлат тузилмаси.

**Интеграция** – геосиёсатда бир нечта ҳудудий бўлақларни бирлаштиришни ифода этувчи кўпқиррали шакл. Интеграция ҳарбий босқинчилик йўли билан ҳам, тинч йўл билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Геосиёсий интеграциянинг бир қанча – иқтисодий, сиёсий, маданий, тил, стратегик, диний ва ҳақозо йўллари мавжуд. Уларнинг барчаси ягона мазмундаги якуний натижага – блокнинг стратегик жиҳатдан юксалишига ва ҳудудий жиҳатдан кенгайишига олиб келади.

**Феминстлар-аёлларни камситишлардан халос** этувни тарғиб қилувчи, уларнинг мавқеини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида тарғиб қилувчи оқим.

**Ғарб индивидуализми-** инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалигини, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ифодаловчи ахлоқий хусусият. Индивидуализм алоҳида шахс манфаатларини жамоа манфаатлаиридан утун кўради, оила манфаатини жамият манфаатидан алоҳидалиқда олиб



карайди. Бугунги кунда жамиятда айрим кишилар фақат ўзини ўйлашлик руҳияти билан боғлиқ социал маънавий ҳолатлар ғарбона индивидуализмдан озуқа олмоқда. Бунда ўзгалардан устун кўйиш, бошқаларни менсимаслик, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун кўйиш иллатлари етакчи ўринга чиқади.

**Ғоявий тарбия** – жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришдир. Ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил этади.

**Ғоянинг турли кўринишлари** – Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига кўра – илмий, фалсафий, диний, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний ғояларга бўлинади.

**Шовинизм** – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти

**Фундаментализм** – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш

**Юрт тинчлиги** – мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилдир

**Ижтимоий ҳамкорлик** – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги

**Экстремизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

**Эътиқод** – Дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш – уни ҳақ деб билиб, уни таълимотини тан олиш.

**Қадрият** – умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий, диний турларга бўлинади.

**Фуқаролик жамияти** – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунчадир. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

**Эҳтиёж** – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечиршининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат.

**Шарқона демократия** - урф-одат, қадриятларга асосланган ўзига хос демократия.

**Ирқчилик** – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи

даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму-кўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

**Фанатизм** – Бирон ғояга, шахсга унинг мазмунини, моҳиятини чуқур англамасдан жоҳилларга ишониш ва унга эргашишдир ва у ҳаётда турли соҳаларда учрайди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

## **III. Махсус адабиётлар**

19. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
20. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010. 204.
21. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.

22. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni "PIONEER", B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
23. Lindsay Clandfield and Kate Pickering "Global", B2, Macmillan. 2013. 175.
24. Muhammadsiddiqov M.M. Musulmon mamlakatlari va zamonaviy xalqaro munosabatlar. O'quv qo'llanma. – T.: Qaqnus media, 2019. – 226 b.
25. Muhammadsiddiqov M.M. Xorijiy Sharq va G'arb mamlakatlarida ijtimoiy-siyosiy jarayonlar. Darslik. – T.: Qaqnus media, 2019. – 216 b.
26. Muhammadsiddiqov M.M. Zamonaviy xalqaro munosabatlarning mintaqaviy jihatlar. Darslik. – T.: Qaqnus media, 2019. – 207 b.
27. Muhammadsiddiqov M.M., Azimov H.Ya. Sharq mamlakatlari xalqaro munosabatlari. O'quv qo'llanma. – T.: Qaqnus media, 2019. – 207 b.
28. Steve Taylor "Destination" Vocabulary and grammar", Macmillan 2010.
29. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
30. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
31. Битўраев Ў.Б. Сиёсатшуносликка кириш. – Т.: ТошДШИ, 2017.
32. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: "Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази" нашриёти, 2019. 312 б.
33. Ёвқочев Ш.А. Жаҳон сиёсатида ислом омили. –Тошкент.: ТошДШИ, 2016.
34. Жумаев Р. З. Конфликтология. –Тошкент.: ТошДШИ, 2018.
35. Жумаев Р.З., Ёвқочев Ш.А. Сиёсий технологиялар. –Тошкент.: ТошДШИ, 2019.
36. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: "Lesson press", 2020. 112 бет.
37. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.  
[http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
38. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
39. Мадаминава Д.И. Жаҳон сиёсати. – Тошкент, 2019. – 228 б.
40. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: "Sano-standart", 2015. – 208 б.
41. Мустапова Ҳ. И., Битўраев Ў.Б. Халқаро муносабатлар назарияси. . – Тошкент.: ТошДШИ, 2017.
42. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида.  
[https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)

43. Сайфуллаев Д.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент, 2016.

44. Сайфуллаев Д.Б. Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиш тарихи (1991-2016). – Тошкент.: ТошДШИ, 2018.

45. Сайфуллаев Д.Б. Хорижий давлатлар дипломатик хизмати. – Тошкент.: 2018.

46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

#### **IV. Интернет сайтлар**

47. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

48. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

49. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)

50. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

51. [www.ut.uz](http://www.ut.uz)

52. [www.to.uz](http://www.to.uz)

53. [www.mtrk.uz](http://www.mtrk.uz)

54. [www.uzbekiston.uz](http://www.uzbekiston.uz)

55. [www.jb.uz](http://www.jb.uz)

56. [www.tafakkur.uz](http://www.tafakkur.uz)

57. [www.ppch-uzbekiston.uz](http://www.ppch-uzbekiston.uz)

58. [www.yoshlar.uz](http://www.yoshlar.uz)

59. [www.ijtimoiyfikr.uz](http://www.ijtimoiyfikr.uz)

60. [www.informanalytic.ru](http://www.informanalytic.ru)

61. <http://daily.sec.ru/dailypblshow.cfm>

62. [www.ase.md](http://www.ase.md)

63. <http://www.phreaking.ru/showpage.php>

#### **ҚЎШИМЧА ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т., «Ўзбекистон». 2017. – 104 б;

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т., «Ўзбекистон». 2016. – 56 б;

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Т., «Ўзбекистон». 2017. – 48 б;
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т., «Ўзбекистон». 2017. – 488 б;
6. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. Т., «Ўзбекистон». 2019. – 400 б;
7. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шаҳри”. -Т.: Ё.Ёулом Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
8. Абдулла Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, -Т.: 1994.
9. Акназаров Д.Ф., Абдурахимов И. Пути и средства активизации потенциала управления. М.:2002.
10. Атаманчук Г.В. Государственное управление (организационно-функциональные вопросы). Учебное пособие. -М.: “Экономика”, 2000.
11. Артемьева Т.В. Философия не умственная, а сердечная и чувствительная. //Вопросы философии. “Наука”. 2005. №1.
12. Бай Е. Один раз в полвека. //Известия, №104. 2002, 20 июня. С.9.
13. Болиев А. Раҳбар маънавияти. -Т.: “Маънавият”, 2002.
14. Бизюкова И.В. Кадры управления подбор и оценка. Учебное пособие. М.:1998.
15. Беляев А.А., Коротков Э.М. Систематология организации. Учебник / под.ред.Э.М.Короткова. М.:2000.
16. Васильев В.И. Местное самоуправление. М.: 2003.
17. Вопросы философия.. Т.5,6,7.. М.: 2003.
18. Валиев Б. Иқтисодий маданият. //Жамият ва бошқарув. 2003 йил 4-сон
19. Велков Ю.Е. Социальное управление как вид управленческой деятельности в общественных системах. //Социально-политический журнал. 1997. №3.
20. Гегель. “Философия права”. М.: 1997.

21. Государственная служба: теория и организация. Курс лекций. -М.: Ростов-на-Дону, 1998.
22. Государственная служба (комплексный подход). Учебное пособие. - М.: ДЕЛЮ, 1998.
23. Ермаков В.М. Образ жизни в системе социального управления. -М.: Курский государственный педагогический институт, 1993.
24. Жаҳон фалсафаси. Тузувчи ва масъул Назаров қ. -Т.: Файласуфлар Миллий жамияти нашриёти, 2004.
25. Жураев А. Процесс стратификации общества и образования среднего класса в Узбекистане. ЦА и К, 2002, №2(20), С.170-178.
26. Жўраев С.А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. –Т., “Тошкент Давлат шарқшуослик институти” нашриёти, 2003.
27. Карнеги Д. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей. М.: 1991.
28. Коротков Э.М. Исследование систем управления. М.: 1996.
29. Кноринг В.И. Искусство управления. Учебник. М.1997.
30. Карданская Н.П. Основы принятия управленческих решений. Учебное пособие. -М.: БЕК, 1998.
31. Кочеткова А.И. Психологические основы современного управления персоналом. 1999.
32. Капустин П.А. Управленческое консультирование для руководителей. 2000.
33. Конфуций. Изречение. 2001.
34. Каган М. С. Человек как проблема современной философии. <http://anthropology.ru/ru/texts/kagan/man.html>
35. Ёёð òèëîñîðèè. ×àñòü 1.Ì.: 1991.
36. Маргарит Т.Ч. Искусство управления государством. пер.с.англ. М.: 2003.
37. Назаров қ. қадриятлар фалсафаси (Аксиология). -Т.: Файласуфлар Миллий жамияти нашриёти, 2004.

38. Назаров қ. Ғарб фалсафаси. Тузувчи ва масъул -Т.: “Шарқ”, 2004.
39. Общая теория управления. М.: 1994.
40. Пригожин А.И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. М.:1986.
41. Пригожин А.И. Современная социология организаций. М.: 1995.
42. Проблемы современной философии.  
<http://www.reflist.ru/doc/11333.shtml>
43. Раҳбар ва ходим. (Тўплам) -Т.: “Академия”, 1998.
44. Ўқув-таълимнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти. -О.: “Университет”, 1995.
45. Секреты умелого руководителя. М.: 1991.
46. Социальное управления. Словарь. 1994.
47. Смирнов Э.А. Организация организации. М.: 1996.
48. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. -Т.:”Шарқ”, 2002.
49. Степанянц М. Восточная философия: Вводный курс. 2001.
50. Современное управление. Энциклопедический справочник. Том в второй.1997.
51. Современная философия. [http://philos.nsu.ru/classics/histphil\\_3.html](http://philos.nsu.ru/classics/histphil_3.html)
52. Социально-философские аспекты регулирования и пути оптимизации управления  
[http://www.ncstu.ru/content/\\_docs/pdf/conf/past/2003/xxxii/06/07.pdf](http://www.ncstu.ru/content/_docs/pdf/conf/past/2003/xxxii/06/07.pdf)
53. Суворова А.Н. Введение в современную философию.  
<http://www.philosophy.ru/edu/ref/suvorova/00.html>
54. Связи с общественностью в политике и государственном управлении. 2001.
55. Шанхолов Ф. Теория государственно управления. М.: 2002.
56. Тихонравов Ю.В. Теория управления. Учебный курс. 1997.
57. Управления социальной сферой. Учебник. Под.ред. Б.Э.Гординг. 1998.
58. Удальцова М.В., Аверченко Л.К. Социология и психология управления. М.:1998.



59. Усмонов М., Каримов Р., Йўлдошев С. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. –Т.: 2002.
60. Ôàëñàðàààáí ááúç íàòíëàðè. -Ò.: 1995.
61. Франчук В.И. Основы современной теории организации. М.: 1995.
62. Фалсафа асослари. Тузувчи ва масъул Назаров қ. Т.: “Шарқ”, 2005.
63. Философия в современном мире.  
<http://www.spa.msu.ru/spa.php?inform/depspa/philmnet/VolkogonovaOD/lectures/lec1>
64. Франчук В.И. Основы общей теории социального управления  
<http://socio-org.narod.ru/OTCY.htm>
65. Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Т. | “Академия”, 2002.
66. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. -Т.: “Академия”, 2004.
67. Эргашев И. Демократия - миллий ва умумбашарий қадрият // Жамият ва бошқарув, 2004 йил 1-сон.
68. Эргашев И. Демократия ва жамоавий онг муносабати: уйдирма ва ҳақиқат // Жамият ва бошқарув. 2004 йил 4-сон.
69. Яхонтова Е.С. Эффективность управленческого лидерства. 2002.
70. Ҳақиқат манзаралари. 96 Мумтоз файласуф. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.